

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЙЎЛДОШЕВ Б.,
САНАЕВА М.**

**НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАРНИНГ МАЪНО
ТАРКИБИ ҲАҚИДА**

(монография)

**(тўлдирилган ва тузатилган
иккинчи нашри)**

САМАРҚАНД - 2013

УДК: 494.3
ББК: 81.2Уз
Й - 81

Йўлдошев Б., Санаева М. Номловчи бирликларнинг маъно таркиби ҳақида. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – 122 б.

Ишда лингвистика семантика соҳаси, унинг ўрганиш объекти, кейинги йилларда бу соҳада эришилган ютуқлар ёритилади. Номловчи бирликларнинг маъно таркиби таҳлил қилиниб, денотатив ва коннотатив маъно хусусиятлари семик таҳлил асосида очиб берилади, ўзбек тили луғавий қатламида кенг тарқалган ҳолат билдрирувчи сифат лексемаларнинг маъно таркибини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур монография ўзбек лексикологияси ва семантикасини янги факт ва далиллар билан бойитишга хизмат қилади. Бу иш лингвистик семантика, компонент таҳлил ва ўзбек лексикологияси муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор ЎРИНБОЕВ Б.

Такризчилар: филология фанлари доктори,
доцент БОЙМИРЗАЕВА С.
филология фанлари номзоди,
доцент ТУРОБОВ А.

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат
университети, 2013.

СЎЗ БОШИ

Маълумки, ўзбек тилшунослигида сўз маъноси ва унинг тараққиёти муаммоларига бағишланган қатор ишлар юзага келди. Бу ўринда И.Қўчқортоевнинг “Сўз маъноси ва унинг валентлиги” (1977), М.Миртожиевнинг “Ўзбек тилида полисемия” (1975), Э.Бегматовнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари” (1985), Э.Қиличевнинг “Бадий тасвирнинг лексик воситалари” (1982), Б.Х.Дониёровнинг “Проблемы лексической синонимии узбекского языка: коннотативный аспект номинативных единиц” (1994), Ҳ.Неъматов, Расуловнинг “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” (1995), М.Равшанов, Ф.Нажмиддинов, Т.Дўстов, Г.Ҳасанованинг “Лингвистик семантика асослари” (2003), И.Мадрахимовнинг “Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари” (2005), Х.Жабборовнинг «Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари» (2005), Р.Шукуровнинг “Сўз вариантларининг лексик-семантик дифференциацияси” (2006), муаллифлар жамоаси томонидан яратилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (1-том, 1966), “Ўзбек тили лексикологияси” (1981) сингари бир қатор монографик тадқиқотларни, Б.Х.Дониёров, Ш.Х.Бобожонов, Ф.Нажмиддинов, М.Мамадалиева, З.Мамаражабова, Г.Келдиёрова, З.Тоҳиров, Р.Сафарова, М.Нарзиева, Г.Қобулжонова, Е.Алланазаров, Л.Худойбердиева? С.Махсумова каби олимларнинг номзодлик диссертацияларини алоҳида таъкидлаш лозим [85; 21; 27; 43; 57;

111; 38; 7; 94; 15; 42; 44; 103; 49 ва ҳоказо]¹. Бу ишларда тилимиздаги номинация жараёни, унинг таркиби, ҳосил бўлиш омиллари ҳақида у ёки бу даражада фикр-мулоҳазалар юритилган. Лекин шу кунга қадар номинация, НБларнинг маъно таркиби муаммоси махсус, монографик йўналишда тадқиқ этилганича йўқ. Ана шундан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда НБлар, уларнинг турлари, уларнинг маъно таркиби ҳақида фикр билдирилади.

Умуман олганда, “лексик маъно ҳам таркибий қисмлардан, компонентлардан ташкил топади” [9, 252-264]. Лексема дейилганда “жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури” тушунилади [59,37]. Умуман, “лексема” атамаси жамият аъзолари учун “тайёр” ва “умумий” бўлган тилнинг луғавий бирликларига, “сўз” атамаси эса нутқда воқеланган лексемалар ва сўз яшаш қолипларининг ҳосилаларига нисбатан қўлланади.

Лексема ўзининг энг муҳим вазифаси бўлган воқеликдаги, инсон онгидаги нарса-буюм, белги, хусусият ва моҳиятларни аташни семема орқали бажаради. Семеманинг онгимиздаги тушунчалар билан боғлиқлиги лексеманинг аташ, номлаш, номинатив бирлик сифатида вазифасини бажаришга имкон беради. Семема онгимизда мавжуд бўлган турлича тушунчалар билан узвий

¹ Мазкур ишда адабиётларни кўрсатишда қуйидаги тартибга амал қилинди: вергулгача рақам фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги манбанинг ўрнини, кейинги рақам эса унинг саҳифасини кўрсатади.

боғланади. Ўз вақтида проф.И.Қўчқортоев тўғри таъкидлаганидек, “лексик маъно (семема) яхлит бутунлик эмас, балки таркибли ҳодиса эканлигининг кашф этилиши ҳозирги давр тилшунослигининг энг йирик муваффақиятларидан биридир” [113,29]. Бу муаммонинг тўғри ҳал қилиниши эса ҳозирги замон ўзбек тилшунослигининг семасиология, лексикография, ономасиология ва бошқа қатор соҳалари ривож учун муҳим аҳамият касб этади. Бу эса монографик тадқиқот сифатида танланган мавзунинг фақат ўзбек тилшунослиги учун, балки умумий тилшунослик назарияси учун ҳам долзарб эканлигидан далолат беради.

Ўзбек адиблари қаламига мансуб асарлардан олинган мингдан ортиқ мисоллар, икки томлик ва беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” каби лексикографик ишларда НБларнинг маъно таркибига доир фактик материаллар мазкур тадқиқот учун манба вазифасини ўтади.

Монографиянинг асосий мақсади жаҳон ва ўзбек тилшунослигида номинация жараёни ва НБларнинг ҳосил бўлиши, маъно таркиби ҳақида билдирилган фикрларни ўрганиб чиқиб, лингвистик семантиканинг асосий йўналишлари, ўзбек тилида НБларнинг маъно таркиби, уларнинг семантик структурасини очиб беришдан, ҳолат билдирувчи сифат лексемаларнинг маъно хусусиятларини таҳлил қилишдан иборатдир.

Тадқиқот натижалари назарий тилшуносликнинг семантика, ономасиология, сўз ясалиши, семиотика, семасиология каби йўналишлар бўйича келгусида яратилажак илмий ишлар учун маълум даражада назарий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек тадқиқот натижаларидан филолог талабалар учун ўзбек тили семасиологияси, семантикаси, услубияти, лексикологияси бўйича махсус курслар ва семинарлар ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин. Бу иш ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини тузувчилар учун ҳам назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Мазкур монографияни яратишда семантика ва семасиологияга доир тадқиқотлардан, айниқса, Л.А.Новиков, Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, О.Бозоров, М.Равшанов, И.Мадраҳимов сингари олимларнинг ишларидан ижодий фойдаланилди. Бу иш келгусида номловчи бирлик (НБ)ларнинг маъно таркиби орасидаги мураккаб семантик муносабатларини янада кенгроқ тадқиқ этишга даъват этади, деб умид қиламиз.

Б И Р И Н Ч И Б О Б

ЛИНГВИСТИК СЕМАНТИКА ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИГА ДОИР

“Семантика” сўзи юнонча *semantikos* ва французча *semantique* сўзларидан олинган бўлиб, “ифодаловчи” деган маънони билдиради. Тилшуносликда бу сўз икки маънода қўлланади: а) тил бирликларининг мазмун, маъно томони; б) луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа – семасиология [ТТИЛ, 87]. Бундан кўринадики, тилшуносликда семантика фани тил бирликларининг мазмун томонини ўрганади ва тадқиқ этади. “Семантика” атамасини тилшуносликка илк бор 1897 йилда француз тилшуноси М.Бреал киритган эди. XX аср тилшунослигидан бошлаб бу атама билан ёнма-ён “семасиология” атамаси ҳам қўлланилмоқда. Бу атамани тилшуносликка инглиз олими С. Ульман [87,281] ва немис олими М.Рейзиглар олиб кирган эдилар. XIX аср охирига келиб лингвистик семантика мустақил фан сифатида шакллана бошлади.

Сўз ва унинг луғавий ҳамда грамматик маъноларини ўрганиш семантиканинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳозирча тилшунослик фанида сўзнинг барча олимлар тан оладиган умумий илмий таърифи яратилганича йўқ. Жумладан, О.С.Ахманова луғатида “сўз” (“глосса”) атамасининг инглизча *word*, французча *mot*, немисча *Wort*, испанча *palabra* вариантлари келтирилиб, унинг кўп маънолилиқ хусусияти таъкидланган ҳамда «сўз» лексемасининг йигирмага яқин фарқли белгилари кўрсатилган [124,

422-423]. Академик А.Ҳожиев томонидан тузилган луғатда сўзга қуйидагича таъриф берилган: “Лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеланган кўриниши. Ўз товуш қобиғига эга бўлган, объектив нарсалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги” сўздир [ТТИЛ, 95]. Ёки француз тилшуноси А.Мейе асарларида сўз тушунчасининг тўрт хил таърифи мавжуд. Бу таърифлардан бири (хронологик жиҳатдан учинчиси) “Мейенинг машҳур формуласи” номи билан тилшунослар орасида кенг тарқалган ва Ж.Марузонинг “Лингвистик терминлар луғати”га ҳам киритилган: “Муайян маъно билан муайян товушлар комплексининг муайян грамматик қўллашга имкон берадиган боғланиши (ассоциацияси)га сўз дейилади” [126, 274].

Бу таъриф анча ихчам ва илмий жиҳатдан асосли кўринса-да, унда ҳам айрим камчиликлар бор. Аввало шуни айтиш керакки, бу таърифда омонимия билан полисемия (кўп маънолилиқ)ни фарқлашга имкон берадиган аниқ критерий (белги)лар йўқ: таърифда полисемантик сўз маъноларининг ҳар қайсиси алоҳида сўз бўлиб чиқади [8, 147]. Иккинчидан, бу таърифда келтирилган умумий тушунча билан сўзни чегаралаши керак бўлган хусусий белгида аниқлик ва изчиллик етишмагандек туюлади. А.Мейенинг бу таърифига мувофиқ, тилдаги аффикс ҳам, сўз бирикмаси ҳам сўз деб қаралиши лозим.

Сўз тушунчасини таърифлашдаги қийинчиликлар айрим тилшуносларни бу тушунчадан умуман воз кечишга олиб келган эди. Масалан, Ф.де Соссюрнинг фикрича, “...тилнинг конкрет бирлигини сўздан қидирмаслик керак” [79, 113]. Тилнинг, шу жумладан, сўзнинг услубий хусусиятларини атрофлича ўрганган ва шу йўл билан лингвистик услубият фанига асос солган яна бир француз тилшуноси Ш.Балли ҳам сўз тушунчасини изчил таърифлай олмаган эди. У сўз тушунчасини таърифлашдан кўра бу тушунчадан воз кечишни афзал кўрган эди: “Биринчи қарашда сўз тушунчаси аниққа ўхшаб кўринади, - деб ёзган эди Ш.Балли. – Аслида бу тушунча тилшуносликдаги энг ноаниқ тушунчалардан биридир...” [10, 115-117]. Бундай дейилишига сабаб, сўз тилнинг мураккаб бирлиги (элементи) бўлиб, унинг хусусиятлари (белгилари) жуда кўп ҳамда уларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда яхлит, умумий таърифга эга бўлиш қийин. Айрим илмий ишларда сўзнинг асосий белгилари сони ўндан ҳам ошиб кетишини инобатга оладиган бўлсак, бую талабнинг асосли эканига яна бир марта тўла ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, таниқли рус тилшуноси, академик Н.М.Шанский асарида сўзнинг қуйидаги белгиларга эга эканлиги таъкидлаб кўрсатилган: 1) фонетик шакл, 2) семантик валентлик, 3) орасига бошқа элемент киритиш мумкин эмаслиги, 4) бир урғуга эга бўлиш, 5) лексик-грамматик ҳосланиш, 6) товуш состави ва маъносининг турғунлиги, 7) нутқда қайта тикланувчанлик, 8) яхлитлик ва бир грамматик шаклга эга бўлиш, 9) асосан сўз бирикмаси таркибида қўлланиш, 10) айримлик, 11)

номинативлик, 12) фразеологик (идиоматик) характерга эга бўлиш [98, 11]. Сўзнинг бундай муҳим хусусиятлари сонини яна кўпайтириш мумкин.

Маълумки, тил структурасида бир-биридан яққол ажраладиган ярус (сатҳ)лардан бири номлаш бирликлари (номловчи бирликлар - НБ), иккинчиси эса хабарлаш бирликлари (хабарловчи бирликлар - ХБ) яруси (сатҳи)дир. Агар биз бу умумий семантик қоидани тил бирликлари терминида ифода этсак, НБлар яруси тилнинг сўзлар (лексик бирликлар) сатҳидан, хабарловчи бирликлар яруси эса гаплар сатҳидан иборат бўлишини пайқаш қийин эмас. Бу нуқтаи назардан сўзнинг асосий функцияси номлаш, аташ функцияси бўлади [91, 42]. Сўзнинг гапдаги вазифаси унинг мана шу номинатив функцияси билан белгиланади. Сўз муайян грамматик шаклга эга бўлгани учун номлаш вазифасини бажармайди, аксинча, сўз номинатив функцияга эга бўлгани учун гапда муайян грамматик шаклда келади.

Хуллас, проф.Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, “лексеманинг мазмун жиҳати анча мураккаб бўлиб, унинг асосини лексик маъно ташкил қилади. Лексик маънонинг узвларига идеографик семалар дейилади. Лексик маънонинг таркибида туркумлик семаси ҳам қатнашади. Лексик маънони қуршаб турувчи бетараф, ижобий ёки салбий баҳо семаси ҳам мавжуд бўлади ва бошқалар... лексема бир лексик маъноли бўлса (моносемем бўлса), у битта тил бирлигига тенг; агар кўп маъноли бўлса (полисемем

бўлса), ҳар бир лексик маънони (семемани) алоҳида тил бирлигига тенг деб қараш” лозим [71, 17].

Шуни унутмаслик зарурки, номинация (номлаш) – сўзнинг ягона функцияси эмас. Сўз нутқ жараёнида жуда хилма-хил вазифаларни бажаради. Лекин биз мазкур ишимизда сўзнинг таърифи учун зарур бўлган асосий етакчи функциясини ажратиш билан чекландик. Тилнинг НБлари сўзнинг ўзидангина иборат эмас. Сўз билан бир қаторда сўз бирикмаси ҳам тилнинг НБлари қаторига киради [91, 43]. Номинатив функция қисман гапга ҳам хос эканлигини эсласак [63, 302], бу функция сўзнинг ўзига хос функцияси (белгиси) бўла олмаслиги ўз-ўзидан равшан бўлади. Функционал томондан сўзнинг хусусий, ўзига хос белгиси унинг НБлар қаторида тутган ўрни билан белгиланади. Сўз тилнинг минимал НБи саналади. Бундан сўз маъноли қисмларга бўлинмас экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, чунки сўз бир морфемадан (ўзак морфемадан) ташкил топгани каби, бир қанча морфемалар қўшилмасидан ҳам ташкил топиши мумкин: *иш+чи*, *ўйин+чоқ+лар* , *топ+ил+ма+ди* каби. Лекин морфемалар қўшилмаси (сўз) билан сўзлар бирикуви (сўз бирикмаси) ўзаро фарқ қилади [37, 15]. Сўзнинг таркибий қисмлари номинатив функцияга эга бўлмайди. Шунинг учун улар ўзлари алоҳида тилнинг НБлари қаторига кирмайди. Сўз бирикмаси эса сўзлардан ташкил топади: *уйда қолди*, *узоқ юрди*, *кенг дала*, *биринчи муаллим* каби. Бошқача қилиб айтганда, сўз бирикмаларининг компонентлари

НБлардан иборат бўлади. Шунинг учун сўз бирикмаси тилнинг минимал НБи (сўз) ҳисобланмайди.

Сўз бирикмаси билан сўзнинг бир-бирига муносабати тўғрисида гап кетганда, улар орасига кескин чегара қўйиб бўлмаслигини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур, чунки сўз бирикмаси қўшма сўз ҳосил бўладиган асосий манбалардан биридир: *катта қўрғон – Каттақўрғон, оқ дарё – Оқдарё, макка(нинг) жўхори(си) – маккажўхори, музнинг ёрилиши – музёрар, маржон(дай) булоқ – Маржонбулоқ, олтин девор – “Олтин девор” комедияси* кабилар. Сўз бирикмаси билан қўшма сўз орасида икки хил баҳоланадиган ҳодисалар кўп учрайди. Аслини олганда, тилшуносликда қўшма сўз назариясининг энг заиф нуқталаридан бири ҳам мана шундай икки хил талқинга йўл қўядиган бирикмалар масаласидир [45, 16-21]. Гап шундаки, ўзбек тилида қўшма сўз билан сўз бирикмасининг грамматик шаклланиши принцип (тамойил)да кўпинча ўзаро фарқланмайди. Худди қўшма сўзда бўлгани каби, сўз бирикмасида ҳам формал кўрсаткичлар компонентларга алоҳида-алоҳида эмас, балки бутун бирикмага қўшилади. Масалан: рус тилида *белоручка* қўшма сўз, НБ, *белая ручка* сўз бирикмаси. Бу бирликларнинг турланиши, грамматик жиҳатдан ўзгариши ўзаро кескин фарқ қилади: *белоручку, белоручке, белоручкой, белую ручку, белой ручке, белой ручкой* кабилар. Бу бирликларнинг ўзбекча эквивалентлари грамматик шакл нуқтаи назаридан ўзаро фарқланмайди: *оқ билак (танноз), оқ билак (билаги оқ)* каби. Бу бирликларнинг келишиклар ва эгалик қўшичалари билан

турланиши бир-биридан мутлақо фарқланмайди: *оқ билакнинг, оқ билакни, оқ билакка, оқ билакда, оқ билакдан; оқ билагим, оқ билагинг, оқ билагини, оқ билагимиз, оқ билагингиз, оқ билаклари* каби. Бу икки бирлик орасидаги фарқни уларнинг ифода плани (товуш материали ва грамматик шаклланиши)дан эмас, балки уларнинг мазмун планидан, уларнинг маъно хусусиятидан қидирмоқ лозим: билагини оқ маъносидаги *оқ билак* эркин бирикма бўлса, танноз маъносидаги *оқ билак* идиоматик бирикма (фразеологизм ёки ибора)дир. Бу бирикма икки сўзнинг бирикуви сифатида эмас, балки яхлит, бир бутун бирлик (сўз, НБ) сифатида тушунилади. Рус тилидаги *белоручка ҳам*, ўзбек тилидаги *оқ билак (танноз)* ҳам идиоматик характерга эга. Булардан *белоручка* бирлигининг яхлитлиги формал кўрсаткичлар билан мустаҳкамланган, лекин *оқ билак (танноз)* бундай кўрсаткичлар билан мустаҳкамланган эмас. Шунинг учун рус тилидаги *белоручка* бирлигини қўшма сўз, ўзбек тилидаги *оқ билак (танноз)* бирлигини эса фразеологизм ёки ибора сифатида баҳолаш ўринлидир. Бу келтирилган далил шуни кўрсатадики, тилнинг луғавий бирликлари, НБлар фақат сўзлар (сода ва қўшма сўзлар)нинг ўзи билангина чегараланмайди. Тилнинг НБлари доирасига қисман фраземалар ҳам кириди, чунки ибораларнинг маълум қисми номинатив функцияни бажаради. Тилимиздаги *юмшоқ супурги (лаганбардор), қора олтин (нефть), зангори олов (газ), зангори экран (телевизор), оқ олтин (пахта), аммамнинг бузоғи (лапашанг)* каби фраземаларда баҳолаш функцияси уларни муайян предмет ёки техника ўсимлиги,

характер-хусусият маъносини ифодалашдек имкониятини тамомила чеклаб қўймайди [33, 82-83]. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, фразеологизмларнинг номинатив хусусиятига доир А.В.Куниннинг қуйидаги фикри характерлидир: “Предметлар ва жараёнларнинг экспрессив характеристикаси кўпгина фразеологизмларга хосдир, лекин бу хусусият уларнинг номинативлик хусусиятини йўқотмайди, фақат уларга маълум услубий йўналиш бағишлайди” [41, 161]. Лингвистик семантика соҳаси мана шу масалаларни ҳам тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Бундан кўринадики, лингвистик семантика фанининг асосий вазифаси тил бирликларининг мазмун томонини тадқиқ этишдир. Шунга биноан тилшунослик фани тил бирликларининг маъно томонини (мазмун планини) унинг асосий ва муҳим томони деб ҳисоблайди.

Лингвистик семантиканинг асосий йўналишлари. Кейинги йилларда олимлар лингвистиканинг семантика соҳасининг бир қанча йўналишларини бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Л.А.Новиков асарларида семантика фани логик семантика, фалсафий семантика, коммуникатив семантика каби турларга ажратилган [61, 7-8]. Бизнингча, семантиканинг қуйидаги турларини ўзаро фарқлаш ҳамда ўзбек тили материалида ана шу йўналишлар бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

1. Структуравий семантика. Бу йўналишнинг асосчилари Ф.де Соссюр, Л.Ельмслев, Й.Трир, Л.Теньер, М.М.Покровский каби

олимлардир. Лексемалар орасидаги систем алоқаларни, лексик-семантик парадигма ва семантик мажмуаларнинг бошқа типларини тадқиқ этиш структуравий семантиканинг асосий вазифаси саналади. Семантиканинг бу йўналиши ўз тараққиёти давомида формализм ва релятивизм каби ғайрифалсафий оқимлар таъсиридан халос бўлди ҳамда систем тилшуносликнинг муҳим таркибий қисми бўлган систем семантиканинг шаклланишига мустаҳкам замин ҳозирлади.

2. Интерпретацион (талқиний) семантика. Бу йўналиш америка олими Н.Хомский томонидан асосланган генератив грамматиканинг таркибий қисми сифатида ўтган асрнинг 50-йилларида вужудга келган эди. Бу соҳанинг илмий-назарий жиҳатдан асосланишига кейинчалик Д.Катц, Д.Фодор, П.Постал сингари олимлар ҳам катта ҳисса қўшдилар. Мазкур семантик соҳанинг асосий вазифаси тил бирликларининг ички структурасини фақат мазмун томондан тадқиқ этишдир. Бундай тадқиқотлар ичида синтактик (формал) ва фонологик компонентларни семантик жиҳатдан ўрганишга доир яхши натижаларга эришилди. Кейинчалик У.Вейнрейх тадқиқотлари билан интерпретацион семантика ўзининг мустақил тараққиёт йўналишига эга бўлди.

Шуни унутмаслик лозимки, Н.Хомский томонидан асосланган генератив семантика ҳам ўз моҳият эътибори билан интерпретацион семантикага жуда яқин туради. Лекин улар ўртасида фарқли томонлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, генератив семантикада семантика ва синтаксис бир-бирига қарама-қарши

қўйилади, синтаксиснинг семантик томонга эга бўлиши инкор қилинади, интерпретацион семантикада эса синтаксис ва семантика орасига бундай ғовлар қўйилмайди.

3. Концептуал семантика. Бу йўналишнинг асосий тушунчалари ва ғоялари У.Чейфнинг “Маъно ва тил структураси” (1975) номли асарида атрофлича баён қилинган эди. Олимнинг талқинига кўра, бошланғич семантик ва сўнгги фонологик фазалар орасида нутқий фаолиятнинг шаклланиши билан алоқадор бошқа фазалар (жараёнлар) ҳам бўлиши табиий. Бу эса инсон нутқий фаолиятининг ундаги НБлар шаклланишининг кўп босқичли, мураккаб жараён эканлигини кўрсатади [96, 32-34]. Келгусида концептуал семантика муаммолари ўзбек тили ва бошқа туркий тиллар материалида махсус тадқиқ этилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

4. Семантик типология. Бу соҳа тилнинг мазмун плани бирликларини типологик тадқиқ этиш билан шуғулланади. Мазмун плани дейилганда тилнинг семантик структураси тушунилишини юқорида таъкидлаган эдик. Тилларни типологик жиҳатдан қиёслаш уларнинг семантик структурасини қиёслашни ҳам ўз ичига олади. Семантик қиёслаш семантик типология асосида юзага келади.

Семантик типология семантик категорияларнинг ифодаланишидаги муштаракликни абстрактлаштиради ва маълум тушунчаларнинг турли тиллар системаси ифода плани бирликлари воситасида талқин этилишини ўрганади. Турли тиллар луғатларини тузишда, бир тилдан иккинчи тилга матнларни таржима қилишда

семантик типология қонунларининг амалий аҳамияти жуда каттадир. Бу жиҳатдан тилшунос Ж.Б.Бўроновнинг “Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси” номли асари (Тошкент, 1973)да қайд қилинган қуйидаги фикр характерлидир: “Семантик типология мазмун плани бирликларини типологик тадқиқ қилади. Мазмун плани деганда тилнинг семантик структураси тушунилади. Типологик қиёслаш семантик қиёслашни ҳам ўз ичига олади. Семантик қиёслаш семантик типология асосида юзага келади” (66-бет).

Тиллар ҳар хил бўлса ҳам уларнинг системасидаги маълум семантик категорияларни ифодаловчи сўзлар муайян гуруҳларни ташкил этади. Семантик типологияда баъзи категориялар умумий, баъзилари эса айрим тилларгагина хос бўлади. Бу эса семантик типология семантик майдон (Semantic field)ларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Масалан, ака-укалик ва опа-сингиллик, жинс тушунчаси турли тилларда фарқли хусусиятларга эга эканлиги аниқланган: индонез тилида ҳам, малайя тилида ҳам “ука” ва “сингил” тушунчалари биргина **ade** сўзи билан ифодаланади. “Амма” ва “хола” тушунчаларининг ифода этилиши эса ўзбек ва лотин тилларида бир-бирига ўхшайди:

ўзбекча	латинча
<i>хола</i>	<i>matertera</i>
<i>амма</i>	<i>amita</i>

Ҳар бир тушунча бир тилдан иккинчи бир тилга семантик жиҳатдан ўша тилдаги номинатив бирликка мос келувчи қўшма

сўзлар, сўз бирикмалари воситасида ёки айрим тушунтириш, изоҳлар ёрдамида таржима қилинади. Масалан, ўзбек тилидаги “ака” қариндошликни ифодаловчи сўзи рус тилига *старший брат*, “ука” қариндошлик атамаси эса *младший брат* деб таржима қилинади. Аммо *катта акам*, *кичик акам*, *катта укам*, *кичик укам* сингари НБларни рус тилига фақат тушунтириш, изоҳлаш йўли билан ифодалаш мумкин [74, 51-52].

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, ҳар бир тилда ўша тилнинг соҳиби ҳисобланган халқнинг ўзи кўпроқ машғул бўлган хўжалик, ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда уни ўраб турган табиий муҳит (иқлим, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, тоғ, чўл саҳро, сув ва ҳоказолар)га алоқадор номинатив бирликлар - сўзлар, атамалар, иборалар бошқа тилларга нисбатан кўпроқ ёки камроқ қўлланилиши мумкин. Масалан, сув ўлкаси бўлмиш Буюк Британияда табиатнинг бу неъматини, сув хўжалиги, балиқчилик билан боғлиқ тушунчаларни ифодаладиган НБлар кўп бўлиши ўз-ўзидан маълум. Инглиз тилида *water* (сув) сўзидан ясалган кўчма маъноли бирикмалар, идиомалар, мақол ва маталлар кўп учрайди. Биргина мисол: Вильям Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясида дания шаҳзодаси – Полонийни “*балиқфуруш*” деб атайди:

Полоний: Сиз мени танийсизми?

Ҳамлет: Жуда яхши танийман. Сиз балиқфуруш.

Кўпгина тилшунос ва таржимашунос олимлар трагедияда келтирилган (балиқфуруш) сўзи қандай маънода келганини аниқлашга уринганлар. Маълум бўлишича, буюк драматург яшаган

замонларда инглизларда “балиқфуруш” сўзининг “қўшмачи” деган маъноси ҳам бўлган экан. Демак, айтиб бир сўз бир тилда (инглиз тилида) ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари мажозийлик касб этган бўлса, бошқа халқларнинг тилларида (русларда – *торговец рыбой*, ўзбекларда – *балиқфуруш* – *балиқ сотувчи*, *балиқ билан савдо қилувчи*) бундай хусусият кўзга ташланмайди. Тилшунос олим Х.Жабборов биргина “сув” лексемасининг бош лексик маъноси асосида ҳосил қилинган ўттизга яқин ҳосила маъноларини компонент таҳлил методи асосида ўрганиб муҳим хулосаларга келди [27, 52-61]. Бу асарнинг охирида “сув” компонентли сўзларнинг алифболи кўрсаткичи ҳам ўрин олган [27, 135-140].

Шуниси эътиборлики, ҳатто генетик жиҳатдан ўзаро яқин бўлган туркман ва ўзбек тилларида ҳам айрим ҳайвон номларининг мажозий тимсол сифатида қўлланилишида услубий фарқлар кўзга ташланади. Масалан, ўзбек ва туркман тилларида *қўчқор (гач)* номинатив лексемаси умумий ижобий маънода қўлланишидан ташқари, туркман тилида ҳатто гўзал маъшуқани ҳам ...қўчқорга нисбат бериш ҳоллари учрайди. Масалан, туркман халқида кенг тарқалган “Овозингдан” номли шеър ва унинг ўзбекча таржимасини қиёслаб кўрайлик:

*Бу ашрат чоғ ичинде,
Боз гач каби ичинде,
Андали сан боз ичинде,
Соз очмайин овозингдан*

Таржимаси:

Бу айшу ашрат ичинда,

*Бўз қўчқордай тоғ ичинда,
Бир булбулсан боғ ичинда,
Сўз очмайин овозингдан*

Ўзбекларда маъшукани булбулга, оҳуга, гулга ўхшатилиши маълум, аммо уни ҳеч қачон эркак жинсидаги жониворга (бўз қўчқорга) нисбат берилмайди. Бундай вақтларда ўхшатиш, сифатлаш, нисбат беришга асос бўлган, аммо айти тилда анъанавий мажозий образ тарзида қабул қилинмаган сўзни (ҳайвон номи – номинатив лексемани) бошқа, анъанавий тимсол-образ билан алмаштириш лозим бўлади. Масалан, “*Бўз қўчқордай тоғ ичинда*” мисрасини “*Мисли оҳу тоғ ичинда*” деб ўзгартирилса, айти муддао бўларди [73, 45].

Семантик типологияга кўпгина тилларда мавжуд бўлган табу ҳодисасининг лисоний ифодаси ҳам яққол мисол бўла олади. Масалан, ўзбек тилида йиртқич ҳайвон номи “*бўри*”нинг номини атамасликка ҳаракат қилинади, унинг ўрнига кўпинча *қашқир* сўзи қўлланилади; чаён, бий, қора қурт НЛлари ўрнида “*газанда*”, “*оти йўқ*” сўзлари ишлатилади. Табу ҳодисасининг номинатив лексемалардаги ифодаси билан алоқадор хусусиятлар дунёдаги жуда кўп тилларда учрайди. Масалан, рус тилидаги *медведь* (*айиқ*) сўзи, олимларнинг аниқлашига кўра, славян халқларида икки марта табулашган. Биринчи марта умум ҳинд-европа бобо тилидаги *орктос* (*асал, емоқ*) сўзига мос келувчи русча сўз *медведь* (*медоед, медуедь* – *асал истеъмол қилувчи, еувчи*) сўзи билан алмаштирилган бўлса, ҳозирги вақтда “*медведь*” сўзи рус тилида табулашган *Мишка, Топтыгин, Михаил Иванович, Косолапый,*

Потаныч, Махнач, Лесник, Хозяин каби сўзлар қўлланилади, деб таъкидлайди таниқли рус тилшуноси Л.Успенский [90, 422-423]. Бундай ҳолатни ўзбек тили материалида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, тилшунос олим А.Омонтурдиевнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, *итлар* одатда хусусиятлари ва ташқи белгиларига қараб, *қоплон, йўлбарс, тўрткўз, бўйноқ, олапар, бўрибосар* (ит сўзига нисбатан) сингари эвфемик эпитетлари билан айтилади. *Бўри* турли жойларда турлича *оққулоқ, кўктака, жондор, қабишқир* (жағи қапишсин маъносида), *қаришқулоқ, итқуш, қора, “эгаси”* (кесатик маъносида) каби эвфемик номлар билан аталади. *Айиқ* номи эса ўзбекларда *полвон, маймоқ, пахмоқ, у, ўша* каби эвфемалар билан аталган [61, 78-81]. Олимнинг бу кузатишлари семантик универсалиялар ҳақидаги С.Ульман таълимотига мос келади [87, 282-284].

5. Коммуникатив семантика. Бу соҳа ўз навбатида структурал семантика, интерпретацион семантика, концептуал семантика сингари йўналишларни умумлаштириш, яхлит ғоя сифатида тасаввур этиш имконини беради. Тилшунослик тараққиётининг ҳозирги босқичида коммуникатив семантика муаммоларига алоҳида эътибор берилмоқда [40, 5-12].

Олимларнинг кузатишлари шундан далолат берадики, ҳозирги кунда тилшуносликда семантиканинг қуйидаги йўналишлари бўйича ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда: а) лексик семантика (Ю.Н.Караулов, В.Г.Гак, А.А.Уфимцева, Д.Н.Шмелев, А.Ҳожиев, Л.А.Новиков ва бошқалар); б) сўз ясалиши

семантикаси (И.С.Улукханов, Е.С.Кубрякова, И.Г.Милославский, О.П.Ермакова, А.Н.Тихонов, А.Ғуломов, А.Ҳожиев кабилар); в) морфологик семантика (А.В.Бондарко, Т.В.Булигина, У.Турсунов, Ж.Мухторов, А.Ҳожиев, Т.Мирзакулов, Ш.Шаҳобиддинова кабилар); г) синтактик семантика (Н.Ю.Шведова, В.А.Белошапкова, Н.Д.Арутюнова, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Бердиалиев кабилар); д) логик ва семиологик семантика (Ю.С.Степанов, В.З.Панфилов, В.М.Солнцев, О.Бозоров, М.Равшанов, Ф.Нажмиддинов, И.Мадраҳимов ва бошқалар); е) коммуникатив семантика (Г.В.Колшанский, Н.А.Слюсарева, С.Мўминов, Ш.Искандарова, А.Жўраев, М.Абдиев, Х.Жабборов, А.Омонтурдиев кабилар); ё) социолингвистик семантика (Ю.Д.Дешериев, А.Д.Швейцер, В.Г.Костомаров ва бошқалар); ж) психолингвистик семантика (А.А.Леонтьев, А.Р.Лурия ва бошқалар); з) тарихий-этимологик семантика (О.Н.Трубачев, Н.И.Толстой ва бошқалар). Юқорида келтирилган лингвистик семантика соҳалари бу билан чекланмайди. Умуман, лингвистик семантиканинг ҳозирги кунда йигирмадан ортиқ йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, лекин бу йўналишларни бир тизимга солиш, тадқиқ методларини такомиллаштириш тилшуносликнинг долзарб муаммолари қаторига киради. Бу ҳолат доц. М.Равшанов бошчилигида яратилган “Лингвистик семантика асослари” номли ишда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган [67, 6-8].

Семантик тадқиқот ва унинг методлари. Маълумки, анъанавий тилшунослик лисоний бирликларнинг фақат шаклий томонини ўрганишга катта эътибор қаратган эди. Бундай қараш, айниқса, тилга семиотик нуқтаи назардан ёндашиш, белгини фақат шаклдан иборат деб ҳисоблаш натижасида яна ҳам кучайди.

Тил ҳар бири ёпиқ тизим сифатида қараладиган лексика, грамматика, фонетика каби қатъий сатҳларга ажратилди. Тил бирликларининг ўзи ифодаланаётган объектив борлиқ билан муносабати тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Кейинчалик тилни, унинг бирликларини бундай ўрганиш бир ёқлама эканлиги, шаклни маънодан узиб бўлмаслиги маълум бўлди. Натижада тил бирликларининг маъно томонига, мазмун планига эътибор кучайди. Бу эса ўз навбатида тилшуносликда семантик тадқиқотлар методикасини такомиллаштиришга олиб келди. Ҳозирги вақтда тилшуносликда қўлланилаётган семантик тадқиқот методлари жуда хилма-хилдир.

Тилшуносликда семантик (мазмуний) тадқиқотларнинг кучайиши натижасида шу нарса маълум бўлдики, тил бирликларининг шакл ва мазмун томонидан тавсифи ҳам тилни тўлиқ изоҳлаш учун етарли эмас. Тил бирликларини матн (контекст), нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишгина уларнинг маъносини тўғри тушунишда катта имкониятлар вужудга келтиради. Бу эса тил бирликларининг п р а г м а т и к томонига қизиқишни кучайтирди.

Ахборотнинг тўғри тушунилиши учун сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги билимидан ташқари, тингловчининг олам ҳақидаги билими, ўша сўз, НБ, гап қўлланаётган ижтимоий ҳолат ҳақидаги билими, сўзлаш жараёнида сўзлашувчилар руҳияти ҳақидаги билими ва бошқа билимларни ҳам қўшиш керак бўлади. Бундай билимларни аниқлаш учун эса хилма-хил усул ва методлардан фойдаланилади. Ахборотни тушуниш жараёнида юқоридаги билимларнинг барчаси баб-баравар иштирок этади. Шунинг учун фақат бу билимларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олгандагина биз нутқий жараённинг семантик моҳиятини англашга эришган бўламиз. Ана шундай амалий эҳтиёж натижасида тилшуносликда семантика ва прагматика вужудга келди.

Семиотиканинг асосчиларидан бўлган Ч.Моррис бу фанни учга ажратиб ўрганган эди: 1) семантика – белгининг, жумладан, НБларнинг борлиқ объекти билан муносабати ҳақидаги таълимот; 2) синтактика – белгининг белги билан муносабати ҳақидаги таълимот; 3) прагматика – белгининг сўзловчи билан муносабати ҳақидаги таълимот.

Прагматикага семантика масалаларини ўрганиш кучайган бир пайтда эътибор берилиши бежиз эмас, чунки семантиканинг текшириш кўлами ҳозирги даврга келиб ғоят кенгайиб кетганлиги сабабли уни бироз енгиллатишга, маънонинг матн (контекст) билан боғлиқ қисмидан халос қилишга тўғри келди. Натижада тилшуносликда прагматика семантикадан ажралиб чиқиб, ўзига хос

тадқиқот методларига эга бўлди, шу асосда лингвопрагматика соҳаси вужудга келди [48, 9-10; 119, 8-14].

Германиялик олим Георг Клаус бошқа тилшунослардан фарқли равишда тилнинг семиотик нуқтаи назардан қуйидаги тўрт йўналишини бир-биридан фарқлаган эди: 1) синтактика белгилар ўртасидаги муносабатни ўрганади; 2) семантика моддий оламни акс эттирувчи тушунчалар нуқтаи назаридан белги маъносини ўрганади; 3) сигматик йўналиш эса белги ва предмет ўртасидаги ўзаро муносабатни тадқиқ этади; 4) прагматика белгининг инсонга таъсири, унинг фикрлаш услубига, ахлоқига, ҳис-туйғусига таъсирини ўрганади [39, 4-8].

Шундай қилиб, лингвистик семантикада бир қанча усул ва методлардан фойдаланилади. Бу методлар оддий, интуитив кузатиш услубидан тортиб интероспектив, математик методларгача бўлган жуда катта оралиқни ташкил этади. Ҳозирги вақтда тилшуносликда олиб берилаётган семантик тадқиқотларнинг асосий вазифаси тил бирликларининг, жумладан НБларнинг барча имкониятдаги алоқадорлигини, ҳар хил семантик майдонлар, ЛСГ (лексик-семантик гуруҳлар) таркиби ва структурасини чуқур ва асосли ўрганишдан иборатдир. Семантик тадқиқотларда кенг тарқалган семантик майдон назариясини ўрганишда оппозитив, компонент ва контекстологик таҳлил усулларида фойдаланиш яхши натижаларга олиб келмоқда. Бу методларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга бўлиб, улардан оқилона ва ўринли фойдаланиш семантик тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларини аниқлашга имкон

беради. Бундан ташқари семантик тадқиқотларда, айниқса, НБларнинг маъно таркибини таҳлил қилишда трансформацион, психолингвистик, математик таҳлил, бевосита иштирокчиларга ажратиш сингари методлардан ҳам фойдаланиш мумкин (бу ҳақда қarang: 84, 178-212]. Биз эса ўз ишимизда ана шу методларнинг айримларидан, айниқса, компонент таҳлил усулидан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Тил сатҳлари ва уларнинг систем характери. XX аср тилшунослигининг энг катта ютуғи тилга тизим (система) сифатида ёндашиш ҳамда тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлашида кўринади. Бинобарин, тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш, тилга тизим сифатида ёндашиш, тилни тизим қонуниятлари асосида ўрганиш XX аср тилшунослигида катта бурилиш ясади ва бундан кейинги тилшунослик фанининг ривожига жиддий туртки бўлди. Систем тилшуносликка швецариялик тилшунос олим Фердинанд де Соссюр (1879-1913) асос солди. Систем тилшунослик нутқий фаолиятни учга: “тил – меъёр (норма) - нутқ”қа ажратади. Тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндиси сифатида қаралади.

Нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиш, воқеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган, моддий (табиий, физик) шаклга эга эканлиги билан тилдан фарқланади.

Меъёр (норма) – тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятлари йиғиндиси бўлиб, улар жамият томонидан белгиланган ва аниқланганлиги билан характерланади [59, 7-8].

Тил ва нутқнинг фарқланишидаги биринчи, бош мезон “бевосита кузатишда берилмаганлик (умумийлик, имконият, моҳият)” ва “бевосита кузатишда берилганлик (хусусийлик, воқелик, ҳодиса)” дан иборат бўлиб, семантик тадқиқотларда бу ҳолат албатта инобатга олинади ҳамда шу асосда НБларнинг узуал ва окказионал маънолари ўзаро фарқланади. Ҳар қандай НБнинг окказионал семаси албатта нутқ жараёнида рўёбга чиқади.

Юқорида тилга берилган таърифда “маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун тайёр, умумий ва мажбурий бўлган”, деган фикр бор эди. Бу фикр ҳам муайян изох талаб қилади. Масалан, *ишчи, сувчи, меҳнаткаш, қурувчи* сингари НБларни олиб кўрайлик. Уларнинг барчаси бирор касб эгаси бўлган шахс номини билдиради ҳамда қуйидаги уч нарсанинг бирикишидан ҳосил бўлган: 1) *сув* – *суюқликнинг номи*; 2) *шахс оти ясовчи қўшимча*, 3) *маълум турдаги қўшимчаларнинг маълум хилдаги ўзакларга (жумладан, нарса номларига) қўшилиб, шу нарса-предмет билан шуғулланувчи (алоқадор) шахсни атаб келувчи сўз ясай олиш ҳақидаги қоида*.

Демак, *сувчи* ясама сўз бўлиб, у *сув, -чи* каби бирликлар ва қоидадан иборат. Буларни ўзбек тили жамиятининг ҳар бир аъзоси шу жамиятдан тайёр ҳолда олади ва жамиятда қабул қилинган шакл ва вазифада қўллайди. Бу фикрни *иш+чи, меҳнат+каш* сингари

бирликлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бу уч бирлик ҳам НЛ сифатида бирор касб билан шуғулланувчи киши маъносини ифодалашга хизмат қилади.

Систем таҳлилда тил бирликлари тушунчаси билан бирга муносабат тушунчаси ҳам жуда катта аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай тизимда ҳар бир бирликнинг моҳияти шу бирликларнинг ўзида эмас, балки бу бирликлар орасидаги муносабатлар орқали аниқланади. Тил бирликлари, жумладан, НБлар орасида асосан. ўхшашлик (парадигматик), поғонали (иерархик) ва қўшничилик (синтагматик) муносабатлар ўзаро фарқланиши тилшуносликда аниқ исботини топган [29, 42-46].

НБлар орасида қуйидаги зиддият (оппозиция)лар ҳам ўзаро фарқланади: а) тенг қийматли (эквиволент) зиддиятлар: *китоб – дафтар, ота – она, қиз – ўғил, она – бола* каби НЛлар орасида ўзаро қарама-қарши қўйилган, тенг қийматли зиддиятлар мавжуд; б) мутаносиб (пропорционал) зиддиятлар: “эркаклик” ва “урғочилик” белгисига кўра *қиз – йигит, эр – хотин, она – ота, кампир – чол, она – ака, мегажсин – қобан, сизир – ҳўкиз, байтал – айғир* каби НЛлар ўзаро мутаносибдир, чунки бундай зиддиятлар айни шу белги (“эркаклик” ва “урғочилик” белгиси) асосида ташкил топгандир; в) даражали (градуал) зиддият камида учта НБлар орасида бўлади ва улар муайян бир белги-хусусиятнинг даражасига – оз-кўплигига кўра ўзаро қарама-қарши қўйилади: *ҳужра – кулба – уй – ҳовли – қаср – қошона; кўчат – ниҳол – дарахт* кабилар; г) нотўлиқ (приватив) зиддиятларда бир белги

доимий, ўзгармас бўлса, қолгани ўзгарувчи, нотўлиқ хусусиятга эга бўлади: *сўз – қўшма сўз – ибора (фразеологизм); унли товуш – сонор ундош товуш – шовқинли ундош товуш* каби атамалар орасида шундай нотўлиқ зиддиятлар кўзга ташланади.

Шуни унутмаслик зарурки, НБлар орасидаги нотўлиқ зиддиятлар моҳиятини мантиқий ва фалсафий жиҳатдан очишда анъанавий мантиқ (формал логика) нинг учинчиси истисно қонунига эмас, балки диалектик мантиқнинг оралиқ учинчи қонунига амал қилинади, чунки оралиқ учинчи қонунида ўзаро қарама-қарши қўйилган ҳодисалар бирлашади [60, 31-36]. Шунга кўра, тил бирликлари, жумладан, НБлар орасидаги боғланишни, давомийликни таъминлашда нотўлиқ (приватив) зиддиятлар ва оралиқ учинчиларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Шундай қилиб, мазкур бобда айтилган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. “Сўз” тилшуносликнинг ғоят мураккаб ва қийин тушунчаларидан биридир.

2. Сўз тилнинг асосий (типик) номловчи бирлигидир. Сўзнинг бошқа хусусиятлари унинг бу белгисига нисбатан қўшимча хусусиятлар саналади.

3. Лексик семантика тилшуносликнинг кейинги йилларда тараққий этаётган соҳаларидан биридир, унинг жуда кўплаб соҳалари, ички йўналишлари мавжуд бўлиб, семантик тадқиқотларда хилма-хил методлардан фойдаланиш НБларнинг барча хусусиятларини кенгроқ тадқиқ этишга имкон беради.

4. Тил сатҳлари систем характерга эга бўлганидек, бу сатҳларнинг бирликлари (фонема, товуш, бўғин, ўзак, сўз, сўз бирикмаси, гап каби)ни тадқиқ этиш соҳасида систем ёндашувга асосланиш, улар орасидаги парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатларни, тенг қийматли (эквиволент), мутаносиб (пропорционал), даражали (градуал) ва нотўлиқ (приватив) зиддиятларни ўрганиш, шу асосда улар орасида мавжуд оралик учинчиларни аниқлаш ҳозирги замон тилшунослигининг энг долзарб муаммолари қаторига киради.

И К К И Н Ч И Б О Б

НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАБИАТИ ҲАҚИДА

Тилдаги сўзлар пайдо бўлишидаёқ ўз товуш қиёфасига ва маълум бир луғавий ёки грамматик маънога эга бўлади. Тилда маъноси йўқ сўзнинг бўлиши мумкин эмас. Бу ҳар қандай тилдаги барча сўзлар учун хос бўлган умумий хусусиятдир. Лекин сўзлар ифодаладиган маънолар энг умумий белги-хусусиятларига кўра ҳам ҳар хил бўлади. Аввало сўзлар объектив борликдаги нарсалар ҳодиса, белги, ҳаракат кабиларни билдириши (тушунча ифодалаш) ва бундай хусусиятга эга эмаслигига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) тушунча ифодаладиган сўзлар (НБлар); 2) тушунча ифодаламайдиган сўзлар.

Лексема бир қарашда, оддий ва аниқ нарсага ўхшайди, аммо у аслида жуда мураккаб, тушунилиши қийин, жумбоқли тил бирлиги эканлигини ишимизнинг олдинги бобида ҳам қисман таъкидлаган эдик. Тилшуносликда сўзнинг илмий ва мукаммал таърифини аниқлаш бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилганига қарамай, бундай таърифнинг “сир”лари ҳозирча очилганича йўқ [22, 6].

Дарҳақиқат, анъанавий тилшуносликда товуш ва товушлар йиғиндиси билан маънонинг узвий бирлиги, системали-структуравий тилшуносликда эса ифода ва мазмун бирлиги сифатида эътироф этиб келинаётган сўзнинг, НБнинг ҳали кашф этилмаган хусусиятлари кўп. Сўз ифода жиҳатдан лексема, мазмун

жиҳатдан семема деб юритилади. Бу икки жиҳатнинг диалектик бирлиги сўз (лексик бирлик ёки НБ) нинг асосини ташкил қилади. Бу фикрни биз *сув* НБси мисолида асослашга интиламиз. Масалан, *сву*, *усв*, *всу* товушлар йиғиндисини оладиган бўлсак, улар ўзбек тилида ҳеч қандай маънони англатмайди, аммо улар таркибидаги товушларни муайян тартиб-қоидалар асосида кетма-кет *с+у+в* сўзи тарзида жойлаштирсак, бу товушлар йиғиндиси ўзига хос номинатив бирликка, яъни лексемага айланади ва муайян мазмунга эга бўлади.

Сўзнинг ифода жиҳати ўзгариши билан унинг мазмун жиҳати ҳам ўзгаради. Буни *дарз – қарз – фарз – тарз; дарс – қарс – тарс – чарс – марс; она – ота – ола – ора – она* сўзлари мисолида кўриш мумкин.

Сўзнинг мазмун жиҳати, яъни маъно англатиши унинг илмий ифода жиҳатига қараганда мураккаброқдир. Жумладан, юқорида биз келтирган *сув* сўзининг асосий илмий таърифи, яъни *сув – бу водороднинг икки ва кислороднинг бир атомидан иборат бўлган (H^2O), рангсиз, шаффоф суюқлик* [ЎТИЛ, II, 79], деган таъриф билан мазкур НЛнинг маъно структураси аниқланмайди. *Сув* семемаси маъно структурасини тўлиқроқ тасаввур этиш учун қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик.

1. *Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда ҳам ҳар жў.*

Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар су

[Бобур. Асарлар, 1-жилд, 187].

2. *Водовозлар олдиди одамлар гужгон ўйнарди. Бири нақир кўтарган, бири шиша банкада, бири косада сув олиб ичарди* [Саид Аҳмад. Жимжитлик, 197].

3. *Иш чатоқ. Кенжа мироб. Тогдан катта сув келяпти. Дарҳол чора кўришимиз даркор* [Ҳамид Ғулом. Қорадарё, 84].

4. *Ойкўлга баланд Сунбул чўққисидан одамнинг белидай сув қишин-ёзин тушиб турар экан-у, ҳеч еридан чиқиб кетмас экан* [П.Қодиров. Қора кўзлар, 20].

5. *Қор сувлари ва булоқлар тошларга урилиб шилдирайди* [П.Қодиров. Қора кўзлар, 79].

6. *“Сувни олиб бориб қўйдик!” деган эдингиз, келиб кўрсам канал ҳали биздан беи чақирим нарида* [Саид Аҳмад. Жимжитлик, 164].

7. *Раҳимов парҳез таом ерди... Бедана табакадан жиччагина татиб кўрди-ю, помидор суви ичиб ўтирди* [Саид Аҳмад. Жимжитлик, 234].

8. *Озгина мизгиган экан, тушига дадасининг отаси Ҳалим бобо кирибди. У Чўтир Чашма бўйида бир коса сув ушлаб, имлаб чақиряпти* [Саид Аҳмад. Жимжитлик, 300].

Сув НЛси юқорида келтирилган 1-гапда кўз ёши, 2-гапда ичимлик суви, 3-гапда сел, 4-гапда сой, 5-гапда жилга ёки ирмоқ, 6-гапда канал, 7-гапда шарбат, 8-гапда шифобахш сув маъноларида қўлланган. Бундан ташқари *с у в* НЛсининг *тер* (ҳамма ёғи сув

бўлиб кетди), *кўлмак*, *ҳалқоб* (машина сувни сачратиб ўтди), *ўлган одамни ювиш* (майитни сувга олишди), *чўмилмоқ* (ёзда сувга бормоқ), жонланиш, уйғониш (новдаларга сув югуриб қолди), сўлак (оғзининг суви қочди), қаттиқ, қотган (суви қочган нон), мазасиз, бемаза (суви кўп асар), йиринг (ярасидан сув оқиб турмоқ), спиртли ичимлик (узумнинг суви) каби бир қатор маънолари ҳам мавжуд.

Кўринадики, юқорида биз келтирган мисолларнинг барчасида сув НЛси орқали ифодланаётган предметга ишора бор. Буни *сувга тушган мушукдай*, *сув юқтирмайди*, *сувга олиб бориб суғормасдан келади*, *тушини сувга айтмоқ*, *сиркаси сув кўтармайди*, *сув қилиб ичиб юбормоқ* каби таркибида сув лексемаси бўлган ибораларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. НБларнинг маъно таркиби ўрганилар экан сув лексемасининг бу каби хусусиятларини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Сув НЛсига алоқадор бўлган, бу лексема билан бир синтактик қуршовга мансуб *ирмоқ*, *жилға*, *дарё*, *сой*, *кўл*, *денгиз*, *океан*, *ботқоқ*, *кўприк*, *балиқ*, *булоқ*, *тўлқин*, *чўмилмоқ*, *чўкмоқ*, *сузмоқ*, *оқмоқ*, *соҳил*, *кема*, *қирғоқ* каби лексемалар мазмун жиҳатидан сув НЛсига боғланиб, тилда алоҳида тушунча майдони (идеографик рух)ни ҳосил қилади. Санаб ўтилган лексема (сўз)ларнинг барчасида сув НЛсининг бизга маълум хусусиятларига, яъни унинг денотатив асосига таъкид, ишора сезилади. Шунинг учун ҳам машҳур рус тилшуноси, академик В.В.Виноградов ўзининг “Рус тили” (сўз ҳақида грамматик таълимот) асарида “сўз маъноси у орқали ифодаланаётган предметдан ва аташ вазифасининг

предметга мутаносиблигидан узоққа кетмайди”, деб таъкидлаган эди [18, 16].

НБнинг, сўзнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, у ўзи ифодалаётган предмет билан узвий алоқадорликда бўлади ва маълум бир предметлар гуруҳининг умумлашган хусусиятларини ўзида мужассам этган тушунчага мос равишда реал борлиқни акс эттиради. Шу сабабли НБнинг предметга ва тушунчага нисбатан бўлган мутаносиблиги жуда аввалдан тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келган эди.

Сўз орқали номланувчи воқелик, нарса-буюм *денотат* деб аталади. Денотат лотинча *denotate* - белгиламоқ сўзидан олинган [ТТИЛ, 34]. Тилшуносликда *референт* (лотинча *referens, referentis* - хабар берувчи) атамаси ҳам денотатга синоним, маънодош сифатида қўлланилади. Академик А.Ҳожиев луғатида *референт* атамаси қуйидагича изоҳланган: “тил бирлиги ифодалайдиган тушунча, фикр предмети” [ТТИЛ, 85]. Бундан кўринадики, сўз, НБ ўзи ифодалаётган воқелик, нарса-буюм билан ўзаро алоқага киришади, узвий муносабатда бўлади. Тилнинг субстантлик хусусияти ҳам айнан мана шунга асосланади.

Моддий олам бевосита кузатишлар (субстанциялар)да берилган бўлиб, оламнинг мураккаб тузилиши ичида инсоннинг ўзи ҳам бир элемент сифатида унинг таркибига кириб кетади. Материянинг бошқа шаклларида инсоннинг ягона фарқи, имтиёзи шундаки, у реал борлиқни ўз онгининг амалий шакли саналган тил

орқали акс эттиради, яъни тил ассиметрик (нормувофиклик) хусусиятга эгадир.

Инсон борлиқдаги нарса-ҳодисаларни кузатади, уларнинг доимий ҳамда муваққат белгиларини аниқлайди, улар ичидан энг муҳимини танлаб, предмет, воқеа-ҳодисаларга ном беради, шу асосда тилда номинатив бирлик (НБ)лар вужудга келади.

Тилда номлаш вазифасини бажарувчи бирликларни ҳосил қилиш жараёни *номинация* (лотинча *nominatio* - *аташ, ном қўйиш*) деб юритилади [ТТИЛ, 70]. Сўз ономасиологик жиҳатдан *номема, кинема* каби атамалар билан ҳам номланади. Унинг бундай аталиши номинатив вазифа билан боғлиқдир. Аслида сўз орқали ифодаланган денотат (референт) муайян нарса-буюм эмас, балки ифодаланаётган предметларнинг умумлашма образи саналади. У реал борлиқдаги нарсага нисбатан олиниб, инсон онгида яратилади.

Масалан, *боғ* сўзи мевали ва мевасиз дарахтлар ўсган барча жойларнинг умумлашма образини ўзида ифодалайди: *Салим билан Фазлиддин “томоша боғда” кезган сингари, секин-секин юриб боғнинг ҳар жиҳатини кўздан кечира бошлади* [Ойбек. Қутлуғ қон].

Шунингдек, бу НЛ шаҳардан ташқаридаги қўрғон ва унга ёпишган мевазор, токзор жой маъносини ҳам ифодалаб келади: *Жондор вагончи икки йил ичида катта боғлар сотиб олди, шаҳарда ички-ташқи ҳовли бино қилди* [Ойбек. Қутлуғ қон].

Бу НЛ кўчма маънода гуллаб-яшнаб турган обод жой, гулшан маъноларини ҳам ифодалашга восита бўлади:

*Гўзал боғда ўйнайлик,
Гулдан-гулга қўнайлик.
Гулшан ўлка мадҳини
Биргаликда куйлайлик [Ғайратий].*

“Бог” НБи “бири богдан келса, бири тогдан келади”, “узумини е, богини суриштирма” сингари бир қатор ибораларни шакллантиришга ҳам хизмат қилади: *Ҳаммангизнинг гапларингиз бир жойдан чиқиши керак. Бирингиз богдан, бирингиз тогдан келсангиз бўлмайди [П.Турсун. Ўқитувчи] кабилар.*

Тилимизда фаол қўлланувчи *боғбон, қайчи, ток, хомток, шинни* сингари НБларда ҳам худди шу ҳолат кузатилади:

1. *Богбон* НБи боғдорчилик мутахассиси ҳамда боғ ва ундаги меваги дарахтларга қаровчи, уларни парвариш қилувчи киши, шахс деган маъноларни билдиради: *Кейин болалар боғчасига қарашли боққа богбон бўлди* [А.Қаҳҳор. Йиллар] кабилар.

2. *Қайчи* НБи “юпқа нарсаларни кесиш учун ишлатиладиган, ўрта еридан бир-бирига винт билан бириктирилган икки тигдан иборат асбоб” маъносини билдиради [ЎТИЛ, П, 542]. Шу лексема ёрдамида тилимизда “*бармоқларини қайчи қилмоқ*” ибораси шаклланган бўлиб, бармоқларни қайчи сингари очиб-ёпмоқ маъносини ифодалашга хизмат қилади: - *Дўстларим,- деди у, озгин бармоқларини қайчи қилиб ўйнар экан. – Сиз билан биз улуг ишга бел боғладик* [Ҳамид Ғулом. Машъал] кабилар.

3. *Ток* НБи “узум ўсимлиги” маъносини билдиради: *Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк* (Мақол); *Ҳовлининг ёнида чорбоғ,*

чорбогда раста-раста қилиб ҳавозага кўтарилган тоқлар...
[С.Айний. Қуллар] кабилар.

4. *Хомток* НБи тилимизда полисемантик хусусиятга эга. Унинг дастлабки маъноси “тоқнинг ҳосилсиз, хом новдаларини олиб ташлаш, сийраклаштириш”дир: *Файзи ота ишқомнинг нариги чеккасида хомток қилиб юрган эди* [Ҳамид Ғулом. Бинафша атрии]. Бу лексеманинг кейинги маъноси олдингисининг натижаси сифатида юзага чиққан бўлиб, “тоқдан эндигина қирқиб ташланган ҳосилсиз, хом новда”ни билдиради [ЎТИЛ, II, 331].

5. *Шинни* НБида ҳам натижа семаси кучли тарзда ифодаланган, яъни бу лексема тут, узум каби мевалар ширасини қайнатиб тайёрланадиган қиём маъносини билдиради [ЎТИЛ, II, 414]:

*Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди,
Димоғни шод этар, руҳни саломат* [Ғафур
Ғулом) кабилар.

Демак, сўз ёки НБ тўғридан-тўғри предмет (денотат)га боғланмайди, ўртада у ҳақда тушунча (умумлашма образ) бўлиши зарур. Бунинг негизида эса асосий (марказий) маъно ва уст (қўшимча) маъно шаклланади. Жумладан, биз юқорида келтирган *боғ, боғбон, қайчи (тоқ қайчи), хомток, шинни* сингари лексемалар умумий образ (боғ) билан бир-бирига ўзаро боғланади, яхлит тушунча майдони – боғдорчилик, узумчилик соҳасига бирлашади, шу асосда бу НБларнинг хусусий маънолари шаклланади, лекин бу хусусий маъноларнинг барчаси у ёки бу даражада умумий маънога

– боғдорчилик соҳасига алоқадорликни ўзида сақлайди. Шунга кўра сўз, НБ билан предмет ўртасида предмет (денотат) – умумлашма образ (сигнификат) – асосий (марказий) маъно – уст (қўшимча) маъно – сўз (белги, НБ) тарзидаги алоқа мавжуд, деган хулосага келишимиз мумкин. Шу жиҳатдан сўзга берилган қуйидаги таъриф эътиборга молик: “Лексемаларнинг ва унумли сўз яшаш қолипларининг нутқда воқелашган, аниқ шакл, мазмун ва вазифага эга кўринишига сўз дейилади” [55, 47. Таъкид бизники – Б.Й., М.С.]. Бу таърифда келтирилган “қолип” сўзи кейинги йилларда айрим тилшуносларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Масалан, академик А.Ҳожиёв “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” номли мақоласида таъкидлашича, “қолип сўзи бирон-бир тил ҳодисасининг моҳиятини ифодалай олмайди. Шунинг учун ҳам бу сўз шу вақтга қадар лингвистик термин сифатида қўлланмаган” [117, 32].

Олим ўз мақоласида “қолип” ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини яқунлаб, шундай хулосага келади: “Хуллас, ўзбек тилида (лисоний бирлик сифатида ҳам, нутқ бирлиги сифатида ҳам) тил бирлиги ҳисоблаш мумкин бўлган қолип бирлиги йўқ. “Қолип бирлиги” ўзбек тили қурилишини система сифатида жиддий эътибор қаратилганидан кейинги вақтларда баъзи тилшунослар томонидан нотўғри (ўринсиз, асоссиз) ҳолда тил қурилиши бирликлари қаторига киритилган “бирлик”дир. Тил қурилишида ҳеч қандай ўрни йўқ (ўзи йўқ) бирлик асосида иш кўриш билан ҳеч қандай ижобий натижага эришиш мумкин эмас...” [117, 35]. Биз ҳам

академик А.Ҳожиёвнинг ана шу фикрига қўшиламыз. Буни ишимизнинг кейинги қисмларидаги таҳлиллар ҳам тўла тасдиқлайди.

НБнинг ўзи номлаётган предметга алоқадорлигини мукаммал англаб етиш учун денотатнинг турлари ҳақида ҳам етарли маълумотга эга бўлишимиз зарур. Денотат ҳиссий ва назарий билиш натижасида бир турдаги нарсаларнинг умумий ва хусусий белгилари ичидан ажратиб олинган минимал қийматдир [73, 12]. НБлар таркибидаги семеманинг семаларини конкрет, аниқ белгилаш маъно жиҳатдан ўзаро қандайдир алоқаси бўлган сўзлар муносабатини, шунингдек, кўп маъноли НБлар семемаларини тўғри белгилашга имкон беради. Бунинг учун лексик маъно типларини аниқ белгилаб олиш лозим бўлади.

Номинатив бирликларда лексик маъно типлари. Сўзнинг, жумладан НБнинг лексик маъносига турли нуқтаи назардан ёндашилганда лексик маъно типларига ажратилади ва махсус номлар билан аталади. Ҳозирги кунга қадар семантика ва лексикологияга доир адабиётларда лексик маънога нисбатан *этимологик маъно, генетик маъно, архаик маъно, бош маъно, асос маъно, ясама маъно, ҳосила маъно, тобе маъно, тўғри маъно, кўчма маъно, номинатив маъно, фигурал маъно, эркин маъно, боғли маъно* ва шу каби бир неча хил терминларнинг қўлланилиши лексик маънога турли нуқтаи назардан ёндашиш ва унинг типларини ҳар хил тушуниш натижаси саналади [57, 78-79]. Академик А.Ҳожиёв “лексик маъно” атамасига қуйидагича таъриф

беради: “Сўзнинг материал қисми (лексема) билдирадиган маъно: маълум товушлар комплексини маълум объектив воқеликка боғлаш билан киши онгида юзага келадиган мазмун-мундарижа; луғавий маъно” [ТТИЛ, 57]. Ясалиш (ҳосил бўлиш) муносабатига кўра лексик маъно семасиология фанида қуйидагича иккига бўлиб ўрганилади: а) а с о с маъно, б) я с а маъно.

У ёки бу маънонинг юзага келишида асос бўладиган маъно асос маъно деб юритилади, унинг таъсирида (асосида) ҳосил бўлган маъно эса ясама маъно саналади. Тилимизда жуда кўп НБларнинг семантик таркибида асос маъно ва ясама маъно мавжуд. Биз бу ўринда ана шундай НБларнинг айримларини таҳлил қилишга интиламиз. Масалан: адабий тилимизда “*тугмоқ*” феъли бўлиб, унинг ўзаги “*туг*” *боғламоқ*, *ўраб боғламоқ* маъноларини билдиради [ЎТИЛ, II, 218]: *Кейин сандиқни очиб, бисотидан бир кийимлик чит олди-да, баркашнинг устига қўйиб, дастурхонга тугди* (Ойбек. Қутлуғ қон). Бу *тугмоқ* сўзининг асос маъноси бўлиб, ундан “*тугун*”, “*тугунча*”, “*тугунак*”, “*тугунчак*” лексемалари – НБлари ҳосил бўлган.

Тугун НЛси “арқон, ип, лента ва шу каби нарсаларнинг боғлаб уланган ёки сиртмоқ каби тортиб боғланган ери” деган ҳосила, ясама маънони билдиради [ЎТИЛ, II, 217]: *Девона белбоғнинг тугунига астойдил ёпишган ҳолда: - Ўғирламадим, тентак, ҳожиди поччангнинг тўйидан олдим! – деди* [А.Қодирий. Ўтган кунлар]. Кейинчалик адабий тил тараққиёти билан боғлиқ ҳолда бу НЛнинг *нерв тугуни*, *хўрлик тугуни*, *зиддиятлар тугуни*, *тугун оши*

сингари бир қанча янги кўчма маънолари ҳам юзага келган: *Ҳаёт гапиролмади, хўрлик тугуни бўғзига урди, мунгли овози кўз ёшларига кўмилди* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча] кабилар.

Тилимизда “туг” асос маънодан “тугунчак” НЛси ҳосил қилинган. Бу ясама маъноли лексема икки НЛни ифодалашга хизмат қилади: 1.сўзлашув тилига хос кичрайтиш маъносидаги *тугунча: Хўжайин тугунчакни ечиб, дераза томонга ўтди* [Ойбек. Қутлуғ қон]; 2. айнан: *тугунак: Картошка тугунаги. Тугунак бактериялари* кабилар.

Ясалиш муносабатига кўра НБлар ифодаляйдиган лексик маънолари асос ва ясама маънога ажратилар экан, бунда бирдан ортиқ маънонинг ўзаро муносабати масаласига ойдинлик киритиш зарур бўлади. Негаки, НБлар ифодаляйдиган лексик маънони бундай типларга ажратиш ва номлаш полисемантик семемалар учун характерлидир. Бир маъноли (моносемантик) НБларда лексик маънонинг бундай кўринишлари мавжуд бўлмайди.

Полисемантик сўзларнинг маъно миқдори ҳар хил (икки ва ундан ортиқ) бўлади. Бунда ясама маъноларнинг ҳаммаси бир умумий маъно асосида ҳосил бўлавермайди, яъни полисемантик сўзларда асос маъно ҳаммавақт битта бўлавермайди. Полисемантик сўзларда асос маъно битта, баъзан эса бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *аъзо* НЛси тилимизда қуйидаги маъноларга эгадир: АЪЗО. 1. *Одам ёки ҳайвон организмнинг муайян бир вазифани бажарувчи қисми* [ЎТИЛ, 1, 66]: *Сезги аъзолари. Ички аъзолар*. 2. *Кишининг бутун вужуди, жон-тани: - Сиз нима жавоб*

бердингиз? – деди бутун аъзосини титроқ босган Гулсумбиби қичқириб [Ойбек. Қутлуғ қон] кабилар. 3. Бирор ижтимоий гуруҳ, жамоа ёки жамиятга мансуб ҳар бир киши: *Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси аъзолари бу масалани қизгин муҳокама қилиб, бир қарорга келдилар* [Халқ сўзи, 3.05.05 й.]. Демак, бундан кўринадики, “аъзо” лексемасида асос маъно (одам аъзоси) ва икки ясама маъно (бутун аъзойи бадани, жамият, уюшма аъзоси кабилар) мавжуд. *Ўйин* лексемаси маънолари тараққиётида бошқача ҳолни кўрамиз. Бу лексеманинг “ЎТИЛ”да етти маъноси қайд этилган [ЎТИЛ, П, 498]: 1. Кўнгил очиш, дам олиш мақсадида қилинадиган эркин ҳаракат ёки машғулот: болалар ўйини: *Кўча тутаиш балчиқ бўлганидан болаларнинг ўйини тугул, юришига ҳам имкон йўқ эди* [Ойбек. Қутлуғ қон]. 2. Бошқалар билан мусобақа қилиш учун маълум қоидалар асосида ўтказиладиган машғулот: *Футбол ўйини. Шахмат ўйини. Эстафета ўйини*. 3. Ўртага пул ёки нарсга тикиб ўтказиладиган машғулот; қимор: *Отам ўйин қизигида ютқазиишга ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешонасини ёрди, йиғлади* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча]. 4. Ритмик ҳаракатлар ва мимикалар уйғунлигидан иборат санъат; рақс: *Оёқ ўйини. Шўх ўйин. Кавказча ўйин. Ўйин ҳам турли назокат касб этиб, Гулсинбиби йўргалай кетди* [А.Қодирий. Ўтган кунлар]. 5. Спектакль, концерт, цирк томошаси ва шу кабилар ҳақида: Булар театрнинг олдида келганларида ўйин бошланишига учинчи сигнал кўнғироқ ҳам берилган эди [Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари] кабилар. 6. Бетартиб, бироқ ўзига хос жозибали ҳаракат (хайвон ва

нарсалар ҳаракати ҳақида): *Қўзиларнинг кичикроқлари жилга бўйида у ёқдан бу ёққа югуриб ўйин тушишади* [П.Қодиров. Қора кўзлар]. 7. Қалтис ҳазил, ғалати қилиқ, инжиқлик ва шу кабилар ҳақида: *Аччиқ ўйин ширин турмуш бузар* (мақол); *Ҳар ҳолда тақдирнинг бунчалик ўйинлари турган бир замонда биз нима ҳам қила олур эдик* [А.Қодирий. Ўтган кунлар] кабилар.

Юқорида келтирилган “ўйин” НЛсининг 2-, 3- ва 5-маънолари 1-маъноси асосида юзага келган, 4-, 6- ва 7-маънолари шаклланиши учун эса 3-маъно асос бўлиб хизмат қилган.

Демак, бундан кўринадики, НЛлар таркибида ясама маънонинг ўзи ҳам бошқа маъно (ёки маънолар)нинг юзага келиши, янги НБларнинг шаклланиши учун асос маъно ҳисобланиши мумкин.

Лексик маъно объектни, воқеа-ҳодисани қай тарзда ифодалашига кўра икки турга бўлинади: *номинатив маъно* ва *фигурал маъно*.

Номинатив маъно нарса, белги, ҳаракат ҳақидаги бевосита маълумот, улар билан бевосита боғланадиган маънодир. Фигурал маъно эса предмет, белги, ёки ҳаракат билан бевосита боғланмайди, яъни сўз фигурал маъноси билан предмет, белги ва ёки ҳаракатнинг номига айланган бўлмайди, фигурал маъно номинатив маъно орқали предмет, белги ёки ҳаракат билан боғланади. Жумладан, *шира, уруг, шўнгимоқ, тил* каби НЛларнинг маъно компонентларини таҳлил қилиб кўрайлик.

ШИРА. Форсча-тожикча бу сўзнинг “ЎТИЛ”да бешта маъноси таъкидланган. 1. Хўл мева ва полиз экинлари пишиб етилиши билан улар таркибида ҳосил бўладиган ширин суюқлик, шарбат. Узумнинг шираси. Қовуннинг шираси. *Қози домла бир неча лаҳзада косани тушириб, юпқа пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудай бўлиб турган шафтолига қўл урди* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча]. 2. Инсон ёки ҳайвон организми ҳужайраларида бўладиган суюқлик. *Меъда ости шираси. Баъзи безлар ўз-ўзидан шира чиқариб туради*. 3. Кўкнор пўстини сувда эзиб тайёрланган, кайф берадиган ичимлик. 4. Бирор асар, гап, сўз ва шу кабиларнинг мазмуни, маъноси, моҳияти. *Гапининг шираси йўқ одам. Бир халқ тилидаги асар иккинчи халқ тилига шу асарнинг бутун фазилати, шираси, жозибаси сақланиб таржима қилингандагина мақсадга эришилади* [Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш]. 5. Оҳангдорлик, жарангдорлик; ёқимлилиқ (овоз ҳақида): - *Ҳозир Шерозийнинг овози айни шира боғлаган пайт, донғи Хоразмга тарқалган, - деди Собир ака* [Ж.Шарипов. Хоразм] кабилар.

УРУҒ. Бу НЛнинг “ЎТИЛ”да олти маъноси қайд қилинган. 1. Ўсимликнинг муртак, озиқ моддалари ва қобикдан иборат ҳосили; дон, тухум. *Сочилган уруғ униб чиқади; Бемаза қовуннинг уруғи кўп* [Мақол]; *Тер тўкиб сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ* [Мақол]; *Кўкламда она-бола тоғ этагидаги қўриққа чиқиб белкурак билан ер ағдариб лалми бугдой экишди, лекин қурғоқчилик бўлиб уруққа ҳам чув тушишди* [П.Қодиров. Уч илдиз]. 2. Биол. Эркаклар жинсий

бези ишлаб чиқарадиган, жинсий хужайралардан иборат суюқлик; сперма, маний. 3. Ипак қурти капалагининг тухуми; қурт уруғи. 4. Бир ота-бободан, бир аجدоддан келиб чиққан кишилар; авлод, қариндош. *Бой, ўз уругинг экан, яхши мурувват қилар* [Ойбек. Қутлуғ қон]. 5. Ибтидоий-жамоа тузумида: ўзаро қон-қардош бўлган кишилардан иборат дастлабки асосий ташкилот, уюшма, жамоа. *Илгари оқсоқоллар бошчилигидаги ҳар бир уруғ ўзини бир-биридан юқори қўяр, бир-бирининг одатидан, тилидан кулар эди* [П.Турсун. Ўқитувчи]. 6. Кўчма. Тарқалиш, юзага келиш манбаи; сабаб. *Низомулмулк фитна уругини узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда* [Ойбек. Навоий].

ШЎНҒИМОҚ. Бу НЛнинг “ЎТИЛ”да беш маъноси таъкидланган. 1. Сув ёки бошқа бир суюқлик ичига кириб ботиб кетмоқ; чўкмоқ. *Бир шўнғиб чиқмоқ. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам кети билан шўнғийди* [Мақол]; *Ҳовуздаги зогора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб, ташиланган нонларни ер, гоҳ билтанглаб ўйнаб шўнғиб кетарди* [Ж.Шарипов. Хоразм]. 2. Кўчма. Бирор нарса орасига кириб, беркиниб кўздан ғойиб бўлмоқ, кўринмай кетмоқ, кириб кетмоқ; яширинмоқ. *Суюн Бургут бир сакраида ерга тушиди-да, олчазорга шўнғийди* [О.Ёқубов. Адолат манзили]. 3. Катта тезлик билан пастга қараб отилмоқ, ниҳоятда тезлик билан пастга қараб учмоқ: *Самолётлар қора бўрондай тепада гир айланиб, ажалкор қоида ва тартиб билан шўнғийдилар* [Ойбек. Қуёш қораймас]. 4. Кўчма. Ўй, хаёл, қайғу, ваҳима каби ҳиссиётларга қаттиқ берилмоқ, чўммоқ: *Шу*

чоққача мўлтайиб хаёл ичига шўнғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради [А.Қодирий. Ўтган кунлар].

5. *Кўчма*. Иш-ҳаракатга, машғулотга қаттиқ киришиб кетмоқ, берилмоқ: *Она ҳеч кимнинг сўзи, таклифини кутиб турмасдан аввалгидек ишга шўнғиди-кетди* [Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари] кабилар.

ТИЛ. Бу НЛнинг “ЎТИЛ”да тўққиз маъноси қайд қилинган.

1. *Анатом*. Оғиз бўшлиғига жойлашган, там-маза билиш, кишиларда эса, бундан ташқари, нутқ товушлари ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо. *Иссиқдан итнинг тили осилган; Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим (Мақол); Шифокор Ольга Петровна ... касалнинг тилини чиқартириб кўрди* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча]. 2. Инсоннинг сўзлаш, гапириш қобилияти; гап; сўзлашув: *Хотиннинг бу гапи Бўтабойнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса деёлмади* [Саид Аҳмад. Ҳукм]. 3. Фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа куроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси: *Тил билмаслик биринчи ҳафталарда уларни қаттиқ қийнади. Лекин сўзлашув учун уларда кучли орзу, руҳий зарурат бўлганидан бу қийинчилик аста-секин йўқолаверди* [Ойбек. Қутлуғ қон]. 4. Нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ва ифода воситалари билан ажралиб турадиган бир тури; стиль, услуб: *Бадий адабиёт тили. Сўзлашув тили. Газета тили. Бола тили. Навоий тили. Ойбек асарларининг тили. Бу ер “тўқув цехи”, бўзчилар тили билан айтганда – дўконхона*

[А.Мухтор. Опа-сингиллар]. 5. Фикр ифодалашда ўзаро алоқа жараёнида юзага келадиган ибора, гап, сўз, нутқ: *Тил қиличдан ўткир* [Мақол]; *Тўғри тил тошни ёради, эгри тил – бошни* [Мақол]; *Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил* [Мақол]. 6. Ҳарб. Керакли маълумот олиш мақсадида олинган ҳарбий асир: *Қўмондонлик Остонақуллар келтирган “тил”дан ҳужум жангининг планини тузиш учун энг керакли маълумотларни олди* [А.Раҳмат. Эллик бир баҳодир]. 7. Кўчма. Асбоб, механизм ва шу кабиларнинг осилиб, қимирлаб турадиган қисми: *Соатнинг тили. Компаснинг тили. Қўнғироқнинг тили* кабилар. 8. Кўчма. Тиғга ўхшаш, учли нарса: *Шамол кучайиб оловнинг тили яна ҳам узунлашди* [Саид Аҳмад. Уфқ] кабилар. Таъсирчан, қаттиқ таъсир қиладиган, ўткир нарса (кўпинча изғирин, совуқ ҳақида): *Қуруқ совуқ. Кеч кузнинг изғирин шамоли муздек тили билан йигит ва қизнинг юзини ялайди* [Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси] кабилар. 9. Бирор нарса, воқеа ва шу кабиларнинг моҳиятини, сирини ифодаловчи восита; йўл, усул: *Формула тили билан айтганда... Ернинг тилини билмоқ. Рустам деҳқончиликнинг тилини яхшигина ўрганган эди* [Ойбек. Олтин водийдан шабадалар] ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган мисолларда *шира, уруғ, шўнғимоқ, тил* НЛларининг дасталбки маънолари номловчи маънолар бўлса, ундан кейинги маънолари фигурал маънолардир. Бундан кўринадики, номинатив маъно ва фигурал маъно муносабати асосан полисемантик лексемалар маънолари учун характерлидир. Полисемантик сўз маъноларидан фақат ясама (ҳосила) маъногина

фигурал маъно бўла олади. Лекин ясама маънолар доирасида ҳам фигурал маъно таркиби (семаси) номловчи маъно таркиби (семаси)га нисбатан жуда кам миқдорни ташкил этади [49, 21-22].

Семасиолог олимлар НБлар таркибидаги лексик маънони нутқ жараёнида реаллашиш ҳолатига кўра *эркин маъно* ва *боғлиқ маънога* ҳам ажратадилар [57, 62-65]. Эркин маъно дейилганда нарсаси, белгиси, ҳаракат билан бевосита боғланидиган маъно тушунилади, унинг реаллашуви маълум контекстга, сўзлар қуршовига боғлиқ бўлмайди. Масалан, биз юқорида келтирган “*ўйин*” лексемасининг “ритмик ҳаракатлар ва мимикалар уйғунлигидан иборат санъат, рақс” деган маъноси [ЎТИЛ, II, 498] эркин маъно саналади, чунки унинг реаллашуви учун ҳеч қандай қўшимча восита талаб қилинмайди.

Худди шунингдек, “*чекмоқ*” лексемасининг “тортмоқ, истеъмол қилмоқ” маъноси ҳам эркин маъно саналади [ЎТИЛ, II, 363]: *Ботирли памирс чекиб одамларнинг сўзини обдон эшитиб, кейин гапирди* [Саид Аҳмад. Ҳукм] кабилар.

Ўзбек тилида “*югурмоқ*” феъли полисемантик характердаги НБлардан бири саналади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг беш маъноси қайд қилинган [ЎТИЛ, II, 462-463]. Шундан “ирғишлаб бирор йўналишда тез ҳаракат қилмоқ” маъноси ҳам эркин маънолар қаторига киради: - *Шошма, болам,- кампир тандир томонга югурди ва хокандозда исиріқ тутатиб келиб Норматнинг бошидан айлантирди* [Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари] кабилар.

Ўзбек тилида форсча-тожикча “*чап*” сўзи ҳам полисемантик хусусиятга эга бўлиб, унинг “тавданинг юрак жойлашган томонидаги; сўл, ўнгнинг акси” маъноси эркин маънолар саналади [ЎТИЛ, II, 355]: *Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб, айвоннинг чап тарафидаги дарича орқали уйга кирамиз* [А.Қодирий. Ўтган кунлар] кабилар.

Ўйин, чекмоқ, югурмоқ, чап сўзларининг юқорида келтирилган маънолари ҳеч қандай қўшимча воситага боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар қандай матнда реаллашади. Худди ана шу хусусиятига кўра *ўйин, чекмоқ, югурмоқ, чап* каби НБлар таркибидаги бу сингари маъноларни эркин маъно дейиш мумкин бўлади.

НБлар таркибидаги боғли маъно эса маълум сўз ёки сўзлар қуршовидагина реаллашади. Бу маъно компоненти воқелик билан бевосита боғлана олмайди. У ёки бу НБнинг боғли маънода қўлланиш доираси жуда чегараланган бўлиб, бу ҳолат ана шу боғлиқ маънони реаллаштирадиган сўз ёки сўзлар қуршовидагина қўлланади. Масалан, юқорида биз келтирган *ўйин, чекмоқ, югурмоқ, чап* каби НБларнинг қуйидаги мисолларда билдирган маънолари боғли маънолар саналади: *Қизники қийин билан, ўғилники ўйин билан битар* [Мақол]; *Онажон, зам-гусса чекманг* [А.Мухтор. Опа-сингиллар]; *Мирвали Шавкат Раҳимовга ўхшаш обрўли, тажрибали, сўзи ҳар қандай жойда ўтадиган кишиларни қўлга олиш ниятида озмунча югурмади* [Саид Аҳмад. Жимжитлик]; *Ҳеч гандан ҳеч гап йўқ, икки ёзувчи ё санъаткор бир-бирига чап, бир-бири билан қиртичоқ бўлиб қолишади* [О.Шарафиддинов. Ижодни

англаш бахти] кабилар. Келтирилган бу мисолларда *уйин, чекмоқ, югурмоқ, чап* сўзларига хос маъно улар билан бирга қўлланиб, синтактик қуршов ҳосил қилаётган *билан битар, ғам-ғусса, қўлга олиш ниятида, бир-бирига* сўзлари ёрдамида реаллашмоқда, яъни бу маъноларнинг реаллашуви матнда ана шу сўзларнинг қўлланиши билан боғлиқ. Шу сабабли бу маънолар боғли маъно саналади.

Демак, НБларнинг лексик маъно компоненти баъзан нутқдан ташқарида ҳам мавжуд бўлади ва у сўзнинг семантик структурасида албатта иштирок этувчи компонент саналади. Бундан ташқари НБларнинг маъно компонентлари узул маъно ва контекстуал (матний) маъно кўринишига эга бўлади. Узул (бу лотинча *usus* - одат, қоида сўздан олинган) маъно дейилганда “сўзда луғавий маъно сифатида бор, умум томонидан қабул этилган, умумқўлланидаги маъно” тушунилади [ТТИЛ, 113]. Масалан, *бош* сўзининг “тананинг бўйиндан юқори қисми”, “бошлиқ”, “рахбар” маънолари; *катта* сўзининг “ҳажм, ўлчами нисбатан ортиқ, улкан”, “ёш жиҳатдан ортиқ” маънолари узул маънолар саналади.

Маълумки, кўп маъноли – полисемантик сўзлар гапда бирор маъноси билан иштирок этади, у ёки бу маънода қўлланади. Гап (контекст - матн) шу маънони конкретлаштиришга хизмат қилади. Масалан: *Ҳаётхон бечора ин эшиб, марваридларни теришга ўтирди* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча]. Термоқ лексемаси ўзбек тилида кўп маъноли хусусиятга эга. Унинг маъноларидан

бири “қаторлаб тизмоқ, тахламоқ”дир. Келтирилган гап (матн)да термоқ феълининг шу маъноси реаллашмоқда. Бу маъно ўша термоқ сўзининг ўзида бор бўлиб, матн (контекст) сўзнинг бошқа маъноларида эмас, балки худди шу маъноси билан қатнашаётганини реаллаштирмоқда. Демак, сўзнинг аслида мавжуд бўлиб, контекст (матн)да аниқ ажраладиган кўп маъноларидан бири лексик маъно сифатида контекстуал (матний) маъно бўлаверади. Шунга кўра реаллашуви контекст (матн)га боғлиқ, контекст доирасида бўладиган маъногина контекстуал (матний) маъно деб юритилади [ТТИЛ, 61]. Масалан, *кавак* НБининг қуйидаги уч маъносига эътиборни қаратайлик: 1. *Омбуринг қўлингда, бир кавакдан ҳайдаса, бошқа кавакда тиш суғуриб айшингни қилаверасан* [А.Қаҳҳор. Оғриқ тишлар]. 2. *Қизимни шу ерда бир клиникага жойлаштириб қўйишининг иложи бормикан деб бошимни урмаган кавак қолмади* [Н.Аминов. Елвизак]. 3. *Тавба, ажойиб. Ёшим шунгача келиб бундайларни энди эшитдим. Бутун умр кавакда ўтди* [Ойбек. Навоий] кабилар.

Контекстуал маъно контекст (матн)га боғлиқ бўлса-да, лекин уни фақат “контекстга хос маъно” деб тушунмаслик керак, чунки бу маъно ҳам сўзнинг ўзига хос маъноси саналади, яъни контекстуал маънонинг потенциал имконияти ҳам шу сўз, НБнинг ўзида мавжуд бўлади. Акс ҳолда, масалан, юқорида биз келтирган *кавак* НЛнинг маъноларини унинг ўрнида хоҳлаган НБни қўллаш билан ифода этиш мумкин эди. Контекст (матн) сўздаги ана шу

потенциал, яширин имкониятни рўёбга чиқаради, бу имконият контекст доирасида воқеликка айланади.

Шундай қилиб, НБларнинг семантик табиати ҳақида айтилганлардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Ҳар қандай НБнинг семантик структураси лексик маъно ва шу лексик маънога қўшимча тарздаги семалардан иборат бўлади. НБнинг объектив борлиқдаги нарсалар, ҳаракат, белги ва шу кабилар ҳақидаги маълумот (тасаввур) берувчи мазмунли лексик (луғавий) маъно саналади.

2. Лексик маъно (семема) структураси маълум компонентлардан таркиб топади. Бундай таркиб (қисм)лар семалар деб юритилади.

3. Лексик маънога синхрон планда қаралганда улар таркибини ясашиш муносабатига кўра, объектни ифода этишига кўра ва нутқда реаллашув ҳолатига кўра типларга ажратиб ўрганиш мумкин.

4. Ясашиш (ҳосил бўлиш) асосига кўра НБларнинг лексик маъноси асос маъно ва ясама маънога бўлинади.

5. Объектни қандай тарзда ифодалашига кўра НБларнинг лексик маъноси номловчи маъно ва фигурал маънолардан ташкил топади.

6. Нутқ жараёнида реаллашув ҳолатига кўра НБларнинг лексик маъноси эркин маъно ва боғлиқ маъноларга бўлинади.

7. НБлар таркибида узуал ва контекстуал (матний) маънолар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бундай маъно таркиби (типлари)ни

жиддий тадқиқ этиш НБларнинг семантик табиатини кенг ва чуқур тадқиқ этиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

8. НБларнинг семантик табиатида дифференциал ва интеграл семалар, денотатив ва коннотатив семалар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга айрим НБлар ўзаро градуал муносабатга киришади. Монографиямизнинг кейинги бобида семасиологиянинг ана шу долзарб масалалари ҳақида фикр юритишни мақсад қилиб қўйдик.

У Ч И Н Ч И Б О Б

НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАР МАЪНО ТАРКИБИНИНГ ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Семасиология фанида НБлар семемаси таркибидаги семалар даражасига кўра ҳам тасниф қилинади. Даражасига кўра у ёки бу семема семалари бирлаштирувчи (интеграл) семаларга ва фарқловчи (дифференциал) семаларга ажратилади. Академик А.Ҳожиев интеграл семаларни “умумий сема” деб номлайди. Олимнинг талқинига кўра, “умумий сема бир семантик майдондаги семемаларнинг туташтирувчи семаси”дир [ТТИЛ, 114]. Масалан, тилимизда мавжуд *новча, узун, узунчоқ, дароз, бақалоқ, чўзинчоқ* каби НБларнинг умумий семаларини таҳлил қилиб кўрайлик.

НОВЧА - бу НБ “бўйи баланд, дароз, узун” маъноларини билдиради [ЎТИЛ, 1, 506]: *Ҳокимнинг новча, ҳайбатли қомати олдида Тешабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча); *Новча тераклар учида ойнинг кумуш парчаси сузади* [Саид Аҳмад. Қадрдон далалар] кабилар.

УЗУН – бу НБ “бўйига қараб чўзилган, чўзиқ” маъноларини ифодалайди [ЎТИЛ, П, 268]: *Сайли қалин ва узун киприкларини ялт этиб кўтариб, дугонасига қаради* [С.Анорбоев. Сайли] кабилар.

УЗУНЧОҚ – бу НБ “энига қараганда бўйи анча чўзиқ, анча узун; чўзинчоқ” маъноларини билдиради [ЎТИЛ, П, 269]: *Бир*

узунчоқ тоқчада каттагина ойна билан қизил гулли патнус ёнма-ён турибди [П.Турсун. Ўқитувчи] кабилар.

ДАРОЗ – бу НБ “бўйи баланд, новча, бўйчан, бўйдор” маъноларини билдиради [ЎТИЛ, 1, 211]: *Куёв томондан ориқ, дароз, чайир бир хотин бел боғлади* [Ойбек. Қутлуғ қон] кабилар.

БАҚАЛОҚ – бу НБ “эни бўйига номутаносиб; йўғон, думалоқ, семиз” маъноларини билдиради [ЎТИЛ, 1, 88]: *Бақалоқ йигит. Бақалоқ қўллар* кабилар.

ЧЎЗИНЧОҚ – бу НБ “бўйи энига нисбатан анча узун; чўзиқ, узунчоқ” маъноларини билдиради [ЎТИЛ, II, 384]: *Чўзинчоқ юз. Чўзинчоқ қовоқ. Чўзинчоқ ҳовли* кабилар.

Кўринадик, новча, узун, узунчоқ, дароз, бақалоқ, чўзинчоқ каби НБларнинг барчаси “меъёр” семаси билан умумийликка эга бўлиб, яхлит бир ЛСГни ташкил этади.

Номловчи лексемаларнинг денотатив ва коннотатив семалалари. Семасиологияда НЛарнинг денотатив ва коннотатив семалалари бир-бирига қарама-қарши (зид) қўйилади, чунки *денотат* латинча *denotare* - белгиламоқ сўзидан олинган бўлиб, “тил бирлиги (масалан, сўз) ёрдамида номланувчи (аталувчи) воқелик, нарс-буюм” маъносини билдиради [ТТИЛ, 34]. Масалан, *юз, афт, башара, чеҳра, турқ* сўзлари бир предмет (денотат)нинг турли номлари саналади. Денотат билан боғлиқ, уни бевосита билдирувчи маъно денотатив маъно деб юритилади [ТТИЛ, 34]. Бундан кўринадик, денотатив маъно коннотатив маънонинг зиди бўлиб, шунга асосланади. Шунинг учун “Ўзбек тили систем

лексикологияси асослари” (1995) номли китобда НБларнинг аташ семалари (денотатив семалар) унинг ифода, тасвир, қўшимча маъно семалари (коннотатив семалалар)га карама-қарши қўйилган. Негаки, аташ семалари объектив борлиқдаги нарса-буюм, белги-хусусият, миқдор кабиларни атовчи, номловчи семалар бўлса, ифода семалари дейилганда НБлар таркибидаги аташ семасидан ташқари турли қўшимча маъноларни (услубий бўёқни, шахсий муносабатни, қўлланиш доирасини) англатувчи семалалар тушунилади. Масалан, *тузук, дуруст, яхши, ажойиб* лексема семемаларининг белгини даражасига кўра ажратилувчи зиддият белгилари унинг аташ (ёки денотатив) семаларидир.

Тилдаги НБларнинг маъно таркибини ўрганишда тилшуносликда семантиканинг коннотатив жиҳати тушунчасига алоҳида эътибор қилинади. В.Н.Телиянинг фикрича, “коннотация – тил бирликлари семантикасига узуал ёки окказионал равишда кирадиган, нутқ субъектининг борлиқни жумлада ифодалашида унинг айна шу борлиққа бўлган ҳиссий баҳолаш ва стилистик муносабатини ифодаладиган ҳамда шу ахборотга кўра экспрессив қиммат касб этадиган мазмуний моҳият”дир [77, 5]. Коннотация семантиканинг экспрессив қийматга эга бўлган узви (элементи) сифатида номлаш жараёнларидаги борлиқни баҳолаган ҳолда идрок қилиш ва акс эттириш маҳсули саналади. Тадқиқотчи М.Мамадалиева ҳам коннотациянинг асосий вазифаси сўзловчининг ифодаланаётган предметга субъектив муносабатини

акс эттириш асосида таъсир қилиш, таъсирчанликни таъминлаш эканлигини алоҳида таъкидлайди [43, 10].

Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар ўзбек тили лексикани узвий (компонент) таҳлил асосида ёритар эканлар, сўз маъносининг таркибидаги ифода семаларига “Семема таркибидаги аташ семасидан ташқари турлича қўшимча маъноларни (услубий бўёқни, шахсий муносабатни, қўлланиш доирасини) англатувчи семалардир” [55, 60] деб таъриф берадилар.

Тил ўзининг эстетик вазифасини бажаришида айти шу ифода семалари – коннотатив маънолар фавқулодда муҳим роль ўйнайди. Ифода семалари ҳам худди номлаш (аташ) семалари каби лексемалар парадигмаси орқали аниқланади. Масалан, *юз, афт, бет, башара, турқ, чехра, жамол* лексик парадигмалари таркибида аташ (номлаш) семалалари бир хил, умумий: “одам бошининг олд томони, олд томондан кўриниши” [ЎТИЛ, II, 463], деган маънони билдиради. Аммо бу қатордаги *юз, бет, афт, башара, турқ* лексемалари сўзловчи салбий муносабатининг даражасига кўра ўзаро даражали зиддиятга эга. Бу ўринда салбий муносабат “афт”дан “турқ”қа томон ўсиб боради. *Юз, чехра, жамол* НБларида эса аксинча, уларда ижобий муносабат семалари мавжуд. Бу ҳолат “ЎТСИЛ”да тўғри таъкидлаб кўрсатилган [ЎТСИЛ, 234-235]. Бундан ташқари мазкур луғатда ана шу лексик парадигмага мансуб *дийдор, ораз, узор, рухсор* сингари номинатив бирликларнинг денотатив ва коннотатив семалалари қайд қилинган ҳамда “дийдор”нинг фақат “*кўришмоқ, туймоқ*” сингари бир-

иккита лексемалар билан синтагматик муносабатга киришуви, *узор, ораз, рухсор* НБлари эса қўлланиш даражасига кўра эскирганлиги, архаиклашганлиги таъкидланган: *Эсон-омон юртга қайтайлик, бола-чақа, ёр-оғайниларнинг дийдорини кўрайлик, деб яхши тилак қилсаларинг-чи* [Ойбек. Қуёш қораймас]; *Оразингни, эй маҳваши, бог аро намоён қил* [Муқимий]; *Кўнглида гўё нигори келади, ҳаётбахш узори уни бахтиёр қилади* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча]; *Бахту иқболинг қуёши чехра очди, сочди нур, Гуллатиб суҳбатни, яшинаб лола рухсоринг ўлтирур* [Ҳабибий] кабилар.

Тилдаги даражаланиш бутун олам даражаланиш ҳодисасининг инъикоси тарзидаги мавҳум кўриниш саналади. Шунинг учун ҳам лисоний даражаланиш муаммосини материя ва унинг ҳаракати, тараққиёти, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиб бориши, инкорни инкор қилиш билан узвий боғлиқ бўлган фалсафий қонуниятлар ва категориялар талабларида заминларида туриб ҳал этиш мумкин. Даражаланиш ҳодисаси тилнинг барча сатҳларида кенг тарқалган. Тилшунос олим Одилжон Бозоровнинг тўғри таъкидлашича, “борлиқ ранг-баранг ва чексиз ўзгариб турувчи нарса, ҳодисалар тизимларидан иборат бўлганлиги учун буларга хос даражаланишлар ҳам ўта хилма-хил ва узлуксиздир... Борлиққа хос бўлган узлуксиз даражаланиш ҳодисаси ва унинг тилдаги инъикоси оддийдан мураккабга, нотўлиқликдан нисбий тўлиқликка томон йўналган инсон билиш йўли босқичларида турлича ўрганишларга эга бўлган” [16, 10].

Микдор ва сифат ўзгаришларининг тадрижийлиги заминида табиий-ижтимоий узлуксизлик ёхуд турли хил даражаланишлар ҳосил этиб ривожланган борлиқ ўз инъикоси ҳисобланган тил бирликларида ҳам даражаланганлик белгиларини намоён этади. Буни таниқли тилшунос олимлар ҳам ўз асарларида алоҳида таъкидлаганлар. Масалан, О.Есперсен ўзининг борлиқ, мантиқ ва тилнинг ўзаро муносабатига бағишланган “Грамматика фалсафаси” асарида контраст тушунчалар орасида оралиқ ҳолатларнинг ҳам мавжуд бўлиши ва уларнинг лексик ифодаланишига (*салқин – совуқ – аёз – муздай, доим – баъзан – ҳеч қачон, кўп – бир қанча – оз каби*) эга эканлигини кўрсатиб ўтган эди [25, 375]. Рус тилшуноси С.Д.Кацнельсон ўз ишларидан бирида муайян бир ранг билан иккинчи бир ранг тури орасида оралиқ ҳолатларнинг бўлиши билан боғлиқ узлуксиз мантиқий-семантик шаклланишлар мавжудлигини, уларнинг лексикада, айниқса, НБларда акс эта олишини эслатади [37, 81].

Ўзбек тили лексик антонимларини махсус тадқиқ этган Р.Шукуровнинг эслатишича, сўзларнинг антонимлигини кўрсатувчи белгилардан бири оралиқ тушунчалар ёки мантиқий марказларнинг мавжуд (*кечаги – бугунги – эртанги, ўтган – ҳозирги – келаси каби*) бўлишидир. Кўп ҳолларда қарама-қарши кутблар орасида бир неча тушунчалар ётиши мумкин. Бундай ҳолларда мантиқий марказдан тенг узоқликда ётган нуқталар ва уларни ифодаловчи сўзлар бир-бири билан антоним бўлиши мумкин. Масалан: *қаҳқаҳа – кулги – кулимсираш – йиғламсираш – йиғи –*

фарёд қаторида *қаҳқаҳа* – *фарёд*, *кулги* – *йиги*, *кулимсираш* – *йигламсираш*; *нурафшон* – *ёруғ* – *қоронғи* – *зимистон* қаторида *нурафшон* – *зимистон*, *ёруғ* – *қоронғи*; *саратон* – *иссиқ* – *совуқ* – *қаҳратон* қаторида *саратон* – *қаҳратон*, *иссиқ* – *совуқ* каби антонимлар шулар жумласидандир. Р.Шукуров ҳақли равишда тилшуносликда мантиқий марказ билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилиши лозимлигини таъкидлаб ўтади [98, 30: 99, 22-34].

Р.Жабборова ва С.Ғиёсовларнинг ўзбек тили аслий сифатлари компонент таҳлилига бағишланган мақоласида белги даражаси семаси *чиройли* – *кўркем* – *гўзал* – *зебо* сўзларининг изчил маъновий боғланишларини ташкил этиши, бунда белгининг меъёрий (нейтрал), озроқ, оз, кўп, энг кўп каби кўринишлари юқоридаги сифатларнинг ҳар бирига ички маъновий таркибий (компонент) қисм сифатида хосланиб кетганлиги кўрсатиб ўтилади [24, 70].

Проф.Э.Қиличев ўз ишларида даражаланишнинг синонимларга оид бўлган денотатив ва коннотатив маъноларга хослиги ҳақида фикрлар билдиради [104, 18: 106, 126].

Проф.Ш.Раҳматуллаев фраземалар таҳлилига бағишланган бир ишида эмоциянинг кучли-кучсиз даража семасини ажратиш зарурати борлигини таъкидлаб, “*таъби хира*”, “*дили сиёҳ*”, “*бағри қон*” фразеологизмларининг фарқларини ҳафалик белгисининг бошланғич босқич (*таъби хира*), нормал ҳолатдан юқорироқ босқич (*дили сиёҳ*), энг юқори босқич (*бағри қон*)

даражаланишларида эканлигини, маънолардаги бу каби қатор фарқланиш юқоридаги уч фраземанинг ўзаро синоним эмаслигини, ушбу ҳолатлардаги каби фарқловчи семани маъно градациясининг семаси деб номлаш тўғрироқ эканлигини кўрсатади [66, 20].

Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг “Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари)” номли дастурий мақоласида луғавий даражаланиш ёхуд градуонимия лексик маънолари маълум белги-хусусиятнинг турли даражалари билан боғланган лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ) сифатида ажратилади [12, 35-40]. Ўзбек тили гипонимик лексикасини систем таҳлил қилишга ҳаракат қилган Р.Сафарова ўз тадқиқ майдонида ёш белгисининг даражаланиши билан боғлиқ бўлган градуонимик қаторларни (*қўзи – қўй, бузоқ – сигир, жўжа – товуқ* каби) ёритиб ўтган эди [71, 17: 72, 8-11].

Луғавий градуонимияга М.Файзуллаевнинг “Рус ва ўзбек тиллари руҳий ҳолат феълларининг типологик хусусиятлари” деб аталувчи номзодлик диссертациясида махсус ўрин ажратилади. Рус ва ўзбек тиллари руҳий ҳолат феъллари асосида ўтказилган луғавий даражаланишларга оид бу изланишда градуонимик қатор, доминанта, даражаланиш ва антонимия каби масалалар бўйича муҳим фикр-мулоҳазалар баён қилинади [88, 4-20].

Р.Расулов ва М.Нарзиеваларнинг “Лексикологияни ўрганиш” номли қўлланмасида лексик зидланиш (оппозиция)лар орасида градуал муносабатнинг кенг тарқалганлиги, хусусан, белги даражаси семасининг кўп НБларда такрорланувчанликка эга

эканлиги кўрсатиб ўтилади [65, 6-21]. Кейинчалик Ш.Орифжонова ўзбек тилининг лексик тизимида кенг тарқалган даражаланиш (градуонимия) муносабатини махсус тадқиқ этишга бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди [60, 6-25].

Юқорида таъкидланганидек, градуал муносабат ёки даражаланиш тилнинг барча сатҳларида намоён бўлади. Буни тилшунос олимлар ҳам ўз асарларида таъкидлаб келмоқдалар. Жумладан, йирик тилшунос олим, проф.Ш.Раҳматуллаев ўзининг кейинги тадқиқотларидан бирида фонемаларни гуруҳлаш масаласига тўхталиб шундай ёзади: “Тил ўқитишдаги кўп асрлик анъана билан ҳисоблашиш туфайли унлилар-ундошлар таснифи ҳануз сақланиб келади... Назарий жиҳатдан товушларни биринчи босқичдаёқ уч гуруҳга ... - унлилар – ундошлар – шовқинлиларга бўлиш тўғрироқ бўлар эди” [67, 7]. Кўринадики, бу ўринда Ш.Раҳматуллаев анъанавий мавҳумроқ бинар оппозициядан уч аъзоли даражаланиш таснифига ўтиш вақти келганлигига ишора қилмоқда.

Шундай қилиб, даражаланиш, градуонимия ҳодисаси тилнинг барча сатҳларида, жумладан НБлар орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу масала келгусида янада кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ этилиши лозим. Луғавий даражаланиш фонетик, грамматик даражаланишга нисбатан очикроқ кўзга ташланади. Биз ўрганаётган НБлар орасидаги даражаланиш ҳам ана шу луғавий даражаланишнинг таркибий қисми саналади. Шунинг учун биз

луғавий даражаланиш масаласига бир мунча кенгрок тўхталишни лозим топдик.

Ҳозирги замон ўзбек тилшунослигида *г р а д у о н и м и я* ва унинг ўзбекча маънодоши *д а р а ж а л а н и ш* атамаси сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўринишини атовчи илмий тушунча сифатида оммалашиб бормокда. Даражаланиш муносабатлари билан боғланган НБлар қаторини қуйидаги икки тамойилга асосланган ҳолда ўрганиш мумкин: а) соф лисоний (тил) асослари; б) экстралингвистик (ғайрилисоний) асослар.

Ғайрилисоний асослар тамойилининг моҳияти шундаки, борликдаги нарса-буюм, белги-хусусиятларда сифат фарқлари билан бир қаторда миқдорий фарқлар ҳам мавжуд. Чунончи, истаган турдаги организм ўсади, ривожланади. Унинг ўсиб ривожланиши замон (вақт ёки ёш) билан бевосита боғлиқдир. Масалан, одам гўдаклик, ёшлик, навқиронлик, етуклик, қарилик ҳолатларини, ўсимлик навнихоллик, кўчатлик, етилганлик, қуриганлик даврларини бошидан кечиради. Табиатдаги ранг ва бошқа белгилар шунчалик хилма-хилки, бир бутадаги икки қизил гул бир-биридан рангининг очроқ ёки тўқроқлиги билан фарқланади. Борликдаги нарсалар орасидаги бундай миқдорий фарқлар шунчалик ранг-барангки, уларни тўлалигича тавсифлаб ва санаб ниҳоясига етиш қийин. Инсоннинг фаол онги борликдаги ана шундай миқдорий фарқларни маълум даражада акс эттиради. Тил онгининг шакли бўлгани учун у онгда акс эттирилган мана шундай миқдорий фарқларни турли усуллар (аниқловчилар, миқдорий

кўрсаткичлар, ўлчов бирликлари ва ҳоказолар) билан, жумладан алоҳида НБ (лексема)лар билан ҳам ифодаланади. Масалан, тилимизда *ниҳол – кўчат – дарахт; нинни – чақалоқ – гўдак – бола.....; бузоқ – тана – гунажсин – сигир* каби НБлар тизимида градуал муносабатлар мавжудлиги уларнинг луғатларда берилган изоҳида ҳам қайд этилган. Жумладан, фикримизнинг исботи учун *ниҳол – кўчат – дарахт; нинни – чақалоқ – гўдак – бола* НБларининг изоҳини кўздан кечирайлик.

НИҲОЛ – бу НБ “ёш новда ёки кўчат” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 505]: *Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра* [Мақол]; *Ёш ниҳолга усталик билан қилинган пайванд тез амал олади* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча] кабилар. Тилимизда шу лексема асосида “нозик ниҳол” ибораси ҳосил қилинган: *Нозик ниҳол дарахтлар.*

КЎЧАТ – бу НБ “уруғ ёки қаламчадан ўсиб чиққан ва бошқа жойга олиб ўтқазиладиган ёш дарахт; ниҳол” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 423]: *Мана шу анжирнинг кўчатини Икромжон Чортерақдан олдириб келган эди* [Саид Аҳмад. Уфқ] кабилар.

ДАРАХТ – бу НБ “тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 209]: *Мевали дарахт; Мевасиз дарахт; Олма дарахти; Бу дарахтлар бир неча аср умр кўрган, зўр даҳшатли воқеалар гувоҳидир* [Ойбек. Нур қидириб] кабилар.

НИННИ – болалар нутқига хос НБ бўлиб, “янги туғилган бола, чақалоқ” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 503]: *Азимжоннинг онаси унга янги укача – нинни олиб келди* [сўзлашув нуткидан].

ЧАҚАЛОҚ – бу НБ “янги туғилган бола; гўдак” маъносини билдиради [ЎТИЛ, II, 359]: *Кимдир тез-тез гапирди, дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб “инга”лайди* [Ойбек. Қутлуғ қон] кабилар.

ГЎДАК – бу НБ “эмадиган, кўкракдан ажратилмаган бола” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 200]: *Эсли болалар ҳам кўринмайди. Гўдаклар эса бешикда, дарахтлар орасидаги беланчакларда ухлаб ётишади* [Ойбек. Қутлуғ қон] кабилар.

БОЛА – бу НБ “янги туғилган, ҳали кўкракдан, она бағридан ажратилмаган гўдак; чақалоқ” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 128]: *Бола* йиғламаса, она сут бермайди [Мақол]; *Туғилмаган болага* бешик [Мақол]; *Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишига буюрди* [А.Қодирий. Ўтган кунлар] кабилар.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, *ниҳол*, *кўчат* ва *дарахт* НБлари изоҳида “ёш” миқдорий белгисига кўра даражаланиш ҳолати кўзга ташланади, яъни ўсимликнинг энг ёши – ниҳол бўлса, унинг ўсиб, улғайган шакли дарахт саналади. Худди шундай фикрни *нинни*, *чақалоқ*, *гўдак*, *бола* НБлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Лекин бу НБлар орасида “ёш” миқдорий белгиси жиҳатидан фарқ унчалик катта эмас, яъни *нинни* ҳам, *гўдак* ҳам, *чақалоқ* ҳам, *бола* ҳам бешикдаги кичик ёшдаги бола, фақат охирги

лексемада “ёш” миқдорий белгиси бироз нейтрал хусусиятга эгадир.

Худди шундай даражаланиш муносабатини *бузоқ – тана – гунажин – сигир* НБлари орасида ҳам кўриш мумкин. Бу даражаланиш ҳолати лексемаларга луғатларда берилган изоҳларга ҳам яққол кўзга ташланади:

БУЗОҚ – бу НБ “сигирнинг боласи” деган маънони билдиради [ЎТИЛ, 1, 146]: *Ола бузоқ; Яхши бузоқ икки онани эмади* [Мақол]; *Тиррақи бузоқ подани булгатади* (Мақол); *Подадан адашган бузоққа ўхшаб, дуч келган эшикка бошингни тикаверасанми?* [Ойбек. Қутлуғ қон] кабилар.

ТАНА – бу НБ “бир-икки ёшли урғочи бузоқ” маъносини билдиради [ЎТИЛ, II, 116]: *Тана боқмоқ* кабилар.

ГУНАЖИН – бу НБ “икки ёшдан ошган урғочи бузоқ” маъносини билдиради [ЎТИЛ, II, 665]: *Мулла Обиднинг тана боқиб гунажин қилиш, гунажинни қочириб сигирга айлантириш усули жамоага икки ёқлама фойда етказади* [А.Қодирий. Обид кетмон] кабилар.

СИГИР – бу НБ “урғочи қорамол” маъносини билдиради [ЎТИЛ, II, 42]: *Говмиш сигир; Сигир соғмоқ* кабилар.

Юқорида келтирилган *бузоқ – тана – гунажин – сигир* НБлари орасидаги даражаланишда ҳам “ёш” миқдорий белгиси мавжуд, бу НБлар орасида фақат “бузоқ” лексемасида миқдорий белги умумийроқ хусусиятга эга. Таҳлил қилинган *бузоқ – тана –*

ғунажсин – сигир НБлари орасида уларни бирлаштирувчи интеграл сема “урғочи” семасидир.

Биз таҳлил қилган *ниҳол – кўчат – дарахт; нинни – чақалоқ – гўдак – бола; бузоқ – тана – ғунажсин – сигир* каби НБлар тизимида мавжуд градуал муносабатлар ғайрилисоний (экстралингвистик) асоснинг инъикосидир.

Бундан ташқари градуонимик луғавий қаторларни ажратишнинг соф лисоний асослари ҳам мавжуд. Луғавий даражаланишнинг соф лисоний асослари қуйидаги икки омил билан бевосита боғлиқдир: а) маъновий омил; б) сўзлараро парадигматик муносабатлар омили.

Луғавий градуонимик қаторларни ажратишда маъновий омилнинг моҳияти шунда кўринадики, бир қатор НБлардаги аташ-номлаш семалари таркибида микдорга – маълум бир белгининг оз-кўплиги, турли хил даражаларга ишора мавжуд бўлади. Масалан, *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБлари маъноларининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги изоҳларни қиёслаш орқали бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин:

ДАРЧА – бу НБ “илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки кўш табақали эшик” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 212]: *Дарчаси берк бўлганидан уй ичи қоронгироқ эди* [Ойбек. Қутлуғ қон]; *Дарвоза... ёнида кичкина дарчасига сарғимтил қоғоз ёпиштирилган хужра бор* [Ҳ.Ғулом. Машғал] кабилар.

ЭШИК – бу НБ “уй, хона, бино ёуи ҳовлининг кираверишида ўрнатилган очиб-ёпиб туриладиган мослама” маъносини

билдиради [ЎТИЛ, П, 457]: *Ўймакор эшик; Кабинет эшиги; Кўча эшиги; Ҳовли эшиги; Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан* [Мақол]; *Богча эшигини очиб қўяман, бамайлихотир. Куёвни бўлса узоқ бир жойга жўнатдим* [Ҳамза. Майсаранинг иши] кабилар.

ДАРВОЗА – бу НБ “ҳовли, кўрғон, қалъа, завод ва шу кабиларга кириладиган, очилиб ёпиладиган катта эшик, қопқа” маъносини ифодалайди [ЎТИЛ, 1, 209]: *Тахта дарвоза; Темир дарвоза; Ҳасанали ўрнини... ёзиб, дарвозани занжирлаб келди* [А.Қодирий. Ўтган кунлар]; *Дарвозанинг бир табақаси очиқ эди* [Ойбек. Қутлуғ қон] кабилар.

ҚОПҚА – бу НБ эскирган, қўлланиш доираси чегараланган бўлиб, “дарвоза” маъносини билдиради [ЎТИЛ, П, 599]: *Шаҳар қопқаси; Ўзингни камситма, Тошкентнинг ўн икки қопқасига борилса, кимнинг ери – Қурбонҳожининг ери-ку!* [Ойбек. Қутлуғ қон] кабилар.

Келтирилган *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБларининг лисоний изоҳларида аташ, номлаш семалари таркибида миқдорий кўрсаткичларга, хусусиятларга ишора қилувчи семалар, таркибий қисмлар яққол кўзга ташланиб турибди. Жумладан, *дарча* НБи тавсифида *кичкина ва эшикча* сўзлари, *дарвоза ва қопқа* НБлари изоҳида эса *катта* сўзи худди шундай хусусиятларга ишора қилиб келмоқда.

Шундай қилиб, *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБларининг маъно таркибидаги миқдорий семаларни қуйидагича даражаланиш қаторига жойлаштириш мумкин:

“к а т т а л и к”

-1	0	+1	+2
д а р ч а	э ш и к	д а р в о з а	қ о п қ а

(эск.)

Бундан кўринадики, НБларнинг денотатив маъносида даражаланувчи белги хилма-хил ва ранг-баранг хусусиятга эгадир. Лисоний градуонимик луғавий қаторларни (гуруҳларни) ажратиш учун маъновий омил ўзаро яқин тушунчаларни ифодаловчи НБлар сирасида бу қатордаги ҳар бир НЛда маълум бир белгининг турлича даражаланишига (миқдорнинг оз-кўплигига) ишора мавжудлигида намоён бўлади. Градуонимик қаторларни ажратишнинг соф соф лисоний таянч нуқтасининг икки омилидан биринчиси – маъновий омилнинг ўзиёқ градуонимик (даражаланиш) муносабатлари билан боғланган НБларни алоҳида лисоний бирлик (қаторлар, ЛСГ, ЛМГ)ларга бирлаштириш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, луғавий даражаланишнинг иккинчи соф лисоний асоси сўзлараро парадигматик муносабатлар омилидир. Маълумки, Ф.де Соссюр лисоний микросистема ва умуман лисоний бирликлар орасидаги парадигматик (ассоциатив, бир-бирини эслатиб туриш, ўхшашлик) муносабатларини лисоний бирликлар, жумладан НБлар учун энг асосий муносабат сифатида баҳолаган эди. Ф.де Соссюр талимотига мувофиқ бир парадигма таркибига кирадиган бирликлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: а) парадигмадаги бирор бирлик эсланганда, шу

парадигмага кирувчи бошқа аъзолар (бирликлар) ҳам хотирланиши (эсга олиниси) зарур; б) ҳар бир конкрет нутқ шароитида ўзаро парадигматик муносабатларда турган бирликлардан, яъни парадигма аъзоларидан, биттаси танланади; в) бир парадигманинг аъзолари ўзаро ўхшашлик билан бирга ҳар бир аъзо иккинчисидан қайсидир бир белгиси билан фарқланиб туради; г) парадигма аъзолари нутқда бир мавқеда кела олиб, бир-бирини маълум ҳолатларда алмаштира олиши, ўрнини эгаллаши мумкин [цитата қуйидаги асардан олинди: 11, 24-25].

Лисоний парадигмага ва унинг аъзоларига нисбатан Ф.де Соссюр томонидан қўйилган бу талаблар кейинги бир аср мобайнида деярли ўзгаришсиз сақланиб келмоқда:

1. Парадигма аъзоларининг бир-бирини эслатиб туриши.

Юқорида биз таҳлил қилган *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБлари қаторидаги аъзолар истиқомат, яшаш, туриш учун мўлжаллаб тўсилган, бир муҳитни иккинчи муҳит билан боғлаб турувчи ёриқ, мослама тушунчаси атрофида бирлашади. Мана шу ёриқ ёки мослама тилимизда *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБлари маъновий томонининг асоси билан боғланади. Биз ҳеч қачон дарчани эшик билан, эшикни дарвоза билан адаштира олмаймиз, лекин шу билан бирга бу НБларнинг маъно томонини бирини иккинчисисиз тасаввур эта олмаймиз.

2. Парадигма аъзоларидан нутқда бирини танлаш. Вокеликда яшаш, истиқомат қилиш учун мўлжаллаб тўсилган, муҳитни бошқа бир муҳит билан боғлаб турувчи ўйиқ, мосламага нисбатан *дарча –*

эшик – дарвоза – қопқа НБларидан муайян нутқ шароитида исталган бири, фақат биттаси қўлланилиши мумкин. Чунки маълум бир шароитда биз “Бу эшик” десак, шу НБ билан аталадиган нарсанинг дарча ёки дарвоза эмаслигига ҳам ишора қилган бўламиз.

3. Парадигма аъзоларининг ўхшашлик билан бирга, хусусий фарқларга эга бўлиши. Юқорида кўриб ўтилганлар асосида айта оламизки, *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБларидан ҳар бири умумий ўхшашликка эга (ўйиқ ва мослама), лекин шу билан бирга бу қатордаги ҳар бир НБ ўз хусусий маъновий фарқига эга, яъни *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБларидан ҳар бири қолганларини инкор қилади ва хусусий маъноси билан қолган НБлардан ажралиб туради. *Д а р ч а* НБда бу хусусий маъно “эшикдан кичикроқ” семаси билан белгиланса, *д а р в о з а* НБда “эшикдан каттароқ”лик семаси билан, *э ш и к* НБда эса “дарчадан каттароқ”, “дарвозадан кичикроқ” семаси билан, *қ о п қ а* сўзида “эскилик бўёғига эга, дарвозага тенг” семаси билан белгиланади. Агар *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБларини “ўйиқ ва мослама” маъноси умумий қаторга бирлаштирса, “нимадандир кичик ёки катта” хусусий белгилари уларнинг ҳар бирини бошқаларидан фарқлаб ажратиб туради.

4. Парадигма аъзоларининг нутқда бир хил мавкени эгаллай олиши. *Дарча – эшик – дарвоза* НБларидан истаган бирининг нутқий ҳосилаларда бир хил мавқега эга бўлишини қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди:

Д а р ч а

Э ш и к қурилди.

Д а р в о з а

д а р ч а

Б и з э ш и к ни очдик / ёпдик / кўрдик.

д а р в о з а

Юқоридаги таҳлиллар асосида шундай хулосага келиш мумкин: градуонимик луғавий қаторлардаги сўзлараро муносабатлар Ф.де Соссюр ва унинг издошлари лисоний парадигма аъзолари олдига қўядиган муносабат турларининг барча асосий кўринишлари талабларига жавоб беради ва шу асосда градуонимик луғавий қаторларни лисоний парадигмаларнинг бир кўриниши сифатида ажратишга тўла-тўқис асослар мавжуд.

Шу билан бирга фақат луғавий парадигмаларга хос бўлган хусусиятлар ҳам мавжуд: а) луғавий парадигмаларнинг битта етакчи сўз (доминанта) атрофида бирлашиши; б) луғавий парадигманинг очиклиги; в) луғавий парадигманинг бошқа каттароқ парадигмалар таркибига етакчи сўзи билангина киришиши; г) луғавий парадигмадаги қуршов сўзларининг осонликча ўзгариши кабилар:

1.Луғавий парадигманинг бир етакчи сўз (доминанта) атрофида бирлашиши. Системавий тилшуносликда луғавий парадигмаларни ажратишда етакчи сўз (доминанта ёки нейтрал сўз) катта аҳамият касб этади. Луғавий парадигмада етакчи сўз шу луғавий микросистеманинг маркази, ядросини ташкил этади.

Градуонимик луғавий парадигма ҳам етакчи сўз (доминанта) атрофида бирлашади. Юқоридаги мисолимизда етакчи лексема сифатида “э ш и к” НЛси ажралиб туради. Шунинг учун “д а р ч а” ва “д а р в о з а” НБларининг маъноси эшик НБига нисбатан очилади. Бунда қуршов сўзлар маъносини етакчи НБ маъносини мураккаблаштириш орқали қуйидагича шарҳлаш мумкин:

д а р ч а = э ш и к + кичиклик

д а р в о з а = э ш и к + катталик

қ о п қ а = дарвоза + эскилик бўёғига эгалик кабилар.

2. Луғавий парадигманинг очиклиги. Градуонимик луғавий қаторларда бирлашадиган НБлар миқдори ҳар бир шахс учун нисбатан хусусий бўлиб, шахснинг тил билими, касб-кори, ижтимоий фаолияти билан боғлиқдир. Ҳар бир градуонимик луғавий қатор таркибига кирувчи НБлар миқдори ўзгариб туради. Масалан, ҳаво оқимининг кучайиб бориши семасига кўра қуйидаги НБлар бир градуонимик қаторни ташкил этади: *елвизак – шабада – шамол – бўрон – довул – тўфон*. Бу градуонимик қатор яқинда Индонезия юз берган офат туфайли *цунами* НБи билан кенгайди, чунки *цунами* “денгиз ости, сув ости вулкони, тўфони” деган маънони ифодалайди: Индонезияда юз берган табиий офат – цунамидан зарар кўрганлар сони юз мингдан ошиб кетди [Ўзб. овози, 14.03.05 й.] кабилар. Ёки биологик ҳолат ёки белги семасида “одам, инсон” НБлари қуйидаги мураккаб градуонимик қаторни ҳосил қилади:

қиз-хотин-кампир

одам: чақалоқ – гўдак – бола - қария,
нуроний.

ўғил-йигит -эркак-чол

Бу градуонимик қатор кейинги йилларда *фахрийлар, пиру-бадавлат онахонлар, отахонлар* каби НБлар ҳисобига кенгайди.

3. Луғавий парадигмадан фақат етакчи сўзнинг шу парадигмадан каттароқ лисоний бутунликлар таркибига кириши. ЛМГдаги ҳар бир гипоним (уй, кулба, хона каби) ўз градуонимик қаторига эга бўлиши мумкин, лекин бу НБлар гипонимик ЛМГ таркибига бевосита крмайди. Масалан, *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБлар қаторидан “уй” (яшашга мўлжаллаб тўсилган муҳит) партонимик (бутун-бўлак) ЛМГ таркибига фақат *эшик* НБи киради, холос. У й лексемаси мансуб партонимик қаторни санар эканмиз, қуйидаги НБларни инобатга оламиз:

т о м

ш и ф т

д е в о р

у й

э ш и к

д е р а з а

Бундан кўринадики, *дарча – эшик – дарвоза – қопқа* НБларидан етакчи НБ – *э ш и к* лексемасигина бу градуонимик қатордан каттароқ бўлган партонимик ЛМГ таркибига киради.

4. Қуршов сўзларининг нисбатан барқарорлиги. “Билим бериш савияси” даражасига кўра бир градуонимик қаторни ташкил қилган *ўқитувчи – катта ўқитувчи – доцент – профессор* НБларини

таҳлил қиладиган бўлсак, *доцент, профессор* НБлари ҳамма ҳам таниш эмас. Бу градуонимик қаторга булардан ташқари яна *муаллим – устоз – домла* каби янги НБлар қўшилиши, *м у д а р р и с* сингари баъзи НБлар туширилиши мумкин. Буларнинг барчаси градуонимик луғавий қатордаги қуршов сўзларининг барқарорлигидан далолат беради. Демак, ҳар қандай лисоний парадигма учун хос бўлган тўрттала хусусият ҳам, луғавий парадигмалар учун хос бўлган тўрт қўшимча хислат ҳам градуонимик луғавий қаторлар учун характерлидир. Буларнинг барчаси градуонимик муносабатлар луғавий парадигмаларнинг алоҳида бир кўриниши – луғавий парадигмалар ҳосил қилади, деган хулоса чиқаришга тўла асос бўлади. Бу эса тилшуносликда шу кунгача ажратиб келинган маъновий луғавий парадигмаларнинг синонимик, гипонимик, антонимик каби турлари яна бир кўриниш – градуонимик парадигмалар билан бойитиш лозим, деган хулосага олиб келади [90, 14-15].

Шундай қилиб, НБларнинг маъно компонентлари юзасидан юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. НБларнинг маъно компонентлари таркибига интеграл (умумий) ва дифференциал (фарқловчи) семалар ҳам киради. Бу семаларнинг бири яхлит ЛСГ таркибига кирувчи НБларни бир умумий нуқтага, марказга бирлаштиришга хизмат қилса, кейингиси улар ўртасидаги хусусий ҳолатларни таъкидлаб кўрсатади. Жумладан, *тоға – жиян – почча; амма – хола – сингил – она*

НБларининг барчаси учун умумий интеграл сема – “қавм-қариндошлик” бўлса, уларнинг биринчи гуруҳи билан кейинги гуруҳи бир-биридан “эркак қариндошлар” ва “аёл қариндошлар” каби дифференциал семаларига кўра ўзаро фарқланади.

2. НБлар таркибида денотатив (аташ) ва коннотатив (ифода) семалари ҳам мавжуд. Масалан, денотатив семалар аташ семалари бўлиб, борлиқдаги нарсა-буюм, белги-хусусият, миқдор қабиларни атовчи, номловчи семалар саналади. Масалан, *ота, она, ака, опа* НБларининг аташ (денотатив) семаларини қуйидагича ажратиш мумкин: а) “қариндош”, б) “қон-қариндош”, в) “бевосита мендан катта”. Бу уч денотатив сема ҳар тўрттала НБ семемалари учун умумийдир. НБларнинг ифода (коннотатив) семалари дейилганда уларнинг аташ семаларидан ташқари турли қўшимча маъноларни англатувчи семалар инобатга олинади.

3. НБлар ўзаро градуонимик (даражаланиш) муносабатига ҳам киришади. Луғавий даражаланиш лексемаларнинг семантик қурилишларига хос бўлиб, бунда ҳар бир мустақил семема таркибида бир турдаги белгининг озлик ёки кўплик ҳолатини акс эттирувчи умумий сема мавжуд бўлади. Аслида ана шу сема алоқадор бўлган белгининг икки ёки ундан ортиқ лексемаларга хослигидан луғавий бирликларнинг даражаланиш (градуонимик) қатори юзага келади. Луғавий градуонимиянинг ўзига хослигини НБларнинг семантик белгилари келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтганда, лексик градуонимия НБларнинг маъно компонентлари таркибида мавжуд денотатив ва коннотатив семаларга таяниб иш

кўради. Денотатив ва коннотатив семалар эса НБларнинг семантик турларида ҳар хил ўзгаришларда гавдаланади. Бундай ўзгаришлар, айниқса, ҳолат билдирувчи сифат лексема (СЛ)ларда яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ишимизнинг кейинги боби ўзбек тилидаги ҳолат билдирувчи СЛларнинг маъно таркибини таҳлил қилишга бағишланади.

Т Ў Р Т И Н Ч И Б О Б

ҲОЛАТ БИЛДИРУВЧИ СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ МАЪНО ТАРКИБИ МАСАЛАЛАРИ¹

Ҳар қандай тилда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам ҳар бир сўз бошқа сўзларга нисбатан алоҳида, мустақил бирлик сифатида намоён бўлади. Тилнинг луғат бойлигини система (тизим) сифатида ўрганиш эса сўзни алоҳида бирлик сифатида эмас, балки бутуннинг ўзаро боғлиқ, ажралмас қисми сифатида ўрганишни талаб қилади. НБларнинг бундай таҳлил усулини 1896 йилда акад. М.М.Покровский томонидан таклиф этилган эди. Кейинчалик бу назария билан Г.Ипсен ва В.Порциг каби ҳорижий олимлар ҳам жиддий шуғулландилар.

Семасиологик изланишларда сўзлар муайян лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)ларга ажратилади. Бунда сўзларнинг маъноси билан бир қаторда уларнинг структурал-этимологик хусусиятлари, бошқа сўзлар билан бирикувчанлик имкониятлари ҳам инобатга олинади.

Ҳар бир ЛСГ таркибига кирувчи сўзлар бир марказий (ядро) сўз атрофига бирлашади. Бошқа сўзларда эса ана шу марказий (доминант) сўз маъноси янада конкретлашади, унинг дифференциал ва интеграл семаларига аниқликлар киритилади. Ўзбек тилшунослигида сўзларни ана шундай усулда компонент (узвий) таҳлил қилишга Ш.Раҳматуллаев, И.Қўчқортоев, Р.Расулов, И.Абдурахмонов, Р.Юнусов, М.Нарзиева, М.Нишонова каби қатор олимлар муносиб ҳисса қўшганлар. Аммо Ҳ.Неъматов ва Р.Расулов

¹ Ишнинг бу қисми З.Пардаев ва Ш.Раҳматовалар билан ҳамкорликда ёзилди.

тўғри таъкидлаганларидек, «ўзбек тили лексемаларининг мазмун гуруҳлари (ёки ЛСГлар) систем усулда етарлича ўрганилмаган. Фақат нутқ феъллари И.Қўчқортоев тадқиқотларида, ҳолат феъллари Р.Расулов ишларида, қавм-қариндошлик номлари М.Нарзиева, баҳолаш сифатлари С.Ғиёсов, ҳайвон номлари Р.Сафарова, тана аъзолари номлари Б.Жўраев, кўлам сифатлари И.Абдурахмонов изланишларида замонавий усулларда таҳлил этилди. Аммо ЛСГларни ажратиш назарияси ўзбек тилшунослигида ҳали тўла ишлаб чиқилмаган» [55, 112]. Биз ишимизнинг мазкур бобида ана шу фикрдан келиб чиқиб ўзбек тилида кенг тарқалган ЛСГлардан бири - ҳолатни ифодаловчи сифат лексема (СЛ)ларнинг маъно таркибини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Маълумки, табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳар хил ўзгаришлар, ҳаётдаги турли хил инсоний муносабатлар киши характериға, унинг руҳиятиға таъсир этмай қолмайди. Ана шу ташқи таъсир киши руҳиятида ҳар хил ҳолатнинг вужудға келиши учун замин ҳозирлайди. Инсон руҳияти жуда серқирра бўлиб, у шодлик, ғазаб, хафалик, лоқайдлик каби турли ҳолатлар мажмуи саналади. Шундан келиб чиқиб, тилимиздаги руҳий ҳолат ифодаловчи СЛларни бир қатор турларға ажратиш мумкин. Филология фанлари доктори Ш.Искандарова ҳамкорликда яратилган «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» (морфология, 2001) номли асарда ҳолат билдирувчи СЛларда инсон, ҳайвон ва жонсиз предметларға хос қуйидаги белгилар, ҳолатлар мавжудлигини таъкидлайди: а) табиий ҳолат белгиси: *чаққон*,

мўмин, гўзал, дадил ; б) жисмоний ҳолат белгиси: кучли, паҳлавон, чандаст, алиқомат, нимжон; в) руҳий ҳолат белгиси: хурсанд, тажанг, ғамгин, аламдийда, қўрқмас; г) иқтисодий ҳолат белгиси: бадавлат, бой, қашшоқ, гадо, камбағал; д) тозалик белгиси: озода, соф, кир, исқирт, мусаффо; е) ҳарорат белгиси: иссиқ, совуқ, салқин, илиқ, қайноқ; ё) тинч-нотинчлик белгиси: сокин, тинч, осуда, осойишта, безовта; ж) пишиқлик белгиси: хом, гўр, пишиқ, пухта, омонат; з) сиртки қисм белгиси: силлиқ, ғадир-будир, ғижим, текис, теп-текис [58, 63-67].

Биз эса ўз ишимизда ўзбек тилидаги ҳолат билдирувчи СЛларнинг маъно таркибини қуйидагича 9 ЛСГга ажратиб таҳлил қилишни лозим топдик:

1. Хурсандлик ҳолатини ифодаловчи сифат лексемалар.

Бундай сифатлар киши руҳиятидаги даврий ёки оний лаҳзаларни, муайян бир ҳаракат ёки ҳолатдан мамнунликни турли шаклларда акс эттиради. Бундай сифатларнинг барчаси семантик жиҳатдан бир нуқтага, ЛСГга бирлашади: *хурсанд, мамнун, хушхол, хушнуд, хуррам, қувноқ, шодмон, шод, хушчақчақ, масрур* каби СЛлар шулар жумласидандир. Хурсандлик ифодаловчи бундай СЛлар орасида «хурсанд» лексемаси услубий жиҳатдан бетараф бўлиб, ядро (доминант) лексема саналади, унинг доминантлик хусусияти «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да ҳам таъкидлаб кўрсатилган [ЎТСИЛ, 308]. Бу лексема оғзаки ва ёзма нутқда, адабий тилнинг турли вазифавий услубларида кенг қўлланади: Мендан **хурсанд** ҳамма кўнгилдан / Агроном қиз,- дейди барчаси

(У.Носир); *Хамма хурсанд, негадир / Хурсанд бўлмади Қодир* (Э.Воҳидов).

Р.Жабборова ва С.Ғиёсов ўз ишларида хурсандлик ҳолатини ифодаловчи *хурсанд* ва *шод* лексемаларининг семалар таркибини қуйидагича белгилаган эди (биз ишдаги символикани келтирмай, уни сўз билан ифодалашга интилдик):

Хурсанд – баҳо + ижобий + жонли предмет номлари билан бирикади+ эмоционаллик англатади + белги даражасини ифодалашни нейтрал+белги даражасини катта (кучайтириб) ифодалашни жиҳатидан нейтрал + белги даражасини энг катта (кучайтириб) ифодалашни жиҳатдан нейтрал+ стилистик бўёғи жиҳатдан нейтрал;

Шод – баҳо + ижобий + жонли предмет номлари билан бирикади + жонсиз предмет номлари билан бирикиш хусусияти ҳам бор + эмоционаллик англатади + белги даражасини катта (кучайтириб) ифодалайди + экспрессив [24, 68-72].

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, юқоридаги таснифда «жонли (одушевленный) предмет ва унинг номи – жонсиз (неодушевленный) предмет ва унинг номи» деб гуруҳлаш воқеликни англаш, билиш ва шунга кўра тил ҳодисаларини таснифлаш нуқталаридан бири сифатида, масалан, руслар учун, рус тили учун мутлақо тўғри ва зарур. Лекин Шарқда, шу жумладан ўзбекларда бу ҳолатни «киши - нарса» деб гуруҳлаш лозим, деган фикрдамиз.

Умуман, «руҳий ҳолат» дейишнинг ўзидан бундай сифатлар «кишига аталган» белгисига, хусусиятига эга эканлиги тушунилади. Агар «руҳий ҳолат» белгиси конкретлаштирилса, «кайфият» семаси ҳақида гапириш мумкин бўлади. Кишидаги кайфият эса, одатда, эмоция билан белгиланади. Киши организмнинг турли-туман омилларга эмоционал реакцияси ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, руҳий ҳолат ифодаловчи СЛларнинг семантик структураси таҳлилида «эмоциянинг ижобий-салбийлиги» семасини ҳам ажратиш зарур. Эмоционал реакция киши организми ҳолати билан боғлиқ ҳолда чуқур ёки енгил-елпи бўлиши ҳам мумкин. Шунга асосланиб, СЛлар таҳлилида «эмоциянинг кучли-кучсиз даражада кечиши» семаси ҳам ажратилади. Эмоция, одатда, инсон организмида узоқ давом этмайди, ана шу асосда биз ўрганаётган СЛлар семантик структурасида «маълум муддат давом этиш» семаси ҳам ажратилади.

Шундай қилиб, руҳий ҳолат ифодаловчи СЛларнинг семантик структураси «кайфият», «эмоциянинг ижобий-салбийлиги», «эмоциянинг кучли-кучсиз даражада кечиши», «муддат» семалари асосида таркиб топади, бунда услубий сема – «ижобий-салбий муносабат» семаси алоҳида ҳисобга олингани маъқул. Энди ана шу тамойилларга асосланиб руҳий ҳолат ифодаловчи СЛларнинг маъно таркиби таҳлилини давом эттирамиз.

Маълумки, поэтик нутқда инсон кайфиятининг, руҳий ҳолатининг яхши эканлигини кўрсатувчи *мамнун*, *хушхол* каби

СЛлар ҳам фаол қўлланишдадир: *Манглайин ўпарлар, ўпарлар пойин / У эса кулади мамнун ва хушхол (Муҳаммад Али); Шовиллади тун бўйи шамол / Қалдирғочлар қучди ларзакор / Шивирладинг ёнимда хуш хол / «Яна келди, дўстгинам, баҳор» (А.Орипов).*

Келтирилган дастлабки мисолда инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи икки СЛ қатнашган бўлиб, улар мазмунан бир нарсадан мамнунлик, шодлик маъноларини ифодалаб келмоқда. Лекин *хушхол* сўзида белги даражаси *мамнун* сўзига нисбатан бирмунча кучлироқ шаклда ифодаланган.

Поэтик нутқда кишининг хурсандлик руҳий ҳолатини ифодалашда *хушнуд*, *чоғ* сўзлари ҳам фаол қўлланади: *Барча хушнуд, диллар чоғ эди / Товус каби айлаб хиромон / Рақсга тушиди бир гўзал жонон (Э.Воҳидов);*

Лекин қаришнгизда фожиа эмас /Хушнуд одамларнинг сурати турар (А.Орипов); Барча хуррам, фақат унда ғам / Оппоқ рўмол бошида / Сувга чиқди бир дилрабо қиз (Э.Воҳидов).

Шунингдек, тўпланган мисоллар *шод*, *хуррам*, *қувноқ*, *хушчақчақ*, *масрур* каби кўпгина СЛларнинг хурсандлик руҳий ҳолатини турли даражада ифодалашга хизмат қилишини кўрсатади. *Шод* ва *хуррам* сўзларининг ёнма-ён келиши маънони янада кучайтиришга хизмат қилади: *Қора сочин / Ёйганда оқшом.../ Бугун хуррам, шод / Бутун қишлоқ сайилгоҳ бугун (Э.Воҳидов); «Бу сув қишлоқнинг бутун дард-фалокатини, бутун қашшоқлигини ювиб*

кетаётгандай ҳамма **шод-хуррам**, ҳамма аҳил, орада ўтган паст-баланд гаплар унутилган эди» (А.Қаҳҳор).

Шуни таъкидлаш лозимки, **шод** сўзига нисбатан **қувноқ** сўзида ижобий ҳолат семаси анча кучли, **қувноқ** сўзининг маъно кўлами хурсандликни ифодаловчи бошқа СЛларга нисбатан анча кенгдир. Қайд этиб ўтилган кўпгина СЛларда киши руҳиятидаги хурсандликнинг вақт билан боғлиқ маълум бир ҳолатлари ифодаланса, **қувноқ** лексемасида давомийликнинг мавжудлиги сезилади, яъни хафагарчиликдан узоқ, доимий равишда хурсанд бўлиб юрувчи семалари англашилади: «Ўзбек ойимники тўғри,- деди Моҳира ойим,- Зайнаб **қувноқ**, Кумуш эса менинг кўзимга ҳам серфикрга ўхшаб кўринадирлар...» (А.Қодирий).

Шодмон, **хушчақчақ** сўзлари ҳам хурсандлик ҳолатини ифодалашга хизмат қилади: *Севилган қалб – Ёғдули осмонга ўхшайди / Осмон каби / ҳаволар ичра / Шодмон яшайди* (М.Али); *Сен дилбар қиз эдинг, хушчақчақ, лобар / Топдингми, ўзингга муносиб бир ёр?* (М.Али).

Аслида арабча, эски, китобий характерга эга бўлган **масрур** сифат лексемаси [ЎТИЛ, 1, 450] ҳам поэтик нутқда хурсандлик руҳий ҳолатини ифодалашга маълум даражада хизмат қилади: *Тонг нурлари ювар экан / Юзини мағрур / қиз ўсаркан ташвиш нима – Билмасдан, масрур* (Шухрат); *Хоксор ётар мағлуб шери нар / Букчайганча ётар кетмон ҳам / Тоғ бошида бўйра ярқирар / «Хи-хи» қилар масрур Ёсуман...* (М.Али).

Поэтик нутқда баъзан хурсандлик руҳий ҳолатини ифодаловчи СЛлар фақат кишиларга нисбатан эмас, балки предмет ва мавҳум тушунчаларни ифодаловчи отларга нисбатан ҳам қўлланилиши кузатилади: *Қарангки, қуёш ҳам шодон ва гўлгун / Меҳнаткаш йигитдай кулиб турибди (Э.Воҳидов); Бу гўзаллик, қувноқ ҳаётни / Қалбинг билан сезасан бироқ (Шукрулло).*

Баъзан поэтик нутқда хурсандлик руҳий ҳолати инсонга тегишли бўлган нарса ва предметларни сифатлаш орқали ҳам ифодаланади: *Рубобим тори иккидур: / Бири қувноқ, бири маҳзун / Ки байтим сатри иккидур: Бири дилхуш, бири дилхун (Э.Воҳидов).*

2. Хафалик ҳолатини ифодаловчи сифат лексемалар.

Бундай СЛлар ҳам тилимизда кенг тарқалган бўлиб, улар қаторига *ғамгин, дилгир, хафа, хомуш, маъюс, гирён, хунибийрон, дилтанг* кабилар киради. Бу ЛСГ таркибига кирувчи лексемаларнинг қўлланишида фарқли ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, *хафа, ғамгин, хомуш, дилгир* каби СЛларнинг белгини ифодалаш даражаси бир хил бўлса, *хафа, ғамгин, хомуш* сўзлари кишининг юз-кўзидан ифодаланиб турадиган ғамгинлик ҳолатини билдиришга хизмат қилади, *ғам* лексемаси эса инсоннинг ички кечинмалари, руҳий изтироблари билан боғлиқ ҳолатни акс эттиради: *Нимадан кўнглинг ғам, нимада дардинг / Ҳой кичик қишлоқнинг жажжжи боласи? (М.Али).*

Бадий услубда қўлланувчи, кишининг руҳий ҳолатини юксак кўтаринки шаклда ифодалашга хизмат қиладиган *ғамнок* лексемаси ҳам хафаликни ифодаловчи ЛСГ таркибига киради: *Йиғла... Дув*

*тўкилсин ватанинг учун /**Ғамнок** жоду кўзларингдан нур (Шуҳрат); Куртакни уйғотиб сўйлади **гамнок**... / Гуллар гунчасини этди чок-чок (Зулфия).*

Шу ЛСГ таркибига кирувчи *маъюс* сўзида белги даражаси анча кучли бўлиб, у инсоннинг умидсизликка тушган, тушкун ҳолатини ифодалайди: *Ҳашарчи қўшни қиз унинг севгани / **Маъюс** босар эди орқамдан одим (Ғ.Ғулом); «Замира ҳали ҳам девор зиҳидаги креслода ўтирибди, кўзлари бир нуқтага тикилган... унинг қиёфаси ҳозир Очилга беозор ва **маъюс** кўринади» (П.Қодиров. Уч илдиз). Бу лексема айрим ҳолларда мавҳум тушунчаларга нисбатан ҳам қўлланади: **Оппоқ кечаларда мурғак дил аро / Рўёбга чиқмоғин кутган орзулар / Бугун барг ёздиму ям-яшил ва ё / **Маъюс** хотирага айланди улар? (М.Али.)***

Шу ЛСГ таркибига кирувчи, форс-тожик тилидан ўзлашган *дилтанг* лексемаси [ЎТИЛ, 1, 226] инсоннинг хафалик ҳолати жуда кучли даражада эканлигини, юраги сиқилган ҳолатини билдиради: *Жўнар бўлдим мен бундан **дилтанг** / Йўлларимга қараб қолдинг сен (А.Орипов).*

Маълумки, кўз ёши тўкиш инсоннинг ортиқ даражада хафа эканлигини тўғридан-тўғри ифодалайдиган ҳаракатдир. Инсоннинг ана шу кўз ёши тўкиш, йиғлаш ҳолати тилимизда *гирён* СЛси орқали ҳам ифодаланади. Форсча-тожикча бу лексема [ЎТИЛ, 1, 192] бироз эскирган, архаик характерга эга бўлиб, асосан поэтик нутққа хослангандир: *Мен унинг ортидан югурдим **гирён**/ Ногоҳ айрилиқдан кўзларим ёшлаб (А.Орипов).*

Шунингдек, поэтик нутқда кишининг ниҳоятда қаттиқ азоб чекканлиги, қаттиқ руҳий изтиробда эканлиги *хунибийрон* СЛси орқали ифодаланади: *Нега қошлари чимирилган? / Нега йиғлар у хунибийрон? (У.Носир); Хунибийрон бўлди гул Шахло / Неки бўлса, уни юпатдим (Т.Тўла).*

Поэтик нутқда *паришон*, *паришонҳол* сўзлари ҳам кишининг руҳий ҳолатини кўрсатиш мақсадида қўлланади. *Паришон* сўзи аслида хаёлга нисбатан ишлатилиб, ҳар томонга сочилган, тўзғиган, тартибсиз, тарқоқ каби маъноларни билдиради [ЎТИЛ, 1, 574] ва бу лексемани оғзаки ҳамда ёзма нутқда қўллаш орқали кишининг руҳий қиёфаси ёритиб берилади: *Тушим қурсин, кўнглим паришон/ Хаёлимда сен яшаб кетдинг / Юрагимга ишқ ташлаб кетдинг/ Тушим қурсин, кўнглим паришон (У.Носир); Париваи зулмидан бўлди / Кўнгил мулки паришон хол (Э.Воҳидов).*

3. Ғазабли ҳолатни ифодаловчи сифат лексемалар. Бундай ЛСГ қаторига *газабнок*, *кинли*, *даргазаб*, *газабли* кабилар киради. Улар орқали инсоннинг теварак- атрофдаги воқеа-ҳодисалар, предметлар, одамлар хатти-ҳаракатидан норозилиги туфайли юзага келган кучли руҳий ҳолати ифодаланади: *Баъзан ёгаётган ўқлар бамисол / Дудоқларидан кинли сўзлар учган он / Ўйлайсан, ё фалак, бу зоти аёл / Қандай меҳрибону, қандай беомон! (М.Али).*

Келтирилган мисолдаги *кин* (*кинли*) сўзи норозилик, гина маъноларидан ташқари, матнга боғлиқ ҳолда ғазаб маъно семасини ҳам билдириши мумкин.

4. Ижобийлик ёки салбийлик семаси тўғридан-тўғри ифодаланмайдиган ҳолат билдирувчи сифат лексемалар.

Тилимизда *соғ, сергак, ҳушёр, лол, мудроқ, лоқайд* каби СЛлар ҳам руҳий ҳолатни ифодаловчи алоҳида ЛСГ қаторини ташкил этади. Лекин бу лексемалар англатган маъносидан салбийлик ёки ижобийлик семаси тўғридан-тўғри акс этмайди: *Койинаман ўзимдан ўзим / Кезинаман гумон ичра лол...*(М.Али); *Тогдай зил ташвишлар бошга тушса, рост / Биз фақат боқамиз лоқайду мудроқ* (М.Али).

5. Кишининг ҳаётий аҳволи, ҳолатини ифодаловчи сифат лексемалар. Тилимизда кишининг яшаш даражаси, ҳолатини кўрсатувчи *камбағал, фақир, қашшоқ, бечора, гадо, бечораҳол, йўқсил, мискин, етим, мушфиқ, мусофир, бой, бадавлат, давлатманд, зангин* каби бир қатор СЛлар мавжуд. Маълумки, кишиларнинг жамият бойлигидан оладиган улуши, яшаш учун зарур бўлган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиш даражаси уларнинг турмуши ҳар хил бўлишига олиб келади. Инсоннинг моддий бойликлардан қанчалик баҳраманд бўлиши унинг ҳаётий аҳволини кўрсатувчи асосий мезон саналади. Бу ҳолат кишининг ҳаётий аҳволини ифодаловчи сифатлар ЛСГи ёрдамида ифодаланади. Баъзан кишининг ҳаётий аҳволи тўғридан-тўғри эмас, балки нарс ва предметларни тасвирлаш орқали ҳам кўрсатилиши мумкин: *Юргил эркам! Шаҳар бозорин / Ноз-неъматга тўлгани ҳаққи / Ноз-неъматга тўлгани ҳаққи / Сен кирганда бой дўконларнинг/ Қучоқ очиб тургани ҳаққи...* (М.Али).

Келтирилган бу мисолда шоир бой дўконни тасвирлаш орқали кишиларнинг яшаш тарзи жуда яхши, юксак даражада эканлигини таъкидлашга интилган эди. Баъзан бойлик даражасини кўрсатувчи сифат лексемалар муаллиф истагига боғлиқ ҳолда поэтик нутқда тасвирланаётган кишига нисбатан ҳам қўлланади. Масалан: *Бечора / Ғариб бўлиб / Якка / Ул қолган.... / Қарол юриб / Кўп эзилган / Сағир / Ёш умр... (У.Носир).*

Бу мисолда эса инсоннинг моддий жиҳатдан қийналиб, муҳтожликда кун кўраётгани, чорасизликдан боши қотиб қолган ҳолати аниқ ўз аксини топган. Кишининг турмуш даражаси жуда ёмонлиги, камбағаллик билан боғлиқ ҳолатларни ифодалашда шоирнинг ижобий муносабати ҳам бўртиб туради. Бизнинг бу фикримизни қуйидаги шеърий парчада қўлланган *мушфиқ* СЛси ҳам тўла тасдиқлайди: *Мушфиқ она кўз олдида / Ўсиб борар фарзанди... (Э.Воҳидов).*

Бундан кўринадики, бадий нутқда муаллифнинг ўзи баён қилаётган фикрларига, тасвирланаётган шахсга бўлган ижобий ёки салбий муносабати ҳолат билдирувчи сифат лексемалар ёрдамида ифодаланади.

Тилимизда фаол қўлланувчи *бечора*, *боёқиш*, *оғир*, *нотавон*, *шўрлик*, *афтода* каби СЛлар кишининг ночор аҳволда қолганлиги, унга нисбатан ачиниш уйғотиш ҳолатларини ифодалашга восита бўлади: *Оқсоқол афтодаҳол, етмас ўйлаб ўйига / Кўнгли вайрон, қадди дол, қараб бўлмас рўйига.... (Т.Сулаймон); Тобакай бечора олам кўкида / Қонталаш балқади ойлар, офтоблар! (Ғ.Ғулом).*

Келтирилган мисолларда кишининг ачинарли ҳолати *афтодаҳол, бечора* сингари сифат лексемалар орқали ифодаланган бўлиб, бундай ҳолат *шўрлик* лексемасида янада кучлироқ тарзда ўз ифодасини топган: *Арзимас нарсадан чиқариб завго / Шўрлик ўзбек халқин «келажаклари»... (А.Суюн).*

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, *шўрлик* сифат лексемаси кишининг ҳаётий аҳволини ифодалаши нуқтаи назаридан *бечора, боёқши, ўксиз, нотавон, ожиз, афтода* каби сўзлар билан маънодош саналади, бу ҳолат синонимлар луғатида ҳам ўз аксини топган [ЎТСИЛ, 60-61]. Лекин *шўрлик* лексемасида белги даражаси анча кучли. Қуйидаги мисолда *шўрлик* сифат лексемасининг маъно кўлами юқоридагиларга нисбатан маълум даражада торайганлигини, белги семасининг янада конкретлашгани сезилади: *Холдан кетиб шўрлик қиз туни / Ярим карахт мудрар, ярим оч / Усти боши йиртиқ-яланғоч / Кун кечирар, ишлар тинмайин (Ҳ.Олимжон).*

Бу ўринда *шўрлик* СЛсининг якка шахсга нисбатан қўлланиши унда белги маъносининг янада кучайишини таъминлаган. Бадий нутқда, айниқса, поэтик матнларда баъзан *шўрлик* лексемаси юқорида қайд этилган семалардан ташқари омадсизлик, бахтсизлик, толеи пастлик каби семаларни ҳам билдиришга хизмат қилади: *Босган уйни солган бу шўрлик уста / Қаҳ-қаҳ уриб шу кун айрилди ҳушдан (Шукрулло).*

Тилимизда *фақир* сўзи ҳам кишининг ҳаётий ҳолатини кўрсатувчи СЛлардан бири саналади, у моддий жихатдан ночор,

камбағал маъноларини ифодалайди: *Ҳамма ҳар тарафга елибди шу он / Олиб келишибди: бир одам, фақир / Фақир, бечораҳол, озгин ва нимжон... (М.Али).*

Кўринадики, бу ўринда кишининг ҳаётий аҳволи, ҳолати унинг ўзини тутиши, ташқи кўриниши, кийинишини тасвирлаш орқали очиб берилади. Поэтик нутқда бу каби ҳолатларни ифодалашда *хор, хор-зор, юпун, дарбадар, яримжон, оч-яланғоч, етим, гадо* каби СЛлари ҳам кенг қўлланади. Масалан:

Бунда экан қанча хор-зор / Мендек юпун, дарбадар (Э.Воҳидов).

Келтирилган мисолда *хор-зор, юпун, дарбадар* СЛлари ёрдамида кишининг ҳаётда жуда ҳам хўрланиши, усти-боши жуда ҳам хароблиги, муҳтожлик туфайли элма-эл, эшикма-эшик юриб камбағалликда кун кечириши ифодалаб берилган. Кишининг оғир аҳволда яшаши, ота-онасидан ажраб қолиб қийналиб ҳаёт кечириши унга нисбатан *етим* СЛсини қўллаш орқали очиб берилади: *Тур! – дедилар, тур, етимчазот! /Иложим йўқ, тураман бирпас (У.Носир).*

Поэтик нутқда киши ҳаётининг ўтакетган даражада оғирлиги, унинг ўта камбағаллиги *йўқсил, қашшоқ* сифат лексемаларини қўллаш орқали ҳам ифодаланади: *Келма-келма... мен фақир... бечора... йўқсил* бир киши; Мен каби *йўқсил* кишининг ёғдуларда не иши?.. (Чўлпон); *Уфқлардан нарида / Оч, қашшоқ, зор / Бир қишлоқ бор / Қалбим қолган бағрида (Э.Воҳидов).*

Юқорида келтирилган мисолларнинг дастлабкисида иштирок этган **йўқсил** СЛси ҳозирги кун нуқтаи назаридан архаиклашган,

эскирган [ЎТИЛ, 1, 356]. Бу лексема кишининг ҳаётий ҳолатини, камбағаллигини, қашшоқлигини кўрсатувчи восита сифатида ўтган асрнинг 20-30-йилларига қадар тилимизда жуда фаол қўлланган. Бугунги оғзаки ва ёзма нутқда эса бу сўз деярли қўлланмайди. *Қашшоқ* сифат лексемаси эса ўтакетган камбағал, фақир, фақирона маъноларини ифодалаш учун ҳозир ҳам қўлланади: «*Ўйлаб-ўйлаб, Ватан йўлида шаҳид бўлишга, қашшоқ кулбамда ўзимга-ўзим ўт қўйишга қарор бердим*» (Х.Ғулом).

Яримжон СЛси заиф, нимжон, майиб, чалажон каби ҳаётий ҳолатларни, киши аҳволини ифодалаш мумкин. Масалан: *Аммо мулкдан айро / Ватаним жони / Яримжон шу халқим тузалармикан?* (А.Суюн).

Келтирилган мисолда *яримжон* СЛси кишининг соғлиқ даражаси билан бирга, ўзбек халқининг тоталитар тузум давридаги яшаш тарзи, ҳаётий аҳволини ҳам ёрқин тарзда ифодалаб келмоқда. Шоир бу сўзни эпитет сифатида қўллаш орқали пахта далаларида эзилиб меҳнат қилган, соғлигини йўқотган аламзада халқнинг оғир ҳаётини акс эттиришга интиланган эди.

Тилимизда *гадо* СЛси ҳам камбағал, қашшоқ, бечора, фақир, *йўқсил*, *бечораҳол*, *мискин* каби сўзлар билан яхлит ҳолда бир ЛСГни ташкил этади [ЎТСИЛ, 116]. Бу лексема баъзан жой белгиси маъносини ҳам ифодалашга хизмат қилади: *Отим учар (хаёлимда) олдинга доим / Аввал баҳор осмонидек йиғлар гадорим* (У.Носир).

Келтирилган мисолда камбағалликни ифодаловчи *гадо* лексемаси гарчи жой белгиси сифатида қўлланаётган бўлса-да, поэтик матн мазмунидан унинг жой эмас, ўша жойда яшовчи Рим халқининг аянчли ҳаётини акс эттирувчи ёрқин эпитет вазифасини бажараётганини сезиш қийин эмас.

Хуллас, тилимизда кишининг ҳаётий аҳволи, ҳолатини ифодаловчи СЛлар бир неча ЛСГ қаторини ташкил этади ва улар фикрни образли ифодалаш, эмоционал-экспрессив семаларни акс эттириш имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини кўрсатади.

6. Предметнинг ҳарорат белгисини билдирувчи сифат лексемалар. Бундай СЛлар предметга нисбатан қўлланилганда ҳароратнинг уч хил даражасини, яъни совуқлик, илиқлик ёки иссиқликни ифодалашга хизмат қилади: **Совуқ мрамор** тошни сийпалаб, силаб / Кезиб юрарманми яна сарсари? (М.Али); Насима! Бу кунги **иссиқ қон**/ О, балки тўкилур... ўларман... (У.Носир); **Иссиқ** нафас пуркар ҳар бир дераза / Ҳамон қадимгидек қатнов, борар иш (Шукрулло).

Ҳарорат билдирувчи СЛлар иқлимга, ҳавога нисбатан қўлланилганда белги, ҳарорат семаси аниқ ифодаланади: *Шабнам шовиллайди боғлар қўйнида* / **Салқин туман** ичра бўзарар тонглар (А.Орипов); *Букун деразамни очдим*у саҳар / Юзимга урилди **салқин шаббода** (Э.Воҳидов); **Салқин ҳаво** аста куяр лаб / Оппоқ бетларига кўчада (У.Носир).

Келтирилган мисолларда ҳаво ҳароратининг совуқликка яқин даражада эканлиги ифодаланган. Баъзан *салқин* СЛси олдидан

белгини кучайтириш мақсадида кучли белги даражасига эга бўлган предмет номи ўхшатиш сифатида қўлланади, бу эса тасвирланаётган предметнинг образли тасвирини беришга восита бўлади: Ҳаво муздек салқин / *Енгил ел турди (У.Носир)*; *Гоҳ эса муздек сув* қуйди бошимдан / *Қутлуг эътиқодим қибланомаси (Э.Воҳидов)*.

Тилимизда *совуқ куз, совуқ хона, иссиқ уй, салқин ўрмон, иссиқ жой* каби сўз бирикмалари таркибида ҳарорат белгиси тегишли бўлган асосий предмет номи (ҳаво) тушириб қолдирилган ёки қисқарувга учраган. Лекин гап мазмунидан белгининг айнан ўша предмет (ҳаво)га тегишли эканлиги аниқ сезилиб туради. Қиёсланг: *совуқ куз // совуқ куз ҳавоси; совуқ хона // совуқ хона ҳарорати; иссиқ уй // иссиқ уй ҳарорати; салқин ўрмон // салқин ўрмон ҳавоси; иссиқ жой // иссиқ жой ҳарорати* кабилар. Фикрнинг бундай қисқа, эллиптик шаклда ифодаланиши матн орқали ифодаланаётган гап мазмунига унчалик таъсир кўрсатмайди. Баъзан ҳароратнинг жуда паст даражада эканлиги, яъни ҳавонинг ортиқ даражадаги совуқлик ҳолати тилимизда *қаҳратон* СЛсини эпитет сифатида қўллаш орқали ифодаланади: *Мард чиққанда сафарга / Билмас орқага қайтиш / Хоҳ баҳор, хоҳ саратон / Хоҳ бўлсин қаҳратон қиш* (Шукрулло).

Илиқ сифат лексемаси ҳароратнинг нормал даражада эканлигини ифодалашга хизмат қилади: *Ва қуёшнинг илиқ, зар / Тонгги шуъласи тушар / Ўнлаб оқ палаткага (Э.Воҳидов)*.

Баъзан баён қилинаётган фикрнинг тингловчи ёки ўқувчи руҳиятига таъсир этиши, ижобий ёки салбий маънога эга бўлиши ҳарорат билдирувчи СЛларнинг мавҳум отлар билан ёнма-ён қўлланиши орқали ифодаланади: *Жилмайиб қарамоқ қийинмас ахир / Илиқ сўз айтишлик, аслида, осон (М.Али).*

Умуман олганда, тилимизда инсонга хос хатти-ҳаракат, ҳолатларнинг предмет ҳароратини билдирувчи СЛлар воситасида ифодаланиши кенг тарқалган. Масалан, *совуқ нигоҳ, совуқ сўз, илиқ жозоба, совуқ тер, иссиқ салом, қайноқ қалб, совуқ муомала* кабилар: *Пешионамдан ажаб / Совуқ тер келди (У.Носир).*

Келтирилган мисолда *совуқ* лексемаси предметнинг ҳароратини эмас, балки инсоннинг руҳий ҳолатини ифодалаш учун хизмат қилган.

Предметнинг ҳарорати баъзан ҳўл-қуруқликни билдирувчи СЛлар ёрдамида ҳам ифодаланади: *Яйраб-яйраб кулдим, ўйнадим / Намхуш-намхуш саҳарларда* мен (М.Али); *Ўрмон, ўтлоқларнинг исин келтирган / Намхуш дарё* ели нақадар юмшоқ! (Шукрулло).

Бу ўринда *намхуш* сифат лексемаси *салқин* ўрнида келиб, ҳарорат даражасини образли тарзда ифодалашга хизмат қилмоқда. Лекин, бизнингча, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *намхуш* лексемасига изоҳ берилмай, *нимхуш(к)* сўзининг диалектал варианты, деб ноўрин кўрсатилган [ЎТИЛ, 1, 495]. А.Ҳожиевнинг синонимлар луғатидан ҳарорат белгисини билдирувчи СЛлар ЛСГига умуман ўрин берилмаган.

Баъзан матнга боғлиқ ҳолда аслида сувга нисбатан қўлланувчи, қўлни куйдирадиган даражада иссиқ маъносини берувчи *қайноқ* СЛси ҳаво ҳароратини ифодалашга ҳам хизмат қилади: *Димоғимга гўё Сергейнинг / Урар эди қайноқ нафаси (Шукрулло).*

Қайноқ лексемаси сув белгиси сифатида қўлланганда белгининг энг кучли даражаси тушунилади. Бошқа предметларга нисбатан қўлланганда эса, бу белги семаси анча сусаяди: *Қани, қўлингни бер, эй қардош диёр / Ўзбек йигитининг қайноқ кафти бу (А.Орипов).*

Келтирилган мисолларда *қайноқ нафас*, *қайноқ кафт* каби қўлланишларда ўзаро алоқа, семантик боғланиш мавжуд. Қуйидаги мисолларда эса *қайноқ* лексемаси бутунлай бошқача маъно семасига эга бўлган: *Букун мардонавор қўймоқда қадам / Қайноқ ҳаёт завқи олдинда ҳали (Э.Воҳидов); Даладаги бу қайноқ ҳаёт / Ҳавасига боғлади қанот (Ҳ.Олимжон).*

Бу мисолларда *қайноқ* СЛси жўшқин меҳнатнинг авж олиши, одамларнинг уюшган ҳолда меҳнат қилиб чарчамаслиги каби семаларни ифодалашга хизмат қилмоқда.

Поэтик нутқда нарса-предметнинг иссиқлик белгиси баъзан ўт, олов маъносини билдирувчи *оташ* // *оташнок* лексемаси ёрдамида ҳам ифодаланади: *Исиб кетди кун ҳам оташнок / Пешонага ўзини урур (М.Али).*

Форсча-тожикча китобий *отаиш* лексемасининг дублети саналган *отаишнок* сўзи «Изоҳли луғат»дан ўрин олмаган [ЎТИЛ, 1, 548].

Баъзан *отаиш* лексемаси инсонга нисбатан ҳам қўлланиши поэтик нутқда кузатилади: *Тепамдан тун каби қуюлади соч / Қора тун ёнади отаиш юзларда* (А.Орипов).

Келтирилган мисолда *отаиш* лексемаси иссиқлик маъносини билдиришдан ташқари маълум даражада қизарган юз (ранг) семасини ҳам ифодалаб келмоқда. Агар *отаиш* лексемаси *юрак, қалб, дил* сўзлари билан бирга келиб, уларнинг эпитети сифатида қўлланса, *юракни ўртантирадиган, ҳароратли ҳис-туйғу* маъноларини ифодалашга хизмат қилади.

Тилимизда ранг-тус билдирувчи айрим СЛлар ҳам айрим ҳолларда ҳарорат семасини ифодалаши мумкин: *Машина ҳам кириб келди қуюн каби тез! / Саратоннинг сарик кўни эди-да, у кез / Ҳароратдан ҳаллосларди машина жуда* (М.Али).

Келтирилган мисолда *сарик* лексемаси икки мустақил семани ифодалашга восита бўлган: а) ҳароратнинг кучли даражада, яъни жуда ҳам иссиқ эканлигини кўрсатади; б) ёз фаслида дов-дарахтларнинг ўз рангини ўзгартириб, сап-сарик тусга киришини ифодалайди. Бу ўринда, айтиш мумкинки, икки мустақил маъно семаси қўшилиб, яхлит ҳолда ифодаланаётган фикрнинг образлилиги, эмоционал-экспрессивлиги таъминланган.

7. Тозалик-ифлослик ҳолатларини ифодаловчи сифат лексемалар. Тилимизда бир қатор СЛлар предметнинг тозалиги ёки ифлослигини кўрсатишга хизмат қилади ҳамда алоҳида ЛСГ қаторини ҳосил қилади. Масалан: *Кўк чамбарга ўралган кўзгу / Тиниқ кўллар атрофда гўё (Шукрулло); Осмон тиниқ, чарақлар юлдуз / Оппоқ нурда дарё ва ўрмон (Шукрулло).*

Келтирилган ҳар иккала шеърӣ парчада ҳам тозалик, озодаликни таъкидлаш мақсадида *тиниқ* СЛси қўлланган. Дастлабки мисолда *тиниқ* лексемаси сувнинг тозалигини, унинг ҳар хил ифлос нарсалардан холи эканлигини таъкидлашга хизмат қилган бўлса, кейинги мисолда бу лексема осмоннинг тозалиги, мусаффолиги, унда бирорта ҳам булут йўқлигини тасвирлаш учун восита бўлган.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, СЛлар тозалик-ифлослик семаларини кўпроқ кўчма маънода қўлланиш орқали намоён этади. Масалан: *Ғам сояси тушди ишқ билан / Лим-лим тўла поkjюрагимга (Э.Воҳидов); Муқаддас Москва бўсағасида / Тўкилган покиза қатрақоним бор (Ғ.Ғулом); Севиб қолган эди у санам /Севги эди у покиза ҳис! (М.Али).*

Кўринадики, предмет, воқеа-ҳодисанинг тозалиги ёки ифлослигини билдирадиган СЛлар ўз маъносида эмас, балки инсоннинг руҳияти, ички кечинмалари билан боғлиқ ҳолатларни, яъни кўчма маъноларни ифодалаши билан характерланади: *Тонг отар чоғида жуда соғиниб / Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб / Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди / Пок-покиза юрак бир қатра симоб*

(Ғ.Ғулом); *Аммо фикрим лойқа хаёлотлардан / Ифлос тўлқинлардан* холис, безубор (Шукрулло).

Келтирилган мисолларда *лойқа, ифлос* СЛлари инсон томонидан ёмон қабул қилинувчи, унинг руҳиятига салбий таъсир этувчи ҳис-туйғуларни ифодалаш учун хизмат қилган. Бундай ҳолатни шоир Азим Суюннинг шеъридан олинган қуйидаги матнда ҳам кузатиш мумкин: *Мен сени тоғларга олиб кетаман / Қувиб етолмагай иркит гийбатлар* (А.Суюн).

Аслида *гийбат* дейилганда «бировни орқаворатдан ёмонлаб гапириш, фисқи-фасод» гапларни сўзлаш тушунилади [ЎТИЛ, II, 657]. Ўз-ўзидан маълумки, *гийбат* инсоният томонидан кескин қораланадиган салбий одатлардан бири. Шоир Азим Суюн юқорида келтирилган шеърининг парчада ўзининг гийбатга бўлган кучли нафратини ёрқин ифодалаш мақсадида унинг олдида ифлос маъносини билдирувчи *иркит* СЛсининг эпитет (сифатлаш) шаклида қўллаган ва шу асосда гийбатга, ёмонликка бўлган кескин салбий муносабатини аниқ ифодалашга муваффақ бўлган.

Поэтик нутқда предметнинг тозалиги ёки ифлослик ҳолатларини билдирувчи СЛлар инсонга нисбатан қўлланар экан, улар киши танаси аъзоларини, кишиларнинг ҳис-туйғуларини ифодаловчи сўзлар билан биргаликда синтагмалар шаклида келади ва шу асосда инсониятга хос характер-хусусиятлар очиқ берилади. Жумладан, тозаликни билдирувчи СЛлар ана шундай синтагмалар таркибида қўлланганда муаллифнинг ўзи тасвирлаётган кишига нисбатан ижобий муносабати доимо сезилиб туради. Шу сабабли

поэтик нутқда *беғубор қалб, пок юрак, соф кўнгил, тоза қон, соф ҳис, покиза туйғу, пок севги, беғубор туйғу, пок орзу, пок ният, тоза юрак* каби синтагмалар кўплаб учрайди. Баъзан поэтик нутқда тозаликни ифодаловчи СЛларнинг ёнма-ён келиш ҳоллари учрайди: *Кўнгил симоб қатрасидай / Беғубору мусаффо* (Э.Воҳидов).

Келтирилган мисолда лирик қаҳрамон ўз қалбининг софлиги, тозаллигини кўрсатиш мақсадида уни дастлаб симобга қиёслайди. Бунда симобга хос бўлган белгилар покиза инсон қалбини характерлашга хизмат қилади. *Беғубор* дейилганда «чанг-ғубордан холи; соф, мусаффо, тоза»лик маъноси тушунилса [ЎТИЛ, П, 109], бу маъно кейинги СЛ – *мусаффо* орқали янада кучлироқ таъкидланмоқда. *Мусаффо* лексемаси белгини янада кучайтириб, жуда ҳам соф, жуда ҳам беғубор семалари билан матнга янада ўзгача жило бахш этмоқда.

Кузатишлар шундан далолат берадики, тозалик ёки ифлослик ҳолатларини ифодаловчи СЛларнинг поэтик нутқда қўлланишида яна бир қизиқ ҳолат кўзга ташланади. Шоирлар инсонни, унинг покиза қалбини тасвирлар эканлар, унинг ижобий хислатга эгаллигини кўрсатиш мақсадида уни тозалик белгисига эга бўлган бошқа бир нарса ёки предметларга қиёслаш усулидан фойдаланадилар. Масалан: *Таиқарида қор бўралар / Оппоқ гул тўзгигандек / Қалб баҳордек беғубор...* (Шукрулло); *О, бола юраги, беғубор дунё / Борлиққа меҳри тенг, бамисли офтоб* (Э.Воҳидов); *Умрим оқин сувдек беғубор! / Аммо эмас кўлмакдек беқадр* (Шукрулло).

Баъзан эса поэтик матнларда аксинча ҳолат ҳам юз беради, яъни табиатдаги нарса ва предметларнинг софлигини, тозаллигини образли таъкидлаш мақсадида уларни шоир инсоннинг покиза қалбига ўхшатади: *Кундагидан кўра табиат / Гўзал, юрагимдек безубор (Шукрулло); Дог кўринмас олам бетида / Қалбим каби тоза, безубор (Шукрулло).*

Хуллас, предметнинг тозаллиги ёки ифлослигини ифодаладиган СЛлар поэтик нутқда нарса ва предметларга, шунингдек, инсонга хос бўлган турли хил ҳолатларни ёритиб беришда муҳим услубий восита бўлиб хизмат қилади. Бундай СЛларнинг маъно таркибида фикрнинг жозибадорлигини, образлилигини ифодалаш семалари анча фаоллашади.

8. Предметнинг янгилик-эскилик ҳолатларини ифодаловчи сифат лексемалар. Тилимизда *янги, эски, кўҳна, чурук, увада, жулдур* каби бир қатор СЛлар нарса ёки предметларнинг янги ёки эскилик ҳолатини билдиришга хизмат қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, А.Ҳожиев луғатида *жулдур, увада* СЛларининг ўзаро маънодошлиги таъкидлангани ҳолда [ЎТСИЛ, 101-102], бу ЛСГ қаторига кирувчи *чурук* лексемаси тушиб қолган. «Изоҳли луғат»да эса сўзлашув тилига хос *чурук* СЛсининг изоҳида «эски, эски-туски, жулдур, увада» сўзларидан фойдаланилган [ЎТИЛ, II, 383]. Келтирилган ЛСГ қаторига мансуб *чурук, эски-туски, увада, жулдур* СЛлари кўпроқ буюмларга нисбатан қўлланилади: *жулдур кийим, эски-туски латта, увада кўрпача, чурук тўн* каби. Шу ЛСГ қаторига кирувчи *янги, эски, кўҳна* СЛларининг маъно кўлами,

қўлланиш даражаси юқоридагиларга қараганда бирмунча кенг ва умумийроқдир. Бу сифат лексемаларини *чурук*, *эски-туски*, *увада*, *жулдур* лексемалари ўрнида қўллаш ҳар доим ҳам қўзланган натижани беравермайди. Бадиий нутқда бирор предметнинг жуда эскилигини таъкидлаш мақсадида *жулдур* ёки *чурук* СЛлари ўрнида эски ёки кўхна сўзларини қўллаш мумкин, лекин бундай қўлланиш ўша предметнинг, масалан кийимнинг эскилиги ҳақида умумий тасаввур берса-да, бу кийимнинг асосий белгилари – йиртиқ-ямоқлиги, илма-тешиклиги ҳақида аниқ маълумотлар бера олмайди. Худди ана шундай қўшимча семалар *жулдур*, *увада*, *чурук* лексемалари орқали реаллашади ва шу асосда поэтик матн мазмунига аниқлик киритилади. Масалан: **Увада камзулда** биллур тугмадай / Булутлар ортидан боқади юлдуз (А.Орипов).

Юқоридаги мисолда қўлланган *увада* СЛсини «эски» маъносини ифодаловчи *жулдур* ёки *чурук* лексемалари билан алмаштириш бу шеърий матн мазмунига маълум даражада салбий таъсир кўрсатади, яъни матндаги поэтик таъсирчанлик, образлилик маълум даражада сусаяди. *Увада* лексемаси эски, ифлос пахта, шунингдек, кийилавериб йиртилган, дабдала ҳолатга келган кийим-кечакка нисбатан қўлланилиши мумкин. Лекин шоир А.Орипов бу парчада *увада* СЛсини иккинчи мисрадаги булут сўзига алоқадор шаклда қўллайди. Натижада эскирган, ифлос пахта ва осмондаги турли кўринишдаги булутлар орасидаги ўзаро ўхшашлик асосида шеърда кучли поэтик тасвир юзага келган.

Умуман олганда, поэтик матнларда *чурук, увада, жулдур* каби СЛлари буюм белгиси сифатида мавзуга боғлиқ ҳолда кишиларнинг оғир, аянчли турмуш шароитини тасвирлаш учун хизмат қилади. Бизнингча, *янги, эски* СЛларининг даврга нисбатан қўлланиши, шу асосда ижтимоий маъно касб этиши ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Масалан, XX аср бошлари ўзбек шеъриятида 1917 йилги сиёсий тўнтариш натижасида *янги, эски* СЛлари янгича, чуқур ижтимоий маъно касб этди. Масалан, шоир Ҳамид Олимжон Октябрь тўнтаришигача бўлган даврни, халқ ҳаётини *эски турмуш, эски ҳаёт* тарзида таъриф-тавсиф қилади. У 1917 йилдан кейинги ҳаёт тасвирига нисбатан эса *янги турмуш, янги замон, янги ҳаёт, янги жаҳон, янги йўл, янги куй, янги куч* сингари бирикмалардан фойдаланади. Бунда шоир Ҳамид Олимжоннинг *янги* СЛсини худди юқоридаги сингари синтагмалар таркибида қўллашида ўша давр «социалистик» турмуш тарзини тараннум этганлигини сезиш қийин эмас. Умуман, бундай ҳолатни ўша даврда бошқа кўпгина шоир ва ёзувчилар ижодида ҳам учратиш мумкин эди.

Бугунги мустақиллик даври ўзбек поэзиясини кузатар эканмиз, эски маъносини ифодалашда *кўҳна* СЛсининг *эски* лексемасига нисбатан кўпроқ қўлланилиши аниқланди.. Тўпланган фактлар шуни кўрсатадики, *кўҳна* СЛси 68 марта, *эски* лексемаси эса 197 марта эпитет сифатида қўлланган. Айрим ҳолларда бу СЛларнинг ўрнини алмаштириш поэтик матн мазмунига ғализлик киритади. Масалан, қуйидаги мисолларда *кўҳна* СЛси қўлланган:

*Сен мени йўлладинг, келиб мен ногоҳ / **Кўхна** Сирдарёнинг канорасидан (Э.Воҳидов); **Кўхна сўд** бардошин, тугилмай Исо, Қадимги ёзувларда юнонлар айтган (Э.Воҳидов).*

Келтирилган парчаларда қўлланилган *кўхна* СЛсининг даврни камраб олиш кўлами, доираси эски лексемасига нисбатан анча кенгроқ. Бу ўринда *кўхна* СЛси «узок ўтмишдан давом этиб келаётган, қадимий» [ЎТИЛ, 1, 424], деган семаларни ўзида мужассамлаштирган. Бу маъно семаси ҳатто кейинги мисолнинг иккинчи мисрасида қўлланган *қадим* лексемасида ҳам бўртиб кўзга ташланади. Бу лексемада дастлабки мисрада айтилган *кўхналикка* ишора мавжуд. Қуйида келтириладиган шеърий парчада ҳам *кўхна* СЛсини эски лексемаси билан алмаштириб бўлмайди, чунки бунда *кўхна* лексемаси дунёнинг азалдан мавжудлигини таъкидлаш учун хизмат қилади. Агар бу лексемани эски СЛси билан алмаштирилса, унинг маъно кўлами жуда торайган бўларди: Бу **кўхна** дунёга келгувчи башар – / Шу юксак чўққига интилар мангу (Э.Воҳидов).

Шундай қилиб, поэтик нутқда предметнинг янгилиги ёки эскилик ҳолатини билдирувчи СЛлар матнга боғлиқ ҳолда турли хил нарса ва предметларга, жой номларига, ҳар хил мавҳум тушунчаларга нисбатан қўлланади.

9. Тинч ва нотинчлик ҳолатларини ифодаловчи сифат лексемалар. Маълумки, адабий тилда *тинч*, *нотинч*, *осойишта*, *жим*, *безовта*, *бетоқат*, *бетинч*, *ҳалак*, *бесаранжом*, *алгов-далгов*, *тўс-тўполон*, *сокин*, *соқит*, *осуда*, *безовта* каби СЛлар табиат ва жамиятдаги турли хил тинч ва нотинч ҳолатларни, предметларнинг

ҳолати, инсонга хос бўлган ҳар хил руҳий ўзгаришларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан: *Гўзал, сокин оқишом чўкмоқда / Тебранади елда чироқлар / Дарахтзор ҳам сокин солланар (А.Орипов); Осуда кечалар кўк тоқин ўраб / Шамдек ўниб турган миллиард юлдузлар (Э.Воҳидов); Кимга завқ бермади шу тайлоқларнинг / Фароғат қўйнида ухлашлари тинч! / Сокин кечаларда ошиқ ёшларнинг / Ишқий қўшиқлари бермасми севинч! (Шукрулло).*

Келтирилган мисолларда қўлланилган *сокин, осуда, тинч* каби СЛлар «тинчлик», «осойишталик», «хотиржамлик» семаларини ифодалашга хизмат қилмоқда. Поэтик нутқда тинч ёки нотинч ҳолатларни билдирувчи СЛларнинг қандай семаларни англатиши улар қўлланилган матннинг мазмун-моҳияти билан бевосита боғлиқдир. Масалан: *Балки мен ҳам шоир бўлардим / Бўлса эди осуда замон (Э.Воҳидов).*

Бу ўринда *осуда* СЛси «тинч, беташвиш, хотиржам» [ЎТИЛ, 1, 547], уруш-жанжаллардан холи семасини ифодалаб келмоқда. Баъзан бу лексема «ҳаяжон, изтироблардан холи, беташвиш» семасини ҳам ифодалайди: *Дўстим, сенинг осуда бахтинг / Менга насиб бўлмади, аммо... (Э.Воҳидов).*

Яна қуйидаги шеърий парчага ҳам эътиборни қаратайлик: *Наҳот келди сокин кексалик / Наҳот келди фақат хотирот?! / Осуда бахт азиз шунчалик / Жимжит ўйлар шириндир наҳот! (Э.Воҳидов)*

Бу парчада тинч-нотинчлик ҳолатларини ифодаловчи учта СЛ - *сокин, осуда, жимжит* иштирок этган. Уларнинг биринчи ва иккинчиси – *сокин, осуда* «уруш-жанжалдан, хаяжон-изтиробдан хоилилик» семасини, учинчи СЛ – *жимжит* эса «овоз чиқармай» семасини ифодалашга хизмат қилмоқда.

Тинч-нотинч ҳолатларни ифодаловчи СЛларнинг ёнма-ён қўлланилиши улар билдирадиган маънони янада кучайтириш учун хизмат қилади: *Хайрли кеч – фарахли тунинг / Осойишта, тинч бўлсин* демак (Э.Воҳидов).

Тилимизда ҳайвонларга хос тинч-ҳолатларни ифодалаш учун баъзан *тек* СЛсидан ҳам фойдаланилади: *Қари қашиқир толди / Тек қотди бир зум* (А.Суюн).

Нотинч ҳолатни билдирувчи *безовта* СЛси аслида инсонларга ва жонли ҳайвонларга нисбатан қўлланади. Лекин шеърӣ матнларда баъзан поэтик тасвир аниқлигини таъминлаш мақсадида бу лексеманинг турли хил мавҳум от, тушунчаларга нисбатан ҳам қўлланиш ҳоллари кўзга ташланади: *Япроқлар бандида кезган жимгина / Маъюс ва безовта кўзни кўраман* (А.Суюн).

Шундай қилиб, ҳолат билдирувчи СЛларнинг маъно таркиби масалаларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ҳолат билдирувчи сифатлар ўз семантик табиатидан келиб чиқиб кишининг турли хил руҳӣ ҳолатини ифодалашга хизмат қилади.

2. Бундай сифатлар тилимизда алоҳида-алоҳида тўққизта ЛСГлар қаторини ташкил этади: а) хурсандлик ҳолатини ифодаловчи СЛлар; б) хафалик ҳолатини ифодаловчи СЛлар; в) ғазабли ҳолатни ифодаловчи СЛлар; г) ижобийлик ёки салбийлик семаси тўғридан-тўғри ифодаланмайдиган ҳолат билдирувчи СЛлар; д) кишининг ҳаётӣ аҳволи, ҳолатини ифодаловчи СЛлар; е) предметнинг ҳарорат белгиси ҳолатини билдирувчи СЛлар; ё) тозалик-ифлослик ҳолатларини ифодаловчи СЛлар; ж) предметнинг янгилик-эскилик ҳолатларини ифодаловчи СЛлар; з) тинч-нотинчлик ҳолатларини ифодаловчи СЛлар.

3. Бундай СЛлар бадий нутқда тасвирланаётган киши образининг хилма-хил кайфияти (шодлиги, қувончи, ғам-алами кабилар)ни, ички кечинмаларини, руҳий изтиробларини акс эттириш ва шу орқали китобхонда ҳам турли хил эмоцияларни ҳосил қилишда муҳим услубий воситалардан бири саналади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Миллий истиқлол ўзбек фани, маданияти ва таълимининг “борини авайлаб-асраб, йўғини яратиш” (И.Каримов) йўлидан бориб, янги тараққиёт чўққиларига кўтарилишига, бутун жаҳонга ўзлигини намоён қилишга кенг йўл очди. Натижада биргина ўзбек тилшунослигида семасиология, ономасиология, этимология, прагматика сингари бир қатор янги соҳалар ривожига янги муваффақиятлар қўлга киритилди, бир қанча монографиялар, илмий мақолалар юзага келди. Энг муҳими, тилимиз табиати унинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиладиган бўлди.

НБларнинг табиати, маъно таркибини тадқиқ этиш соҳасида ўзбек семасиологияси фани дастлабки қадамларни қўя бошлади. Номинация гносеологиянинг таркибий қисми сифатида инсон билиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Инсоннинг теvarак-атрофдаги нарса ва предметлар, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тасаввури, тушунчаси қанчалик кенгайса, ортса, НБларнинг маъно таркиби ҳам шунчалик ўзгариб, бойиб боради, айрим НБлар янги маъно хусусиятларига эга бўлаверади. Ана шу тадрижий жараённи кузатиш тилимизнинг семантик доирасини чуқурроқ тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар очади. Ўзбек тилида НБларнинг маъно таркибини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Тил бирликлари орасида сўз асосий ва марказий ўринни эгаллайди. Шу сабабли сўз тушунчаси тилшуносликнинг ғоят мураккаб ва қийин тушунчалари қаторидан жой олиб келмоқда. Шу кунга қадар сўзнинг аниқ, мукаммал илмий таърифи ишлаб чиқилмаганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

2. Сўз тилнинг асосий (типик) НБлари қаторига киради. Сўзнинг матн таркибидаги бошқа хусусиятлари, окказионал, фигурал семаларни ифодалаши, прагматик имкониятлари унинг бу хусусиятига нисбатан қўшимча хусусиятлар саналади.

3. Тилшуносликнинг кейинги йилларда бошқа фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда тараққий этаётган соҳаларидан бири лингвистик семантика ёки семасиологиядир, унинг жуда кўплаб соҳалари, ички йўналишлари мавжуд. Контекстуал семантика, коммуникатив семантика, интерпретацион семантика каби йигирмага яқин ички соҳалар шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда тилшуносликда семантик тадқиқотларда хилма-хил методлардан фойдаланилмоқда. Бу эса НБларнинг барча хусусиятларни кенгроқ тадқиқ этишга имкон беради.

4. Тил мураккаб системавий хусусиятга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Бу эса тилнинг таркибий қисмлари, унинг сатҳлари систем характериани ҳам инобатга олишни тақозо этади, чунки тил сатҳларининг барча бирликлари (фонема, товуш, бўғин, ўзак, сўз, сўз бирикмаси, гап кабилар) ҳам систем ёндашувни талаб қилади.

5. Ҳозирги замон тилшунослигининг энг долзарб муаммолари қаторига тил бирликлари орасидаги парадигматик, синтагматик ва

иерархик муносабатларни, тенг қийматли (эквиволент), мутаносиб (пропорционал), даражали (градуал) ва нотўлиқ (приватив) зиддиятларни ўрганиш, шу асосда улар орасида мавжуд оралик учинчиларни аниқлаш муаммолари киради.

6. Субстанциянинг номини тилда от сўз туркуми ифодалайди; тил семиотик система бўлгани учун объектив реалликдаги ҳар қандай нарсани аввало номинатив экспликация орқали (предметлаштириш) ном бериш йўли билан тилга “кўчиради”, ҳар қандай сўз энг аввало ўзи ифодалаган объектнинг номидир, шу жиҳатдан сўз тилнинг марказий НБлари қаторига киради. Ном лисоний субстанциянинг фонетик-акустик образидан кейинги иккинчи тажаллиси, дейиш мумкин. Бу тилнинг номловчи (аташ) функцияси, номинация жараёни билан боғлиқдир.

7. НБларнинг объектив борлиқдаги нарса-ҳодиса, ҳаракат, белги ва шу кабилар ҳақидаги бирор маълумот берувчи мазмунига лексик ёки луғавий маъно деб юритилади. Шунга мувофиқ НБларнинг семантик структураси дейилганда луғавий маъно ва шу луғавий маънога қўшимча тарзда намоён бўлувчи семалар тушунилади. Ҳар қандай семема структураси маълум компонентлардан ташкил топади, улар семасиология фанида “сема” атамаси билан номланади.

8. Лексик маънога синхрон планда қаралганда улар таркибини ясалиш муносабатига кўра, объектни ифода этишига кўра ва нутқда реаллашув ҳолатига кўра хилма-хил типларга ажратиб ўрганиш мумкин. НБларнинг лексик маъноси ясалиш (ҳосил бўлиш) асосига

кўра асос маъно ва ясама маънога бўлинади. Шунингдек, НБларнинг лексик маъносини объектни қандай тарзда ифодалашига кўра номинатив маъно ва фигурал маъноларга ажратиш мумкин. Семасиология фанида НБларнинг лексик маъноси нутқ жараёнида қандай реаллашув ҳолатига кўра эркин маъно ва боғлиқ маъноларга бўлиб ўрганилмоқда. Шу билан бирга НБлар таркибида узувал ва контекстуал (матний) маънолар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бундай маъно компонентлари (типлари)ни жиддий тадқиқ этиш НБларнинг семантик табиатини кенг ва чуқур тадқиқ этиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

9. НБларнинг семантик табиатида интеграл (умумий) ва дифференциал (фарқловчи) семалар, аташ (денотатив) ва ифода (коннотатив) семалари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга НБлар ўзаро турли хил градуал муносабатларга ҳам эгадир.

10. Ҳозирги ўзбек адабий тилида руҳий ҳолат ифодаловчи СЛларнинг семантик структураси «кайфият», «эмоциянинг ижобий-салбийлиги», «эмоциянинг кучли-кучсиз даражада кечиши», «муддат» семалари асосида таркиб топади, бунда услубий сема – «ижобий-салбий муносабат» семаси алоҳида ҳисобга олингани маъқул. Янгидан тузилаётган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан *намхуш*, *оташинок* сингари бир қанча СЛлар ҳам ўрин олиши ва улар ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, узвли (компонент) таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда лексикографик талқин қилиниши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
4. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009.–40 б.
5. Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 184 б.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 80 б.

II. Илмий-назарий адабиётлар

7. Алланазаров Е.Е. Қорақалпоқ тилида метафораларнинг стилистик қўлланилиши (Т.Жумамуратовнинг поэтик асарлари мисолида). Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Нукус, 2002. – 24 б.
8. Аничков И.Е. Об определении слова // Морфологическая структура слов в языках различных типов. – М.Л.: Наука. 1963. – С. 132-154.
9. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. - М., Наука, 1966. – 324 с.
10. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. - М.: 1955. – 342 с.
11. Баскаков Н.А., Содиқов А.А., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 192 б.
12. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқи методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 6-сон, 35-40-бетлар.
13. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. - Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.
14. Бенвенист Э. О природе языкового знака // Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях, часть 1. - М.: Просвещение, 1964. – С. 459-464.
15. Бобожонов Ш.Х. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва изоҳли луғатдаги талқини. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 23 б.
16. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 52 б.
17. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // Виноградов В.В. Избранные труды, лексикология и лексикография. - М.: Наука, 1977. – С. 162-189.

18. Виноградов В.В. Русский язык (грамматическое учение о слове). – М.: Наука. 1986. – 712 с.
19. Винокур Т.Г. Закономерности стилистического использования языковых единиц. - М., Наука, 1980.- 238 с.
20. Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Самарканд, 1967.- 18 с.
21. Данияров Б.Х. Проблемы лексической синонимии узбекского языка: коннотативный аспект семантики номинативных единиц. - М.: 1994. – 112 с.
22. Диапазон дарования. К 80-летию М.В.Панова // Вопросы языкознания, 2000, № 1. – С. 3-8.
23. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. - Тошкент, Фан, 1988.- 208 б.
24. Джаббарова Р.Дж., Гиясов С.Т. Применение метода компонентного анализа к изучению качественных прилагательных узбекского языка // Сов.тюркология, 1978, № 2. – С. 68-72.
25. Есперсен О. Философия грамматики. – М.: изд-во иностранной литературы, 1958. - 412 с.
26. Ёдгоров Қ. Бадиий асар тили – таҳлил дебочаси // Тил ва адабиёт таълими, 2001, 2-сон, 19-21-бетлар.
27. Жабборов Х. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари. – Қарши, “Насаф” нашриёти, 2005. – 152 б.
28. Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. - Тошкент: Фан. 2004. – 120 б.
29. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи. 1992. – 256 б.
30. Искандарова Ш. Ўзбек тилидаги лексемаларни тизим сифатида ўрганиш масаласига доир // Тил ва адабиёт таълими, 1995, 5-6-сон, 23-25-бетлар.
31. Йўлдошев Б., Қурбонов Т. Бадиий асар тили ва услуби масалалари (услубий қўлланма). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2007. – 164 б.
32. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси, Самарқанд, СамДУ нашри, 1982.- 81 б.
33. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1999. – 200 б.
34. Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари (монография). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2006. – 128 б.
35. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби, Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 1992. – 140 б.
36. Кацнельсон С.Д. О теории лингвистических уровней // Вопросы общего языкознания, М.: Наука. 1961. – С. 13-32.
37. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – 102 с.

38. Келдиёрова Г.С. Ўзбек бадиий нутқида антитеза (Э.Воҳидов шеърлари мисолида). Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 23 б.
39. Клаус Г. Сила слова. – М.: Прогресс. 1967. – 172 с.
40. Колшанский Г.В. Контекстная семантика. - М.: Наука. 1980. – 152 с.
41. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Высшая школа. 1986. – 336 с.
42. Мадрахимов И. Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. – Фарғона: ҚўқонДПИИ нашри, 2005. – 104 б.
43. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 24 б.
44. Мамаражабова З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.
45. Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент, Фан, 1982. – 212 б.
46. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги. Ижтимоий-маърифий эсселар. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 152 б.
47. Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон, 5-11-бетлар.
48. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи. 1995. – 232 б.
49. Мақсумова С.С. Эркин Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.
50. Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 46 б.
51. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси, ўқув қўлланмаси. - Тошкент, Университет, 2000.- 80 б.
52. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. - Тошкент, Фан, 1975. – 140 б.
53. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. - Тошкент, Мумтоз сўз, 2010. – 288 б.
54. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. - Тошкент, Фан, 1976.- 88 б.
55. Мухамедова С. Ўзбек тилидаги ҳаракат феъллари семантикасининг валентликка таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 5-сон, 39-44-бетлар.
56. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2005. – 168 б.
57. Нажмиддинов Ф.Ф. Адъектив лексемаларда семалар таснифи ва семалараро муносабатнинг турлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.

58. Неъматов Ҳ. Сўз, унинг тил ва нуткдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 6-сон, 38-43-бетлар.
59. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. - Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
60. Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологическом строе тюркских языков (к постановке вопроса) // Сов.тюркология, 1976, № 3. – С. 31-36.
61. Новиков Л.А. Семантика русского языка. - М., Высшая школа, 1982. – 272 с.
62. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (морфология). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 б.
63. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М.: Наука. 1972. – 432 с.
64. Орифжонова Ш.Ғ. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.
65. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари чорвадорлари нутқи асосида). – Тошкент, Фан, 2006. – 232 б.
66. Равшанов М., Нажмиддинов Ф. Адъектив лексемаларни семаларга ажратишнинг бир методи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000, 5-сон, 29-31-бетлар.
67. Равшанов М., Нажмиддинов Ф., Дўстов Т., Ҳасанова Г. Лингвистик семантика асослари. - Тошкент: 2003. – 56 б.
68. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. - Тошкент, Фан, 1989. – 144 б.
69. Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиш. - Тошкент: Ўқитувчи: 1992. – 24 б.
70. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маънолари компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, 3-сон, 18-20-бетлар.
71. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари (талаба, тадқиқотчи, аспирантлар учун қўлланма). – Тошкент, Университет, 2002. – 29 б.
72. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). – Тошкент: Университет, 2006. – 464 б.
73. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи. 1978. – 220 б.
74. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1983. – 232 б.
75. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов). Автореф. дис.... канд. филол. наук. - Ташкент: 1990. – 22 с.
76. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. - Тошкент, Ўқитувчи, 1996. – 48 б.

77. Собиров А. Она тили дарсларида идеографик луғатдан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими. 2003, 4-сон, 12-14-бетлар.
78. Собиров А.Ш. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 50 б.
79. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики // Соссюр Ф. Труды по языкознанию. - М.: Прогресс, 1977. – С. 31-273.
80. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. - М.: Просвещение. 1975. – 271 с.
81. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука. 1986. – 185 с.
82. Телия В.Н. Типы языковых значений (связанное значение слова в языке). – М.: Наука. 1981. – 272 с.
83. Тихонов А.Н., Ким Л.Л., Тихонов С.А. Современный русский язык (лексикология). - Ташкент: Ўқитувчи, 1991. – 264 с.
84. Тошалиев И. Ўзбек тили услубияти. - Тошкент, Университет, 1996. – 88 б.
85. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатларнинг юзага чиқиши. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.
86. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, Ўзбекистон, 1992. – 399 б.
87. Ульман С. Семантические универсалии // Новое в лингвистике, выпуск У. – М.: Прогресс, 1970. – С. 231-288.
88. Усмонов С. Умумий тилшунослик. - Тошкент: Ўқитувчи. 1972. – 208 б.
89. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 22 б.
90. Успенский Л. Слово о словах. – Л.: Детская литература. 1971. – 625 с.
91. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. – М.: Наука. 1974. – 231 с.
92. Файзуллаев М. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Ташкент: 1994. – 23 с.
93. Фомина М.И. Современный русский язык, лексикология. - М.: Высшая школа. 1990. – 415 с.
94. Худойбердиева Л.С. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 23 б.
95. Хўжаева Д. Эпитетлар ва уларнинг таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995, 5-6-сон, 25-27-бетлар.
96. Чейф У.Л. Значение и структура языка. – М.: Прогресс. 1975. – 452 с.
97. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 46 б.

98. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. - М.: Просвещение. 1972. – 328 с.
99. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. - М., Наука, 1973. – 274 с.
100. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. - Тошкент: Ўқитувчи. 1980. – 448 б.
101. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. - Тошкент, Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
102. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977. - 152 б.
103. Шукуров Р. Сўз вариантларининг лексик-семантик дифференциацияси. – Тошкент: Фан, 2006. – 164 б.
104. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари (монография). – Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – 170 б.
105. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (XIX асрнинг биринчи ярми вақтли матбуот материаллари асосида). - Тошкент, Фан, 1986. – 124 б.
106. Ўзбек тили лексикологияси. - Тошкент: Фан, 1981. – 316 б.
107. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий матннинг лингвистик таҳлили. - Тошкент, Ўқитувчи, 1990. – 216 б.
108. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари, Тошкент, Фан, 1982. – 88 б.
109. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили (конспектив курс). - Бухоро, Бухоро университети, 1999. – 228 б.
110. Қиличев Э. Маънодош сўзларда маъно даражаси // Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари. Ўзбек тили доимий анжумани III йиғинининг тезислари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 126-127-бетлар.
111. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 21 б.
112. Қурбониязов Г.А. Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ адабий тилларидаги қаттиқ ва қатты лексемаларининг қиёсий таҳлили. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.
113. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, Ўқитувчи, 1992. – 110 б.
114. Қўчқортёев И. Бадиий нутқ стилистикаси. - Тошкент, ТошДУ нашри, 1975. – 82 б.
115. Қўчқортёев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги (ўзбек тилидаги нутқ феъллари материали асосида). - Тошкент, Фан, 1977. – 168 б.
116. Қўчқортёев И. Ўзбек тили лексик семасиологияси ва унинг актуал вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982, 6-сон, 26-29-бетлар.

117. Қўчқортоев И. Тилнинг луғат системасини ўрганишнинг бир йўли тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972, 3-сон, 29-32-бетлар.
118. Ғуломов А., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. - Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
119. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 49 б.
120. Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (биринчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 3-сон, 26-30-бетлар.
121. Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 5-сон, 30-36-бетлар.
122. Ҳозирги замон ўзбек тили. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957. – 526 б.
123. Ҳозирги ўзбек адабий тили, икки томлик, 1-том. - Тошкент: Фан, 1966. – 392 б.

Ш. Луғатлар

124. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.: 1969. – 608 с.
125. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1990. – 685 с.
126. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. - М.: Прогресс, 1960. - 424 с.
127. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1976. – 543 с.
128. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, 1-том. - М.: 1981. – 632 б.
129. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, 2-том. - М.: 1981. – 715 б.
130. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
131. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.
132. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.
133. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
134. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б.
135. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.
136. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

Шартли қисқартмалар:

ДДА – докторлик диссертацияси автореферати

НДА – номзодлик диссертацияси автореферати

НБ – номловчи бирлик

НЛ- номловчи лексема

ЛСГ – лексик-семантик гуруҳ

СЛ – сифат лексема

ТТИЛ – Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Тошкент, 2002.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик. - М., 1981.

ЎТИЛ-5 – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. - Тошкент, 2006-2008.

ЎТСИЛ – Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. - Тошкент, 1974.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
Биринчи боб. ЛИНГВИСТИК СЕМАНТИКА ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИГА ДОИР.....	6
Иккинчи боб. НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАБИАТИ ҲАҚИДА.....	25
Учинчи боб. НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАР МАЪНО ТАРКИБИНИНГ ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ.....	43
Тўртинчи боб. ҲОЛАТ БИЛДИРУВЧИ СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ МАЪНО ТАРКИБИ МАСАЛАЛАРИ.....	62
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	85
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	88

*Бекмурод Йўлдошев,
Мўътабар Санаева*

**НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАРНИНГ МАЪНО
ТАРКИБИ ҲАҚИДА**
(Монография)
(тўлдирилган ва тузатилган
иккинчи нашри)

Мухаррир: Г.Раҳимова
Мусахҳих: У.Рашидова
Тех.муҳаррир: Б.Эгамбердиев

2013 йил 24 январда оригинал макетдан босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84/ 1,16. “TIMES NEW ROMAN” гарнитураси.
Offset қоғози. Offset босма усулида босилди. Шартли босма тобоғи 8,0 б.т.
Ҳажми 60 x 84 1/16. Адади 100 нусха.
Баҳоси келишув асосида.
